

НАБИ ХАЗРИЙ

# ПАРВОЗ

ШЕЪРЛАР,  
ДОСТОНЛАР,  
ДРАМА

*Ғафур Ғулом номидаги  
Адабиёт ва санъат нашриёти  
Тошкент — 1977*

Озб.  
X 16

X  $\frac{70403-136}{352(06)-77}$  83-77

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,  
1977 (Тарж).

## ТУЛҚИНЛАРГА ТУШ УРИБ...

Бошимдан сирғалиб кечмоқда йиллар,  
Шунчалар қадрдон  
Озарим каби,  
Агар қарисам ҳам Ҳазарим қадар,  
Мангу ёш қолгайман  
Ҳазарим каби!

Кекса ва ҳамиша навқирон Каспий не-не дилларга тўлқин солмаган, илҳом бағишламаган. Озар адабиётида бирор қаламкаш йўқки, долғали Каспийни тилга олмаган бўлсин!

Наби Хазрий ўз халқининг кенг китобхонлар оmmasига танилган заҳматкаш, истеъдодли шоирдир. Унинг асарлари мамлакатимиздагина эмас, балки кўпгина хорижий мамлакатларда ҳам маълум. Айниқса, Наби Хазрийнинг 1973 йилда сўнги даврда яратилган энг яхши поэтик асарлари учун ~~...~~ Давлат мукофотиغا сазовор бўлганлиги унинг кўп миллатли совет адабиёти ривожига жуда катта ҳисса қўшганлигидан далолат беради.

Наби Хазрий чин маънодаги лирик шоирдир. Унинг лирикасида майинлик билан жўшқинлик, севги ва ғазаб ёнма-ён туради. У қай мавзуга қўл урмасин, одамийлик, адолат ва абадиятни кўзда тутган ҳолда фикрлайди. Унинг лирик қаҳрамони — гўзаллик ошуфтаси, камолот ва нафосат сари интилувчи инсон, улкан севги соҳиби, ўз тақдирини умум тақдири билан бирга ҳис этувчи бунёдкордир. Мен бу ўринда шоирнинг айниқса «Қўшалоқ қанот», «Сокит сатрлар», «Денгиз кўк, муҳаббат» шеърларида давр, замон, тараққиёт ҳақида чуқур мулоҳаза юритади. Бу эса ўз навбатида асарларининг ижтимоий оҳангдорлигини оширади, уларга салмоқ бахш этади. Бу борада шоирнинг, айниқса, Япония ва Францияга қилган сафарлари оқибатида яратилган шеърлари диққатга лойиқдир.

Улуғвор каштаплар баргин тўкади,  
Одамлар, дарахтлар — ҳорғин батамом.  
Менинг қалбимга ҳам оқшом чўкади,  
Аста чўкканидай Парижга оқшом...

Наби Хазрий асарлари 1944 йилдан буён мунтазам босилиб келади.

Шоирнинг Максим Горький номидаги Адабиёт институти-да таҳсил кўрганлиги, рус классик поэзияси чашмалари-дан баҳраманд бўлганлиги унинг шеърлятида муҳим роль ўйнади. У талайгина рус шоирларининг, жумладан, М. Лермонтов, А. Твардовский, А. Прокофьев ва бошқаларнинг кўплаб асарларини озар тилига таржима қилди.


Наби Хазрий истеъдодли драматург сифатида ҳам танилган. Унинг замонавий мавзудаги пьесалари озарбайжон театрлари репертуарларидан мустаҳкам ўрин олган. Унинг сахна асарлари орасида «Севсанг, севгилим» драмаси мавзунинг актуаллиги, образларнинг ёрқинлиги ва қабариклиги билан ажралиб туради.

Озарбайжон дostonчилигида ҳам Наби Хазрийнинг муносиб ҳиссаси бор. Унинг «Қуёшнинг синглиси», «Она» ва «Икки Ҳазар» лирик дostonлари даврнинг муҳим масалаларини қамраб олганлиги, қаҳрамонлар ички дунёсининг бойлиги, поэтик бўёқларнинг сержиллиги туфайли диққатга моликдир.

Наби Хазрийнинг ушбу китобига кирган асарларини таржима қилишга Миртемир, Муҳаммад Али, Раззоқ Абдурашид ва Шавкат Раҳмон сингари турли авлодга мансуб шоирларимиз бош қўшганлар. Мен бу ерда таржималарнинг сифати хусусида, таржимонлар сидқидилдан меҳнат қилганликларини, шоир ижодининг руҳини бера билишга эришганликларини уқтириб ўтмоқчиман. Таржималарни бир-бирига яқинлаштириб турувчи хусусият ҳам ана шундадир.

Қўлингиздаги мазкур тўплам қадрдон дўстимиз Наби Хазрий ижодидан бир чашмадир. Бу тўплам гарчи қуёшли тупроғимизга Ҳазар соҳилларидан тўлқинларга тўш уриб балад парвоз этган оқчарлоқлардан бири, шоирнинг серқирра ижод мулкидан кўрмана дўстона, тортиқдир. Ўйлайманки, Наби Хазрий асарларидаги самимият ва жўшқинлик, латофат ва нафислик сизга ҳам завқ бағишлайди, қалбингизни олижаноб ҳис-туйғуларга тўлдиради. Зеро, шоирнинг бахти, орзуси ҳам шундадир!

РАМЗ БОБОЖОН,

 Давлат мукофоти лауреати.

# ШЕЪРЛАР

---





## ҚУШАЛОҚ ҚАНОТ...

Орзу-ла юксалган  
Бир хаёл бўлсам,  
Умрим ва ҳаётим —  
    Шеърим,  
    Севгимдир.  
Чўққилар эгаси ё қартол<sup>1</sup> бўлсам,  
Қўшалок қанотим —  
    Шеърим, Севгимдир.  
Гар илҳом йўллари туманли бўлса,  
Эй, севгим,  
Эй, шеърим,  
    Қўшоқ ўтинг сиз!  
Агар қанотимнинг бири қайрилса,  
Чўққи менсиз қолар,  
Мен ҳам чўққисиз!

---

<sup>1</sup> Қартол — бургут.

## М О В И Й...

Бугун ўзим ҳайрон:  
Нечун ва недан  
Само ҳам мовийдир,  
Тупроқ ҳам мовий,  
Дунёни бошқача рангда кўряпман,  
Дарахт ҳам мовийдир,  
Япроқ ҳам мовий.

Эсмоқда қайдандир сарин кулак<sup>1</sup>лар,  
Тоғдан мовий-мовий  
Туман суринаур.  
Мовий капалаклар,  
Мовий чечаклар  
Мовий чаманларда сўлим кўринаур.

Сувларга ел тегар,  
Сувларда титроқ,  
Ерда ҳам мен каби сир ва тугунлар.  
Куйлайди афсона, айтади жумбоқ  
Мовий соҳилларда  
Мовий тўлқинлар.

Ранги тамом бошқа  
Чўл ва тузнинг-да —  
Мовий шафақлардир ястанган ерга.

---

<sup>1</sup> К у л а к — майин ел, эпкин.



Учур кўк юзида  
Бу мовий кунда  
Мовий тайёра<sup>1</sup>лар мовийликларга.

Балки мен биларман  
Нечун ва недан  
Дунёнинг кундузи мовийлашибдир?  
Балки бу сен мовий кийинганингдан  
Ер юзи,  
Кўк юзи  
Мовийлашибдир.

Билгин, худди сендек ясанмиш олам,  
Само ҳам, тупроқ ҳам  
Жамулжам мовий,  
Балки бахтлилардан бахтлироқ мен ҳам,  
Балки саодатнинг ранги ҳам мовий?

---

<sup>1</sup> Тайёра — самолёт.

## СОКИТ САТРАЛАР

Инсонлар севилар,  
Севар дунёда;  
Умидлар умр учун мағрур қамотдир.  
Севги муштдаккина  
Қалбга сиғса-да,  
Лекин ўзи сўнгсиз бир коинотдир.

Унинг уфқлари  
Шунчалар ҳам кенг,  
Унинг орзулари кўнгил заридир.  
Балки у шафақли, нурли кўзларинг  
Ўша коинотнинг юлдузларидир,  
Юрак-ла боғланган сўқмоқда, изда  
Оҳангини топар умр иқлими.  
Ҳар янги туйғуни  
Ўз қалбимизда  
Очамиз янги бир сайёра кими<sup>1</sup>.  
Кечамиз умид-ла  
Йўл оча-оча,  
Кутамиз энг ёруғ сабоҳимизни.  
Дунёнинг муҳаббат саройида-чи,  
Толе ўзи қиймиш никоҳимизни...  
Олар қучоғига  
Соз кўклам мени,  
Мени сенинг ишқинг қанотлантирар.  
Саратон инжитмас жиндак ҳам мени,

---

<sup>1</sup> К и м и — каби, янглиғ маъносида.

Сенинг совуқлигинг  
Фақат ёндираар.  
Орзумиз туғилур  
Ойдин саҳарда,  
Ўхшари айқирган сойларча бўлур.  
Бизнинг кўришувлар  
Дақиқаларда,  
Бизнинг айрилиқ-чи, ойларча бўлур.

Сен қуёш,  
Мен эса, боши қорли тоғ,  
Синар чақмоқлардан  
Кўк юзи чил-чил.  
Бир-биримиздан бўлсак-да узоқ,  
Айрилиб кетмадик  
Ўтиб шунча йил.

Кўришдик,  
Долғалар оқур соҳилга...  
Тингладинг,  
Сўзладим мен ором-ором,  
Дедимки, хушбахтман,  
Чунки сен ила  
Айни бир кўчада юраман мудом.

Йил ўтди,  
Долғалар оқди соҳилга...  
Сенсиз ҳар кунни йил санай бошлайман.  
Дейманки, хушбахтман,  
Чунки сен ила  
Айни бир шаҳарда яшайман.

Йил ўтар,  
Долғалар урилар соҳилга...  
Гўёки ишқингда учган қушман мен.  
Дейманки: хушбахтман,  
Чунки сен ила  
Битта сайёрада туғилганман мен.

## ЎЗГА СОҲИЛЛАРНИНГ АЙНИ ТЎЛҚИНИ

Умрнинг ҳар йили  
Бир уммон дедим.  
Нега аюрдилар бу йиллар бизни?  
Сен шошилсанг,  
Мен ҳам кечикмасайдим,  
Балки айирмасди соҳиллар бизни.  
Яқин бир севгининг бу олис уни  
Юракка чақмоқдек ўт қўйиб ўтар.  
Ўзга соҳилларнинг айна тўлқини  
Қалбимизни эзиб ва ўйиб ўтар.

Кеча ширин-ширин  
Сайр этар ой сени, қаҳқашон сени.  
Мен саҳар елига: «Жим!» деганимда,  
Қимдир уйғотади бегумон сени.

Қўшалоқ ўтасиз...  
Яқин келмайман.  
Мен йўқман... Ёнингда у тайёр ҳар дам.  
Кўзимни кўтариб қарай олмайман,  
У эса, истаса кўтарар қўл ҳам.

Ўтасан, қуш бўлиб — қанот боғлайман,  
Аммо, юксалмоққа  
Уфқ тор, етмас.  
Сени малакларга малак чоғлайман,  
У бўлса,  
Қонуний хотин санар, бас!

Кўз соларми ҳайрон ҳар кўрган узоқ,  
Ё тинар ер билан само-да бирга?  
Бирга тепишмаган юраклар, қандоқ,  
Кўрайлик, йўл юрар дунёда бирга?

Кечикмиш орзулар ошиб-тошганда,  
Қарайман,  
Кўнглимдан ол қонлар оқар...  
Қонунсиз бир никоҳ қонунлашганда,  
Қонуний муҳаббат  
Чеккадан боқар...

## ЧУҶҚИ БУЛУТИ

Мағрур Элбрусда  
Оқ булутга боқ,  
Қор узра қор каби... Тушибди-я кун.  
Юксаклик  
Юксакка ярашиқ ҳар чоқ,  
У булут туғилмиш чўққилар учун.  
Тоғ унга,  
У тоққа гўёки безак,  
Нечоғлиқ узоқ-а ўша томон йўл.  
Дарада сурунмак нега ҳам керак,  
Булут бўлганда ҳам  
Чўққиларда бўл!

Дунёга орзули келур инсонлар,  
Баҳор деб яшайди кимки бўлмасин.  
Ҳар кимнинг ҳаётда ўз чўққиси бор,  
Ҳеч ким чўққисидан баланд турмасин.

\* \* \*

Кун чиқар, ёмғир ёғар...  
Жим ёғар, оғир ёғар...  
Барқ урар яшил чаман,  
Мен бошяланг кезаман.  
Инжуми, недир ёғар?

Еру кўк атирланибдир,  
Еру кўк сеҳрланибдир  
Жимир сеҳрли тупроқ,  
Ёғар сеҳрли ёмғир,  
Ёмғир атирли тупроқ,  
Тупроқ атирли ёмғир...

## ҚУЕШ ҚУШНИЛИГИДА

Қовушиб тоғларнинг шамолларига,  
Қояга қалқмоққа ярашлик яхши.  
Минг дафъа чўққига қараш ўрнига,  
Бир йўла чўққидан қарашлик яхши.  
Яхшидир сайр этиб  
Оламни бутун,  
Қуёш қўшнисиман, деб ҳаволанмоқ,  
Тоғларни енггандек расо ва дуркун,  
Янги чўққиларнинг ишқида ёнмоқ.  
Яхшидир бургутдек қанот ёйганда,  
Қалбинг юлдузлар-ла топиша қолса.  
Оёнинг остидан сал муз тойганда,  
Биров билагинга ёпиша қолса.  
Қоядан-қояга арқон отасан,  
Юрагу қулоғинг сасда, садода.  
Алвон чаманларда чарчаб ётасан,  
Ой ҳам қўриқчидай ёруғ самода.  
Кетасан,  
Ёрасан бўз туманларни,  
Селлар айқирса-да, тез сойлар каби,  
Унда мовий-мовий муз доволари  
Порласин оқ мрамор саройлар каби.  
Ўзинг тоғлар узра,  
Тоғлар сийнангда,  
Сўнгсиз денгиз сенга бир қатра келсин.  
Ёз куни  
Чўққидан ерга инганда,  
Сендан туман атри,  
Қор атри келсин.



## ЭЛБУРСГА ЁНДОШИБ

*Алим Кешоковга*

Чегет Элбурсга турар ёндошиб.  
Тумонлар,  
Тўфонлар  
Келур қўйнига.  
Чегет Элбурснинг кичик қардоши  
Ва лекин энг буюк  
Сирдошдир унга.

Тумонлар кечади  
Хаёл мисоли,  
Гўёки икки тоғ кезиб юришар.  
Юлдузлар ёнганда икки дўст ҳоли  
Гулхан атрофида суҳбат қуришар.

Зирвалар селлардан  
Золағ<sup>1</sup>-золағдир,  
Қун чиқар,  
Қор ёғар,  
Қаҳратон турар.  
Яхшики, тоғларнинг сирдоши тоғдир,  
Агар танҳо бўлса тоғлар ҳам нурад.

---

<sup>1</sup> З о л а ғ — ёриқ, ғовак.

## БОЛАЛИК КҮЙЛАГИМ

Сандиқдан бир кўйлак  
Олдию онам:  
— Болам, сеникийди,— деди бу оқшом.  
Кўрдим...  
Кўз олдимдан ўтди бари-да,  
Умримнинг илк баҳор — ёзи кўринди.  
У қайтмас йилларнинг сўқмоқларида  
Йитмиш болалигим изи кўринди.

Шимириб қишлоқда ёз кулагини,  
Кўрдим: қанот қоқиб,  
Гўё учардим.  
Кийиб болаликнинг бўз кўйлагини,  
Гўё болаликдан нари қочардим.  
У дамлар юксакда,  
У дамлар узоқ...  
Неча гал очилиб, чечак сарғаймиш.  
Йилларнинг юкидан  
Сочу соқол оқ,  
Йилларнинг юкидан кўйлак сарғаймиш.

Йилларга сўзимни айта билсайдим,  
Таниш сўқмоқларда яна учардим.  
Бугун у кўйлакни қайта кийсайдим,  
Кия билсайдим,  
Қарилikka тутқич бермай қочардим.

## ПАРВОЗ ИСТАГИ

Йиллар ўтаётир. Орзулар — бунёд.  
Не-не ватанларга йўлим тушмади!  
Лекин бир истакни қалбим айлар ёд:  
Кўп бўлди, тушимда ҳеч ҳам учмадим.

Уйқулар... Рўёлар... Энди чикора?  
Ётиб кўзларингни юмдингни, тамом:  
Парвоз этажаксан, пастда — сайёра.  
Оҳ қандай учардим, юксаклик томон!

Уйқулар... Рўёлар... Чорлар юксакка...  
Сирли ҳаёт кирар тушимга аста.  
Гоҳо бургут мисол учардим кўкка,  
Ястаниб ётарди ўрмонлар пастда.

Ҳайбатли куч ҳисси қамрайди мени,  
Кузга алмашади бир зумда кўклам.  
Томоша этаркан юлдуз мавжини  
Совуқ Ой сатҳига қўяман қадам.

Мен парвоз истайман... Бамисоли қуш,  
Ёздан баҳор сари қилсайдим парвоз!  
Майлийди, бир марта, бўлса ҳамки туш,  
Қайтсам, болалигим айласам эъзоз.

Қани қанот беринг, кўрсатинг аён,  
Қаёнга учайин? Учмоғим тайин!  
Тушимга беркинган болалик томон  
Ақалли бир марта учиб етайин.

## МУҒУЛ ТУПРОҒИДА

Очди қучоғини дўст еллар менга,  
Бу ўлка навқирон,  
Бу ўлка қадим.  
Мусаффо Керулен соҳилларига  
Ўйноқи Курадан  
Ассалом, дедим.

Чўпон яйловидан йиғар сурувни,  
Сурунур оқшомнинг бўз туманлари.  
Қўл чўзсанг етгудай  
Яқин кўринур  
Улуғвор самонинг қаҳқашонлари.

Тушур қора изи  
Оқ булутларнинг,  
Тоғлар жаранглайди қартол сасидан,  
Табиат уйғонур учқур отларнинг  
Шиддатли оқими, овозасидан.

Қартол бошим узра  
Сирғалиб ўтгай.  
Кўзимда оламнинг шодмонлиги.  
Кетурман,  
Мен билан қалбимда кетгай  
Қардош далаларнинг бепоёнлиги.

## ЮКСАКЛИК ИШҚИ

Сен қуёш —  
    мен сендан  
    баҳраманд ойинг.  
Сен товуш —  
    мен эса  
    акси садойинг!  
Чўққисан —  
    чўққига қалққан сўқмоқман.  
Тоққа ошмоқдаман,  
    тоққа муштоқман.

## Ч И Н О Р

Қиш... Забтига олар қаҳратон —  
Худди дала, водий, чаманзор  
Атайлаб оқ киймиш бу замон.  
Деразамга энгашар чинор —  
Деган каби: «Ҳолимга бир боқ!  
Уйингга қўй! Исинай озроқ!»

Чиллайи ёз... Қуёш — лахча чўғ.  
Атроф ёнар, ёнар неки бор,  
Тасвирига ҳаттоки сўз йўқ.  
Деразамга энгашар чинор,  
Навдаси-ла имлайди хушҳол:  
«Кел, соямда андак ором ол!»

\* \* \*

Гул бандидан узмасак гулни —  
Гуллар биздан хафа бўлур.  
Зирваларга солмасак йўлни —  
Йўллар биздан хафа бўлур!  
Хафа бўлур биллур булоқ —  
Ҳовучда сув ичмай ўтсак!  
Ранжиб қолур яшил япроқ —  
Тингламасдан ўтиб кетсак!  
Ларзон-ларзон олмазорлар —  
Кўтаролмас ҳосил ғамин...  
Агар меҳнат сарф қилмасак —  
Ранжиб қолур  
Биздан замин!

## ЕР ҲАМ, КҮК ҲАМ...

Тун...  
Бошим устида юлдуз бесаноқ...  
Ер ҳам, кўк ҳам жимир,  
Дейди: дам олай,  
Дейман:  
Уйқу қўнсин кўзимга тезроқ,  
Тушларимда сени тез кўра қолай.



## А Г А Р...

Агар булоқ бўлсайдим,  
Тошлоқларда шарқираб  
Тоғдан оқиб тушардим, кетмасдим сендан  
йироқ.  
Дер эдим: «Ташналикдан қақраса ул ақиқ лаб,  
Зилол сувимдан ичиб тўйсин, вақти бўлсин  
чоғ!»

Агар дарахт бўлсайдим,  
Деразангнинг ёнида  
Тўшалиб ётар эди менинг узик баргларим,  
Завқиеб субҳидамда бир қўшиқ тугёнида,  
Бордир сени уйқудан уйғотмакка чарларим.

Агар шамол бўлсайдим,  
Чақмоқлардай тезгина  
Кенгликларда кезардим кўтариб шовқин-сурон.  
Лекин бунда, остонанг қаршисида озгина —  
Тин олардим, тушларинг бузмайин деб ноғиҳон.

Агар булут бўлсайдим,  
Баҳор ерга қўнганда  
Мовий кўкда айлардим сирли сайру саёҳат  
Ёзда эса, еру кўк кун тиғида ёнганда  
Жазирамадан сени асрар эдим оқибат.

Агар денгиз бўлсайдим,  
Шошқалоқ тўлқинларим —  
Ўзин ҳар ёнга урган қумлоқ соҳилда, рост гап,  
Қорайган оёқларинг қолдирган изларни жим —  
Оҳиста, ювмай-нетмай мангу қолардим сақлаб.

Агар юлдуз бўлсайдим,  
Тарк этардим самони,  
Хайр-хўш демакнинг ҳам бўлмас эди малоли,  
Ерга тушар эдим тун ярмидан оққан они  
Кўксингда ёнмоқ учун тун юлдузи мисоли.

Агар қуёш бўлсайдим,  
Нурларимнинг барини  
Саҳар йиғиб, Ер сари бағримни очар эдим.  
Уйинг узра чиқардим, сўнг-чи, шуълаларимни  
Аямай дунё узра теппа-тенг сочар эдим.

Аммо мен на булоқман,  
На шамол — бу жаҳонда,  
Наки бир қуёшдирман, ёхуд бир учар юлдуз.  
Мен сени деб куйлайман оддийгина мақомда,  
Тирикманки, куйларман, ҳоримоқ йўқ,  
қора кўз!

Била туриб бор гапни  
Юз ўгирма шеъримдан!  
Қошимда кўринмасин қайғунинг жилвалари!  
Шунда, денгизу шамол, юлдузу булоқ чиндан  
Менга ҳавас қилишар, ҳавас қилишар бари!

## ЧУЛҒАР ЛОЛ ФИКРЛАР...

Чулғар лол фикрлар  
Туманлар каби...  
Оқ қоғоз — бўш сахро...  
Уйлаб қоламан.  
Оғир сафардаги инсонлар каби,  
Қалам мендан қўрқар,  
Мен-чи қаламдан...

## ТОҒЛАР ҲАМ...

Тоғлар ҳам дунёда инсон кабидир,  
Тоғларнинг ўз умри,  
Ўз ёши ҳам бор,  
Биллур булоқлардан кўз ёши ҳам бор,  
Севинчи сапчиган уммон кабидир.

Не-не чўққилар бор — ҳали ҳам беном,  
Виқори бир буюк жаҳон кабидир.  
Довруғи тушмаган  
Тилга бу айём,  
Тоғлар ҳам дунёда инсон кабидир...

Тепасида юлдуз қучоқ-қучоқдир.  
Фикрлар бошида туман кабидир.  
Беном бўлса ҳамки,  
Тоғ ўша тоғдир,  
Тоғлар ҳам дунёда инсон кабидир.

## ХОТИРАЛАР СУҶМОҒИДА

Кун ўтмоқда, умр ярти,  
Умр ҳам бир тоққа ўхшар.  
Яқинлару узоқларни  
Хаёл кезар,  
Хаёл яшар —  
Хотиралар сўқмоғида.

Тилаклардан-тилакларга  
Излар кетар, излар етар.  
Юраклардан-юракларга  
Сўзлар кетар,  
Сўзлар етар —  
Хотиралар сўқмоғида.

Йиллар кечар тез сувсимон,  
Тепалардан ошар, елар.  
Баъзан ҳорғин йўлчисимон  
Болалик ҳам  
Қайтиб келар —  
Хотиралар сўқмоғида.

Қўл етмаган шеъриятга  
Қона-қона сен етарсан,  
Сўниб кетган муҳаббатга  
Ёна-ёна  
Сен қайтарсан —  
Хотиралар сўқмоғида.

Утар ойлар,  
Утар йил, бас,  
Қорли тоғлар ошар инсон.  
Эҳтимол бир умр эмас,  
Неча умр яшар инсон —  
Хотиралар сўқмоғида.

## ДАРАЛАР

Чинорлар қатор-қатор,  
Чўққилар қадар бўйдор...  
Тоғ қўйнида жойи бор —  
Яшил-яшил даралар.

Сизларга кўп вурғунман<sup>1</sup>,  
Безагингиз шафақдан...  
Қуёш чиқар уфқдан.  
Ҳовуч-ҳовуч зар элар.

Сиз севган кўк ўрмонлар  
Кўкнормидир<sup>2</sup>, шоммидир?<sup>3</sup>  
Сиздан қалққан тумонлар  
Тоғларга саломмидир?

Қуш каби устингизда  
Учай узоқ, даралар!  
Дарахтзорда бир оқшом  
Бўлай қўноқ, даралар.

Агарки йиқилсам чинор кўрсатинг,  
Мен унга суйканиб аронга<sup>4</sup> боқай,

---

<sup>1</sup> В у р ғ у н — ошиқ, фидойи.

<sup>2</sup> К ў к н о р — арча.

<sup>3</sup> Ш о м — қарағай.

<sup>4</sup> А р о н — ўтлоқ, чексиз дала.

Кўзларим кўрмаса, Кўк кўлни беринг,  
Мен унинг кўзи-ла жаҳонга боқай.

Ҳар ерда, ҳамиша  
Сенсан гумоним<sup>1</sup>,  
Жоним, кўзим менинг  
Озарбайжоним!

Сен қуёш, мен бўлса бир зарра каби,  
Тирикликда ўғлинг,  
Улсам тупроғинг.  
Сендан ҳаёт олар ўғиллар қалби,  
Сем баланд чинорсан, мен-чи япроғинг.  
Мен — сенинг ўзингман,  
Эй ишқим-жоним,  
Сен — менинг ўзимсан  
Озарбайжоним!

Сизлардан йўллар ўтар,  
Яхшики, сизлар борсиз,  
Даралар!  
Чўққиларга очилган  
Кенг-мўл дарвозаларсиз,  
Даралар!

---

<sup>1</sup> Г у м о н — бу ўринда хаёлим, фикру зикрим маъносида.



## ДЕНГИЗ, САМО, МУҲАББАТ

Шу денгизни ҳадыя этаман сенга...  
Мен шундоқ дегандим, кулимсаб эдинг,  
Кўкларнинг шафағи тушиб юзингга:  
— Мен бўлса... самони бераман,— дединг.

Айрилиқ ғариба тортиқлар олиб,  
Осмон ишқинг каби менга азиздир.  
Айрилдик денгизу мавжлари қолиб,  
Қандоқ элтоласан?.. Денгиз — денгиздир.

Сенга мен денгизни бердимки ҳадыя,  
Келган соҳилингга келарсан тағин.  
Мени кўрмаганда: «У — шу-да!» дея,  
Мен билан ўзлашиб, куларсан тағин.

Агар кўришмасак, доғ қолур ёмон,  
Дедим, неча дафъа мен шундоқ дедим.  
Денгиз соҳилига қайтиш-ку осон,  
Кўкда соҳил борми, кетмоқчи эдим?

Ўйладимки, бошга тушгач бу ҳижрон,  
Сен менинг ишқимга чироқ бўлгансан.  
Наҳот кўкни бердинг шу важдан, жонон,  
То мендан кўк қадар узоқ бўлгайсан?

Мен бир денгизманки, ишқим саҳардир,  
Ўйлаганим сенсан, азизим, такрор.  
Менинг долғаларим хотиралардир,  
Қалбнинг соҳилига етиб борсин, ёр!

Асил муҳаббат-ку буюк ҳунардир,  
Жўшар уммондайин орзулар қатор.  
Менинг долғаларим хотиралардир,  
Унда тўфон ҳам бор, гирдибод ҳам бор.

Денгизман, ишқимдан қочмоқ хатардир,  
Мен-ку ўтоламан чўлу чаманни.  
Менинг долғаларим хотиралардир,  
Кеча ҳам, кундуз ҳам топажак сени.

Истасанг тушингга кираман сенинг,  
Киарман денгиз каби.  
Юзингга инжулар чиларман сенинг,  
Чиларман денгиз каби.  
Йўлингга шафақлар сепарман ҳадеб,  
Сепарман денгиз каби.  
Истасанг юзингдан ўпарман ҳадеб,  
Ўпарман денгиз каби.  
Номингни қалбимнинг соҳилларига  
Йўнарман денгиз каби.  
Севаман дейқолсанг бир оқшом менга,  
Тинарман денгиз каби.

Дунёда сокитлик изламадим мен,  
Қуёш каби порла,  
саҳар каби кел.  
Кўклардек тушимда келмак истасанг,  
Сен ойли, юлдузли кўклар каби кел.

Отла қучоғидан сур тўфонларнинг,  
Кузатай оқшомдан — саҳаргача тек.  
Отла оқ йўлида қаҳқашонларнинг,  
Порласин ҳар юлдуз хотиралардек.



## РАССОМ ДҮСТИМГА

Кеча. У кетмоқда, қалбида илҳом,  
Демангки, уйқулар кутади уни.  
Қандоқ ухлар экан уйида рассом,  
Не чала туйғулар кутади уни.

Қарар панжарадан... Шаҳар чароғон,  
Салқин шабада ҳам хонага тўлур.  
Туйғулари чала қолса ногаҳон,  
Ширин уйқулар ҳам, бас, чала бўлур.

Фикри тугун-тугун,  
Уйла ва йўл оч!  
Орзу булоқ-булоқ...  
Биллурдан суви.  
Баъзан бир данакдан кўкарур оғоч,  
Қарабсизки, яшар асрлар бўйи.

Қалбига қуёшлар,  
Туманлар келур,  
Дилида дунё бор — тоғлар, ёвонлар.  
Баъзан бу хонага уммонлар келур,  
Баъзан бу хонадан кетур уммонлар.

Унинг кўзларидан кўчар не-не йил,  
Кун ботар... Ой туғар...  
Порлайди кундуз...  
Қайдадир чалароқ қолган кўп шакл,  
Гўё: «Кел!» дегандай зориқар усиз.

Кеча... Юрагида тошади илҳом,  
Умидлар, орзулар кутади уни.  
Қандоқ ором олур уйида рассом,  
Не чала туйғулар кутади уни.

Саҳар... У кетмоқда,  
қараб турибман,  
Илҳомнинг йўллари нечоғлик узун!  
Қуёш ҳам тушади панжаралардан,  
Дўст асари бўлсин то ёруғ, тўлғин.

## БАЛИҚЧИ

Ҳали тонг отмай у денгизда эди,  
Қайтди соҳил томон кун қиём вақти.  
Ҳазарнинг хуш ели юзига тегди  
Ва яна қайрилиб сувларга боқди.

Ҳар нарса кўзида ўшар туманга,  
Денгизнинг сўзини сарин ел деди.  
Ҳар долға гўё қўл силкиди унга,  
Ҳар долға гўё «қайтиб кел»,— деди.

Боқди, сув сизарди соч-соқолидан,  
Томчилар юзида бамисоли тер.  
Неча бор денгиздан чиқди у омон,  
Жанггоҳдан чиққандай бир музаффар эр.

У ҳар кун Ҳазарнинг чўнг долғасига  
Қалбини, кучини, азмини қўйди.  
...Тўхтади уйининг остонасида  
Ва бирдан кўксида бир оғриқ туйди.

«Наздимда юрагим...»

Сасланди Ҳазар.

«Юрагим!»

Чоғланди, жўшди долғалар.

Гурлади қоялар, қорайди осмон,

Долғалар устидан ошди долғалар.

Узанди аста у тўшак устига,  
Сўзлади: «Бу надир, чарчадим, толдим!»  
Сўнгра келганларнинг боқди юзига:  
«Чамамда, ажалнинг назарин олдим.

Елкамга болишдан суянчиқ беринг,  
Боқай деразадан денгиз тарафга.  
Менга илк қўшиқни айтган Ҳазарнинг  
Эштай овозин охирги дафъа.

Қайтмас тўлқин эди йиллар гўёки,  
Қалбимни уларнинг бағрига отдим.  
Денгизга муҳаббат қўйиб, етмиш йил —  
Денгиз-ла уйғониб, денгиз-ла ётдим.

Бердим долғаларга жўшқин қалбимни  
Ёшлик замонимда, кекса чоғимда.  
Денгиз ётмаганда, бир дардкаш каби —  
Мен ҳам ётолмадим ўз ётоғимда.

Ҳар ўтган оқшом ва ҳар келган саҳар,  
Яна безайверсин чўлу чаманни.  
Ўлимдан қўрқмайман, йўқ, зарра қадар,  
Ҳазардан ажралиш ёндирап мени.

Денгиз орзум бўлган, муродим бўлган —  
Тўрни кўк сувларда ёйиб кетганман.  
Елканли қайиқлар қанотим бўлган —  
Тўлқиндан тўлқинга учиб ўтганман.

Ҳазар сўнг оқшомим, илк баҳоримдир,  
Қўй, унинг сувлари сийнамга оқсин.

Денгиз умидимдир, қиблагоҳимдир,  
Қўй, қабрим тоши ҳам денгизга боқсин.

Яна болиш беринг...»

Жойида қалқиб  
Чол сўнгги сўзини сўзлади секин.  
«Нақадар... Ҳазар бор... Ҳа, унга боқиб  
Мен ҳам бу дунёда... Яшайман, лекин!..»

Кимнингдир сизилиб оқди кўз ёши,  
Қария оғзида қолди сўзлари.  
Кифтига тушса-да оқарган боши,  
Денгизга боқарди очиқ кўзлари...

Боқишлар долғали, долғали жўшқин,  
У сўнар, устида қуёш ёнарди.  
Тўнган кўзларида ва тағин тошқин  
Тўлқинлар, тўлқинлар тўлқинларди.

Дунёга ҳайқириқ солди денгиз-да,  
Ҳазарнинг алвидо саси юксалди.  
У кўзлар, у кўзлар қолди денгизда,  
Денгиз ҳам, денгиз ҳам кўзларда қолди.

Гўё дил иплари узилди буткул,  
Дард тўла фарёдлар учди самога.  
Марҳумнинг кўзини ёпганда бир қўл  
Урилиб кетгандай бўлди долғага.

У ўлди чечакли, гулли баҳорда  
Ботирга жанггоҳда келгандай ажал.  
Тўлқинлар гурлади чўнг қояларда  
Унинг хотирасин ёдлаган мисол.



Эсди сарин-сарин насими оқшом,  
Юлдузлар кўкларда сукут-ла турди.  
Балиқчининг сўнгги юраги, бу дам  
Беором Ҳазарнинг кўксида урди.

У тинди сувларнинг ҳар нағмасида,  
Ҳазар — орзулари, тўлқинлар — сўзи.  
У ётар уйқуда — мангу осуда.  
Денгизда юраги, тупроқда ўзи.

## ТАЗОДЛАР

Дараман,  
    Тепаман,  
        Оташман,  
            Сувман

Қуёш ҳам мендадир,  
Ой ҳам мендадир.  
Мен инсон авлоди,  
Тупроқ ўғлиман,  
Денгиз ҳам мендадир, сой ҳам мендадир...  
Менман коинотнинг баланд нуқтаси,  
Тоғларнинг у баёз булути менман,  
Бу куннинг тинимсиз товши, нағмаси.  
Узоқ асрларнинг сукути менман.

Сийнамдан йўл олур баҳорлар, ёзлар.  
Зулмату ёруғлик дилимдан ўтур.  
Тунда  
Уфқларда оққан юлдузлар  
Менга зиёсини топшириб кетур.  
Баъзан қуёш ботур,  
Ёғур қор,  
Ёғин,  
Ётур толеимда менинг минг-минг сир.  
Чечаклар тупроққа қиёқ чўзмайин,  
Гўёки қалбимдан кўкарур бир-бир.  
Мен ёндош, қардошман  
Кексаю ёш-ла,

Сирли бир оламман  
Бутун оламда.  
Нафрат — муҳаббат-ла,  
Қайғу — бардош-ла  
Қачондан ухлашар менинг сийнамда.  
Инсонга боғлиқман  
Аввал сўзим-ла,  
Англар сўнг сўзимни қадр билганлар:  
Дардликлар ёш тўкар  
Менинг кўзим-ла,  
Менинг дудоғим-ла кулар кулганлар.  
Умрим оз қолибди?  
Айтинг, шундайми?  
Қандоғам туйғулар ўтар қалбимдан:  
Гўё бир кунликман парвона каби,  
Гўёки қуёшдай абадийдайман.  
Ҳам ернинг,  
Ҳам кўкнинг  
    мағрур сасиман,  
Менда саҳар туғур,  
Кеча яшайди.  
Мен-ку коинотнинг бир заррасиман,  
Бас, менда коинот нежа<sup>1</sup> яшайди?

---

<sup>1</sup> Н е ж а — қандоқ маъносида.

## ОДИМ-ОДИМ

Одим-одим ўтар йиллар,  
Одим-одим кечар замон,  
Селлар жўшар, сойлар оқар одим-одим,  
Одим-одим ер юзига келган инсон  
Ер юзини кезиб чиқар одим-одим.

Одим-одим келар саҳар,  
Одим-одим кетар кеча —  
Жонлар қийнаб, умр отли  
Юксакликка одим-одим.  
Одим-одим она бизни улғайтгангача,  
Ўзи етар кексаликка одим-одим.

Одим-одим йўл солади  
Юраклардан хотиралар,  
Ғам — севинчинг севинч — ғамнинг  
Қорасича одим-одим.  
Одим-одим қанот қоқиб севги келар,  
Нафрат келар орқасидан одим-одим.

Одим-одим дара ўтиб,  
Одим-одим тоғ ошаркан,  
Қалбимизда умид туғар,  
Орзу жўшар одим-одим.  
Одим-одим биз ёшликка ёндошаркан,  
Ёшлик биздан узоқлашар одим-одим.

Одим-одим ўтар йиллар,  
Одим-одим кечар замон,  
Шошилсангда умринг ўтар,  
Эҳтиёт-ла, одим-одим.  
Одим-одим коинотга келган инсон  
Билмас қачон —  
Видолашур коинот-ла одим-одим.

## БЕРОҲАТ

*Дўстим Бахтиёр Ваҳобзодага*

Шундай бир кенглик-ла айланар ҳаёт,  
Билмаймиз, оқшомдир, йўқса саҳардир.  
Ёзмасанг — бeрoҳaт...  
Ёзсанг — бeрoҳaт...  
Узгaлaр дeр,— «қaндaй у бaхтиёрдир!»

Шeърнинг бир сaтри ҳaм, ёнмoқлик учун—  
Биздaн ўт истaйди, oлoв истaйди.  
У бaлки бир кунлик шoдмoнлик учун  
Бугун умримизни гaрoв истaйди.

Шoирни умидлaр элтaр бaҳoргa,  
Илҳoм унинг учун бaмисли фaрзaнд.  
Шoир юрaклaргa ҳoким бўлсa-дa,  
Дилбaр шeъриятгa сoдиқ қул мoнaнд.

Лoқaйд сeвмoқликни сeвмaйди сaнъaт,  
Илк сўзи, сўнг ўзи сaмимиятдир.  
Илҳoмгa хиёнат, шeъргa хиёнат  
Эҳтимoл энг улкaн бир хиёнатдир.

Эй юрaк, юксaлсин ҳaр қaчoн сaсинг,  
Бир юрaк тиндими бир умр битaр —  
Дeймaнки, фaрoғaт яқин кeлмaсин,  
Фaрoғaт кeлдими шoирлик кeтaр.

Қўй, у зирвaлaргa қaлққaн йўл мисoл  
Тoлe, қaлбимиздaн ўтсинлaр ҳaр дaм.

Оромсиз тунларим тенгсиз, бетимсол,  
Уларни бермам шод кунларимга ҳам.

Тинмасин, тинмасин илҳом булогим,  
Ахир, айни менинг ёзмоқ чоғимдир!  
Дунёда абадий бироҳатлигим —  
Дунёда абадий роҳатлигимдир!

## «ОМОН БЎЛ» ВА «ХАЙРБОД»

Минг аср нафаси  
Оқди қўйнига,  
Минг аср нафасин  
Юрак тинглади...  
...Мен «салом» сўйладим  
Саҳарлар унга,  
У менга оқшомлар «омон бўл!»  
деди!  
Кездим булутлар-ла  
Кўк қатида мен,  
Кўрдим тоғ йўлларин,  
Тоғ дарёсини.  
Унинг олам каби сукутида мен  
Туйдим мангуликнинг буюк сасини.

Севиндим:  
Дўст каби юз кўришдик жим,  
Мен кўрдим қуёш-да,  
Қор-да, човғун<sup>1</sup>-да.  
Кечди уйқу каби бир ойлик умрим,  
Мағрур Элбруснинг қўшнилигида.

Балки кўришмадик дунёда,—  
Дедим,  
У боқди,  
Виқор-ла мени тинглади.

---

<sup>1</sup> Ч о в г у н — изғирин.



Унга дўст тилида «хайрбод»  
Дедим,  
У-чи ўз тилида «омон бўл!»  
Деди.

Тушундим...  
Сўнгсиздир куни, кундузи,  
Ўлмаслик қуёши  
Унинг элида.  
Йўқ тоғлар дилида «хайрбод» сўзи.  
«Омон бўл!» сўзи бор  
Тоғлар тилида...

## ЯПОНИЯ ДАФТАРИДАН

### ПОЕЗДАДА МУДРАГАН ҚИЗ

Бир қиз  
                    мудрар эди  
                    оқшом чоғида,  
Оқшомнинг паришон,  
                    сур қучоғида.  
Япон тупроғининг  
                    гўзалидир у,  
Қайдам, қайга кетар,  
                    қаёнга бундоқ?  
Ўйлайсан  
                    ҳорғинлик ҳайкалидир у.  
Поезд нағмасига  
                    тебранур мудроқ.  
Юзлари бўёқсиз,  
                    қўллари оппоқ,  
Рангли қоғоз — тугун  
                    жой олмиш тиздан.  
Гўзаллик-ку  
                    совуқ бўлмайди, бироқ  
Совуқ бир шаббода  
                    эсар у қиздан.  
Балки сотувчидир  
                    у бир дўконда,  
Назокат шафағи  
                    ёғар юзидан.  
Қирган ҳам, чиққан ҳам  
                    (бўлманг гумонда!)



Гўзаллик аталмиш  
бир салтанатда  
Хўш, нечун  
хайсият<sup>1</sup>  
уйинчоқ бўлур?  
Баъзан ниҳоятсиз  
бир назокат-да  
Зариф елкаларда  
оғир тоғ бўлур!  
У ётар,  
шу тоғни ташимоқ учун.  
У ётар,  
ўзига ўхшамоқ учун.  
Ётганда,  
ўхшайди ўзига қандоқ!  
Қайғу кўланкаси  
ёноқларида,  
Уйғонди,  
ҳаммага ўхшайди бу чоқ,  
Галдаги табассум дудоқларида.

*Камакура, октябрь, 1974.*

---

<sup>1</sup> Х а й с и я т — сабаб, лаёқат.

## МАРОЛЛАР ШАҲРИ

Кўллар толзорларнинг  
                                зич даврасида,  
Толзорлар кузакдан  
                                қип-қизил, зарлик...  
Шундоқ шаҳар кўрдик  
                                Ер куррасида  
Шаҳар мароллигу  
                                марол шаҳарлик...  
Боқар шаҳло кўзлар...  
                                таниш бу садо...  
Элитар қайгадир хаёллар мени.  
                                Бунда мени ҳеч ким  
                                танимаса-да,  
Гўёки таниди мароллар мени.  
Қизлар маролларни  
                                қучар меҳрибон,  
Қараш ҳам меҳрибон,  
                                кўзлар ҳам ўхшар.  
Қаранг-ки, кўчада  
                                кетар ёнма-ён  
Марол гўзаллар-ла  
                                гўзал мароллар.  
Қаранг-ки, сакрашар  
                                бир-бирин бошлаб,  
Боладек айрилмас  
                                ўз онасидан.  
Ўтишар  
                                муқаддас қадамлар ташлаб

Қадим маъбадларнинг  
остонасидан.  
Оёгига инсон  
келтирмиш сувни,  
Эгилиб оҳиста  
корез<sup>1</sup>дан ичар.  
Шуниси ажабки,  
кўчалар бўйи  
Машиналар тўхтар:  
мароллар кечар<sup>2</sup>.  
Кечишади мағрур...  
Жа там-тароқлик.  
Ҳамма: «Хўш кўрдик» деб  
қараб турмоқда.  
Қаранг мугизлари  
шоҳлик, бутоқлик —  
Гўёки кўчадан  
ўрмон юрмоқда.  
...Биз оқшом  
айрилдик  
гўзал диёрдан.  
Уфқлар  
қорайиб-бурилиб қолди.  
Нақ шу дам  
у марол кўзларнинг  
чақнашларидан  
Юрагим  
уриниб-уриниб қолди.  
Пичирлардим:  
Ҳарён хаёлга толди.  
Марол шаҳарга қолди,  
Шаҳар маролга қолди.  
*Нара шаҳри, октябрь, 1974.*

---

<sup>1</sup> Корез — артезиан суви, ер ости суви.

<sup>2</sup> Кечар — ўтмоқда.

## ХИРОСИМА ФОЖИАСИ

Бунда тупроқ,  
        бунда само сўзлашур,  
Оҳ чекар инсон каби.  
Хиросима сўзлашур  
Сой каби,  
        уммон каби.  
Тоғ бошидан қуёш қалқар,  
Ёяр нур,  
Хиросима —  
        Тарих каби,  
Замон каби сўзлашур.  
Оғриқ қалбдек зирқирайди  
        беҳузур,  
Бир тинчимас виждон каби сўзлашур.

8-<sup>15</sup> дақиқа

(Хиросима музейида атом бомбаси  
        портлаган соат —  
8-<sup>15</sup> дақиқада тўхтаб қолган чўнтак соати  
        турибди).

Ким дер-ки,  
        мен энди унсиз ҳаётман?  
Эшитинг:  
        сўзларим оҳдир, омондир!  
Ким дерки:  
        Эгасиз қолган соатман?





Сукут-ла тўлғанинг  
бу дақиқада,  
Ётсангиз  
уйқудан қалқинг, инсонлар!  
Сесканиб, уйғонинг  
бу дақиқада.  
Қуёш тутилмасин  
ҳам қўнмасин чанг,  
Башар мени онгласин  
бу дақиқада.  
Омон, эй инсонлар,  
ортиқ йўл қўйманг,  
Соатлар тўхтамасин  
бу дақиқада...

## РИХАРД ЗОРГЕ ҚАБРИ ҚАРШИСИДА

Ётибсан  
    ёт тупроқ  
        қўйнида алҳол.

Ётдир  
    бошинг узра  
        бу осмон, Зорге.

Сен туғилган жойдан  
    келдим, қулоқ сол,  
Бокудан келганман  
    бу замон, Зорге.

Соф ватан сувидан  
    ютиб келганман,  
Йўлда талай саҳар,  
    қанчалар оқшом!

Зорге кўчасидан  
    ўтиб келганман,  
Сенинг ўз кўчангдан  
    ўзингга салом!

Юрагинг қуёшди...  
    Айлананг кеча...  
У қандоқ ёнганин  
    мен энди билдим.

Бокуда минг умр  
    иситган кўча  
Бундан бошланганин  
    Мен энди билдим,  
Бургутдинг,  
    туғилдинг сен учмоқ учун,

Боғланди ғурбатда  
қанот қўлларинг.  
Халқлар юрагига  
йўл очмоқ учун  
Кўп узоқ йўллардан  
тушди йўлларинг!  
Улим уясида  
ўлмаслик топган  
Қаҳрамон  
инсон!  
Зап яхши бўлди-да,  
сени кўролдим,  
Тиз чўкдим,  
қабрингни ўпмак ниятим.  
Зорге мазоридан  
тупроқ ҳам олдим  
Зорге кўчасига  
сепмоқ ниятим.  
...У кезар дунёни  
ўз ҳунари-ла,  
Тинч ётарми севги,  
қудратли юрак?  
Қовушсин бу тупроқ  
зарралари-ла  
Ҳасратли Ватанга — ҳасратли юрак!

*Токио, 1974.*

## ГУРБАТ УИҚУСИЗЛИГИ

*Сафар йўлдошим, таниқли рус ёзувчиси  
М. Алексеевга бағишлов*

Қоронғи кечайди...  
Кўчага чиқдим...  
Белги бермоқдайди  
олисдан саҳар.  
Бирдан мен ўгирилиб,  
кўкларга боқдим,  
Бирдан нелар кўрдим  
кўкларда, нелар?  
Кўрдим: Айиқ буржи<sup>1</sup>...  
Кўрдим қаҳқашон...  
Кўрдим: менга қарар  
туғма ҳулкар ҳам.  
Қонимда шафақлар  
оқди шу замон  
Туғмалашди ҳатто  
ёт диёр шу дам!  
У ёнда, у нима,  
у ял-ял ёнган?  
Эҳа, кўҳна дўстим,  
тонг юлдузи-ку...  
Уфқдан ҳасрат-ла  
ёниб — товланган,  
Кўклар қизи-ку.  
Само чаманига  
сешилган тухум<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Б у р ж — юлдуз тўпи.

<sup>2</sup> Т у х у м — уруғ маъносида.

Шафақ баҳраси-ла  
тушди тупроққа.  
...Гўёки кўкларга  
чекилди уйқум,  
Қайноқ нафаси-ла  
тушди тупроққа,  
Узимни ҳис этдим  
туғма оламда,  
Жим қолдим,  
бу қалбда ҳасрат борлиги.  
Гўёки бош қўйиб  
ётди сийнамда  
Бутун коинотнинг  
шу бедорлиги.

## ЧОЛНИНГ ДЕГАНИ

— Ҳаётда кўрганинг  
юз қаринадир,  
Айт-чи,  
кўриш надир,  
айрилиқ надир?

Мен чолни  
биринчи кўришим эди,  
Унинг доно сўзи  
қалбим тинчидир,  
Чол айтар:  
— Айрилиқ — кўриш умиди,  
Кўриш айрилиқнинг  
бошланишидир.

## АЛВИДО, ЯПОНИЯ!

Булоқлар роз айтар  
сирли сўз каби  
Тарихнинг сеҳрли  
садоларидан.  
Ўтдим қўноқ каби,  
ўтдим дўст каби  
Қонли ороллару  
дарёларингдан.  
Мағрур қовушгансан  
сен бу сувларга,  
Шафақлар дунёга  
бундан жар бўлмиш.  
Сирли қилич тегиб  
гўё буларга,  
Ороллар бўлмиш...  
Боқдим...  
Кўз ўнгимда нақ туғма ўлка...  
Сўз очдим Ҳазарга  
садоқатимдан.  
Қуёш океандан  
қалқмасди, балки  
Қалқарди  
океан  
муҳаббатимдан.  
Кетяпман,  
хушбахт бўл  
бу жаҳонда сен,

Тагин кўришурмиз,  
                    қайдам, қачондир?  
Кунчиқар ўлкаси  
                    саналсанг-да сен,  
Мен учун кунчиқар  
                    Озарбайжондир!



## ФРАНЦИЯ ДАФТАРИДАН

### ХУШХАБАРЛАР ХИЁБОНИ

Қора хабар келди етиб —  
На ўликмас,  
На тирик,  
Йиқилмади хушдан кетиб —  
Бева бўлди —  
Қўргулик.  
Биров деди эшик ёқдан:  
«Тақдирга тан берингиз;  
Келар эди, шум пичоқдан  
Ҳалок бўлди эрингиз...»  
Одамлардан сўради тул:  
«Қаерда жон берди ул?!»  
«Хушхабарлар хиёбонида»  
Деди, кимдир ёнидан.

Қора хабар титратар зир,  
Тор кулбани —  
«Очинг тез,  
Нохуш хабар учун узр,  
Мсье, ўлди қизингиз.  
У Сенада ғарқ бўлди,  
Қандай оғир мусибат!  
Қизингизни зўрлаганди  
Америкалик солдат».  
Чол йиғлади, хўрланди,—  
«Айтинг, қайда зўрланди?»  
«Хушхабарлар хиёбонида» —  
Дейди, кимдир ёнидан.

Қора хабар...  
Кимдир деди,—  
«Мадам, бардам бўлингиз,  
Намойишга чиққан эди —  
Маҳбус энди ўғлингиз,  
Қизил байроқ қўлида,  
Малласоч ва соз эди.  
Мадам, бундай ўғил билан  
Фахрланса арзийди».  
Одамлардан сўрар аёл,—  
«Қайда бўлди машъум ҳол?!»  
«Хушxabарлар хиёбонида»,  
Дер, кимлардир ёнидан.

Мен ўйладим  
Қутим ўчиб,  
Юрагимда ғалаён.  
Қанча қора хабар учун  
Айбдорми хиёбон?  
Балки уни эшитмасмиз —  
Тақдиридан қайғурар.  
Мени бундай атаманг деб,  
Атаманг, деб ҳайқирар.  
Ва лекин мен ишонаман,  
У бир куни хуш саҳар  
Бизга, бизнинг болаларга  
Келтирар яхши хабар.

## ТАБАССУМ ВА КЎЗ ЕШЛАРИ

«Мсѐе, узр,  
Куйлайолмайман букун,  
Мсѐе, афв этингиз,  
Бетобдир онам...»  
Мсѐе дер: куйлайсан  
Жаноблар учун,  
Агар куйламасанг,  
Бўшсан, жонгинам.  
Онанг бетоб бўлса  
Бир бало бўлар,  
Букун Нью-Йоркдан  
Меҳмонлар келар.

Тинмай ичар, чекар  
Ресторан — гаранг.  
Саҳнага чиқади  
Мэри ҳам аранг.  
Қисилиб, қимтиниб  
Куйлайди Мэри.  
Жаноблар норози  
Қўшиқдан, шу дам  
Биров шивирлайди  
Ёшдан туриб:  
«Озгина жилмайинг,  
Жилмайинг, мадам».  
Қадаҳлар жаранги,  
Дағал кўзлардан  
Аста кўтарилар

Мэри овози.  
Мэри ёниб куйлар,  
Букун шу залда  
Ресторан номини  
Оқлаши лозим.

Табассум!  
Айлансин борлиқ кўзингда,  
Борлиқни буркасин  
Қўшиқ парвози.  
Кимдир табассумни  
Кўриб юзингда,  
Дейди, бор экан-ку  
Дилбар овози.  
Табассум!  
«Оёқлари, оқ, оёқлари».  
Табассум!  
«Ажойиб!»  
«Дуруст тишлари».  
Уларни хушнуд эт,  
Кўрсат расқларинг,  
Куйлагин, ўйнагин,  
Жилмайгин Мэри.  
Уларда не қилсин  
Ғусса, армонлар,  
Уларга барибир,  
Фақат сен боплаб  
Куйла, Мэри, куйла!  
Беғам меҳмонлар  
Ичар овозингни  
Шаробдай ҳўплаб.  
Мовий кўзларингга  
Чўкар қайғулар,  
Рақсга туш, завқлантир  
Ёшу қарини.  
Куйла, Мэри, куйла,

Ичмакда улар  
Титраган жонингни,  
Туйғуларингни.

Табассум!  
Портлайди қарсақлар саси,  
Мана қучоғингда  
Гуллар барқ урар.  
Ва лекин онангинг  
Сўнги ноласи  
Қувноқ қўшиғингда  
Сасланиб турар,  
Мусиқа йиғларми  
Ёки сен Мэри?  
Номусдан, ғуссадан  
Ҳўлдир ёноқлар.  
Нафис қадаҳларни  
Баланд кўтариб  
Сенинг кўз ёшингни  
Ичар жаноблар.

## ПАРИЖДА ОҚШОМ...

Туманга бурканган Эйфель, қуйида  
Бензин ва атирдан димиққан айём.  
Ошиқлар учрашар Сена бўйида,  
Аста чўкаётир Парижга оқшом.

Мана, ишчи борар, юзида ҳозир  
Ташвиш кўлкалари кезар беором.  
Унинг одимлари ўйчан ва оғир,  
Аста чўкаётир Парижга оқшом.

Келар модапараст гўзал ҳам, ёрқин  
Кўча, майдонларни қилганича ром.  
Чиройли кўзлари ғуссали, ҳорғин,  
Аста чўкаётир Парижга оқшом.

Улуғвор каштанлар баргин тўкади,  
Одамлар, дарахтлар — ҳорғин батамом.  
Менинг қалбимга ҳам оқшом чўкади,  
Аста чўкканидай Парижга оқшом...

# ДОСТОНЛАР

---







## О Н А

Баланд чўққилардан  
                    баландроқ онам,  
Асрининг кексаси,  
                    соchi оқ онам!  
Қуёш каби ботди,  
Сўнди ой мисол  
Йилларнинг зимистон туманида у,  
Югуриб-елдию тошқин сой мисол,  
Тин олди кексалик уммонида у.  
Бошимни силар секин  
Унинг қайноқ қўллари,  
Меҳрибоним қўллари.  
Бўз чинор япроғидир  
Сертомир, қутлуғ қўллар.  
Уйнинг таянч тоғидир  
Қадоқли, дағал қўллар!

Титраб турар бош узра,  
Дўстим, она қўллари.  
Қанча дарднинг йўлини  
Тўсди она қўллари.  
Оҳ, яна бошгинамни  
Силар она қўллари.  
Парпираб япроқ каби  
Титрар она қўллари.  
Ошдим йиллар тоғидан,  
Нурга тўлди Ер, Осмон,  
Болалигим боғига

Мени бир меҳмонсимон  
Бошлаб борди бир зумга  
Онажоним қўллари.  
Бу қўллар

ориқ,  
рангпар,

Хаёлчан...

Неларни ўйларкин, онам?

Энди хаёлида қолса ҳам ранглар,  
Кўзининг шафағин кўчирмиш гилам.  
Ҳар гилам —

Онамнинг кўнглига ҳамдам:

«Сариқ ранг — анор пўсти  
Қора ранг — ёнғоқ усти...»

Бу қўллар бир юрак ардоқларини  
Кўчириб рангларда жонлантларди.

Қўлбола дастгоҳнинг ардоқларини  
Арфа торларидек жаранглатарди.

Тор каби яна жўш,

Янграган қўллар,

Рангларнинг тилини

Англаган қўллар...—

Упдим бу қўлларни секин, тиз чўкиб,

Бу дунё онамга зулматдир бугун,

Кўкка ёғду сочган, Ерга нур сепган

Дунё қамари ҳам ҳасратли сўлғун.

Қарар у...

Хаёллар нақадар ширин...

Хобига кирди кўкат ҳам, гул ҳам.

Табнат, мисли йўқ қабоҳат қилдинг,

Она кўзларига қасд айлаган дам.

У юмса кўзини

Кексалик қочар...

Қуёшли осмон

Қаршисидадир:

У очса кўзини



Қайгадир шошарди, бу не манзара!..  
Хўш, қайга шошарди?

Сўнгсиз зулматга!  
Қайга ошиқарди?  
Абадиятга!  
Энди ой чиқмагай,  
унга кун кулмас,  
Туманга фарқ бўлгай чўлу чамани.  
Ҳаётда мени ҳам, йўқ, кўра билмас,  
Фақат тушларида кўрар у мани.  
Кўрар...

йўлим кентлар  
Оралаб ўтмиш,  
Бу йўлда йўлдошдир қуюнлар, еллар,  
У кўрмас —  
Сочимга қанча оқ тўкмиш,  
Қанча ёзув ёзмиш  
Манглайга йиллар,

Сочларимни силар  
Қўллари — бирдак...  
У дейди:  
— Гўдагим, чарчабсан, дам олі  
Гўдак,  
уч гўдакнинг  
Отаси гўдак,  
Ёнида тураман изтиробда лол.

Она, жойинг бордир  
Кўзим устида...  
Бир хоҳиш кўнгилда  
чақалоқ бўлсам,  
Бир нафас ухлаш-чун  
Тиззанг устида  
Чақалоқ бўлсам.

Умрингнинг гул фасли қайтсин учун  
Хоҳлардим бир нафас

чақалоқ бўлсам.

Кўзингга нур фасли қайтсин учун  
Чақалоқ бўлсам...

Бир марта аллангни

Эшитмак учун,

Бирор сонияга чақалоқ бўлсам.

Яна ўз қўлингда улғаймак учун

Чақалоқ бўлсам.

Сени юксак билдим

Жаҳонда, она,

Мен учун бир орзу,

Қанот-да ўзинг.

Бесавод ўтсанг ҳам армонда, она,

Менга илк муаллим,

Ҳаёт-да ўзинг.

Толеим ёритган

Нурли дилингдир.

Тилим,

Она тилим,

Сенинг тилингдир!

Илҳомим куч олди

Қалбинг, уйингдан,

Жўшди, долғаланди

Орзу уммони.

Бир бор чиқмасанг ҳам

Боку — уйингдан

Кездинг сен

Мен билан бутун дунёни.

Ватаннинг, илк жондош зарраси, мана,

Сенинг қучоғингдан

Бошланур, она.  
Кўрдим Ер юзини  
Ўлкама-ўлка,  
Хаёллар чалкашиб  
Сен томон елди.  
Қадамим етган жой  
Мен билан йўлга  
Тушдию пойингга саждага келди.

Айт-чи қуёшмисан  
Дунёда ўктам,  
Ҳаётбахш нурингни  
Сочдинг ҳар ёна!  
Муҳаббат бергансан  
Нафрат учун ҳам  
Омон бўл, она!  
Душманим кўрганда  
Илк душман ўзинг,  
Дўстимга дўстона  
Боқади кўзинг.  
Жим бўлсин ошиқлар,  
Она тилимда,  
Ҳар ким ҳам онадек эътибор кўрсин.  
Қайноқ севгим учун,  
Ҳа, севгилим-да  
Онажон ўзингдан  
Миннатдор бўлсин.  
Илҳомга қўл берган  
Илк кундан бошлаб,  
Мангулик ўт билан  
Қоврилди таним.  
Серташвиш йилларга  
Олдим алмашлаб  
Мен содда, фараҳли  
Дақиқаларим.  
Бир оннинг ташвиши

Юз соатга тенг,  
Бормикан  
Ситамгар тунлар якуни.  
Гар уйқу мен учун  
Сотилсами денг,  
Умрим баҳосига олардим уни.  
Учиб юлдузларга  
Етаман гоҳи,  
Мен Ердан

Кўк сари

Елган сўроқман.  
Дардли, ҳаяжонли ётаман гоҳи,  
Кўзим юмилгану  
Ўзим уйғоқман.  
Шунақа яралмиш  
Шоирлар асли!  
Дунёнинг гапирган  
Тилларидирмиз.  
Коинот торининг  
Замон азми-ла  
Хўп таранг тортилган  
Қилларидирмиз.  
Бу қиллар,  
Бу қиллар  
Жуда нозик, о...  
Жиндек ел эсдими  
Берар акс-садо.

Ўтамиз

Изимиз далада, тоғда.  
Қоришиқ йўлларни умр санаймиз.  
Бордию дорбозлик  
Қилмаган чоғда,  
Асаблар устида  
Юрмакка шаймиз.  
Бир умид изидан

Минг хаёл кечар,  
Йилларга боққанда  
Гоҳ ёна-ёна;  
Уйга фарқ кўнглимдан  
Бир савол кечар,  
Нечун шоир туғдинг  
Айтгил, эй она?

Муҳандис бўлсайдим  
Бўлар эди соз.  
Қирчин қояларга  
Қардош бўлардим.  
Қорли чўққиларга  
Чодир тикиб боз,  
У сирли тоғларга  
Сирдош бўлардим...

Ҳаким-чи?  
Юрагим  
Нурдек ёнарди,  
Сўнган умрларга  
Зиё бўлолсам;  
Ҳаёт ялт-юлт этиб  
Шафақланарди,  
Жарроҳлик тигимнинг  
Дамида у дам.

Оқади  
Қалбимга  
Минг оҳанг,  
Минг сас...  
Ер,  
Осмон тинади  
Қалбим тинганда.  
Созанда бўлмадим  
нечун?



Бу нафас  
Узеир,  
Бетховен  
Яшарди манда.  
Очай деб  
Илҳомнинг лол сирларини  
Даралардан ўтдим,  
Тоғларга қалқдим.  
Санъатнинг бу  
Қуллик занжирларини  
Толеим қўлига  
Мен ўзим тақдим...  
Ҳаёт йўлларида  
Мен оқшом — саҳар  
Оддий талабайдим  
Қалам, китобли...  
Шеър ёзган  
Кунларим  
Азобли кунлар,  
Ёзмаган кунларим  
Яна азобли...

Бир томчи  
Бўлсам ҳам  
Буюк уммондан,  
Қалбимга ёр бўлди,  
Умиддан бир из.  
Инсон Еру кўкка  
Сарҳад қўйган дам,  
Илҳомим Ватани  
Бўлди сарҳадсиз.

Мен қанот қоққанда  
Қулди Ер юзи,  
Ҳар орзум порлади мисли қаҳқашон.

«Қуллик» занжирида  
Бандиман ўзим,  
Шеърим  
Юракларга  
Бўлибди султон  
Ёзаман...

Қалбимда  
имон бор маним!  
Отага баробар  
Онам бор маним.  
Ҳаётда илк доҳи  
Шундай онадир!  
Дунёнинг оллоҳи  
Шундай онадир!  
Тоғларга қарайман,  
Она виқорли.  
Тоғларда  
Онанинг баландлиги бор.  
Онамга қарайман  
Сочлари қорли:  
Онамнинг тоғларга  
Монандлиги бор.  
Она — ҳаёт сўзим —  
Умр сасимдир,  
Онамнинг нафаси  
Ўз нафасимдир!

Бирдан гўдак бўлдим...  
Қаранг, на сиз...  
Оналик ётувдим,  
Турдим онасиз.  
Ҳаёт саҳросидан  
Йўл очиб келган  
Нақллар карвони  
Тўхтади бирдан...  
Бирдан ҳаётимга ёғди оғир қор...



Оналар қўли гул  
Авлод туғса ҳам,  
Бир буюк ҳунардир  
Оналик асли.  
Оналар дунёда бўлмагай ҳеч кам,  
Улар асрларга тенгдош эмасми?!

Авлодлар айрилди  
Ўз онасидан,  
Етимлик тушди, оҳ,  
Шеърга, санъатга.  
Ҳатларкан ўлмаслик остонасидан  
Бир она қўшилди абадиятга!  
Ел эсди,  
Энтикиб оҳ чекди тоғлар.  
Осмон қайта-қайта  
Тўкди қорини.  
Оналар ҳаётдан  
Кўз юмар чоғлар  
Бизга қолдиради  
Ўз виқорини.  
У ётар,

болиши —

Ер куррасидир.  
Биллурдан саройи.  
Гумбази — осмон.  
Уй билан туташсин  
Она қалби деб:  
Кўк белбоғ боғлармиш  
Кўк ҳам ҳар замон.

Енингга келганда,  
Онажон, ҳар гал,  
Юрагим очаман  
Яна ва яна.  
Соғ бўлсам мен сенга

Бир тирик ҳайкал,  
Улсам-чи  
Санъатим ҳайкалинг, она!  
Шу сабаб дейман-ки,  
Она сенга боз,  
Шоир қилиб туққанинг  
Бўлган жуда соз!  
Қара, хаёлотда,  
Ғамли онимда —  
Қизим, катта қизим  
турар ёнимда.

Сочимда кезади  
Унинг бармоғи,  
Қайтганга ўхшайди.  
Болалик чоғим...  
Қизим онагинам —  
Сўроғи мисол,  
Улкан бир чинорнинг  
Бутоғи мисол.  
Қизим парихоним...  
Қарайман яна...  
Ҳаётнинг кўп ажиб ҳикматлари бор.  
Бизга борлиғини бахш этган она,  
Қаранг, отини ҳам қилибди ёдгор.

Қолдирмиш борлиқда  
Ўзига тимсол,  
Нигоҳи набира  
Қўзида қолди...  
Олиб кетибди у  
Кексалигини,  
Ёшлиги ўғлию,  
Қизида қолди.  
Сўзлари шеъримнинг  
Сўзида қолди.

## ҚУЕШНИНГ СИНГЛИСИ

*Севил Ғозиева хотирасига*

Куз эди... Хўрсиниб юз очди саҳар,  
Етишди куз қадар  
Ғамли бир хабар:  
Дедилар, Мийл дузи<sup>1</sup> қолди Севилсиз,  
Беомон қайрилди қўлим-қанотим.  
Еллар нағмасини чалди Севилсиз  
Бу саҳар,  
Дедилар —  
Мен инонмадим.

Араз кўз ёш каби  
Сузилди, оқди.  
Қуёш йиғлар бўлиб  
Чўлларга боқди,  
Сўнгсиз ўй, хаёлга толди Севилсиз,  
Далалар бағрига ташлади одим,  
Дедилар, Мийл дузи қолди Севилсиз,  
Нақадар,  
Дедилар.  
Мен инонмадим.  
Уйғониб саҳарнинг  
Хуш ели ила.  
Саҳро оқ тортади  
Оқ дили ила.  
Тағин бир гул-чечак сўлди Севилсиз.  
Қуш бўлиб учмакка имкон топмадим.

---

<sup>1</sup> Дуз — дала, чўл.

Дедилар, Мийл дузи қолди Севилсиз,  
Дедилар,  
Дедилар —

Мен инонмадим.

Хабарлар оқдилар чўл ила кентдан,  
Оқмасайди кошки, тинсайди бу кез!

Ҳаётни бу қадар юракдан севган,  
Ҳаётдан бу қадар нега кетсин тез?

Хабар келди, сўроқ етди,  
Чор атрофни босиб кетди.

Бу тоғларда, бу чўлларда  
Еш умрнинг изи бордир,

Изи бордир,

Ўзи бордир.

Зағотала тоғларидан

Садо келур,

садо келур.

Кўнгиллардан кўнгилларга

Хабар келур,

нидо келур.

Тоғларнинг-да юрагида

Айтилмаган сўзи бордир.

Тоғлар дейди: «Ҳаёт надир?»

У — жасорат... У заҳматдир.

Ҳақиқат бор афсонадир,

Афсона бор ҳақиқатдир».

### Биринчи садо

Саҳар...

Сингиб кетди чанг-да, туман-да.

Саҳар...

Чўққилардан булут дағилди<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Дағилди — тарқалди маъносида.

Тоғларнинг бошида қуёш туққанда,  
Тоғларнинг қўйнида бир қиз туғилди.

Сувларга чайилди шафақлар юзи,  
Оналар, ўғлига майин кулибдир.  
Ажабо, билдими қуёшнинг ўзи?  
Дунёга энг яқин дўсти келибдир!

Кун кечар, кун тўлиб ёнган паллалар  
Ул қизнинг хушчақчақ кулган чоғийди.  
Қуёшнинг нуридан тушган толалар  
Севилнинг севимли ўйинчоғийди...

Етмоқ истар эди, ета билмасди,  
Қуёш ҳам унга хўп яқин келарди.  
Тутмоқ истар эди, тута билмасди,  
Қийқириб куларди, хандон куларди.

Онаси сўйларди:

— Меҳрибон қизим,  
Қуёш ҳам бир қиздир... Уфқларга зеб —  
Гўзал шафақларни, эй жайрон қизим,  
Айтарлар қуёшнинг гажаклари деб.

Қизча сўйладик:

— Она, ҳой она,  
Менинг ҳам гажагим узун-ку узун,  
Ҳар доим чиққанда чўллар қўйнига,  
Менинг ҳам қуёшдек гажагим бўлсин.

### Иккинчи садо

Умидлар, тилаклар сўнгсиз осмон...  
Юракдан-юракка қўйилмишди у.  
Ҳали бу дунёда кўз очмаган он,  
Неча минг орзуда туғилмишди у.



Оловли тупроқда ҳурлик байроғи  
Порлади кун мисол, туғди кун мисол.  
Азиз Жаъфаримиз у тунлар чоғи  
Бугунги Севилни қилмаган хаёл.

Нақадар хуш келди йил ортидан йил,  
Меҳнат умримизнинг маъноси бўлди.  
Зулматли чачвондан қутилган Севил  
Минг-минг Севилларнинг онаси бўлди.

Вурғуннинг нағмаси ошиб-тошганда  
Заҳмат булоғидан қизлар сув ичсин.  
Сўнгсиз далаларда марза очганда,  
Севил у ерларда роҳатли кечсин.

Унда бир заминнинг қудрати бордир,  
Қудратки, арзийди мадҳу санога.  
Кеча туғилганда Ҳажар бўларди,  
Бу кун Севил бўлиб келди дунёга.

Чиройин кўрсатди меҳнат ва амал,  
Дунёлар эшитди унинг сасини.  
У ёзди юртимда ўзи баркамол  
Йилларнинг тоза бир саҳифасини.

### Учинчи садо

Оппоқ дала. ой майдон...  
Орзу тоза... шаффоф сўз.  
Қадрдон дўстларсимон  
Чиқди улар юзма-юз;  
Қуёш юракли Севил,  
Севил юракли Қуёш,  
Қуёш гажакли Севил,  
Севил гажакли Қуёш.

## Тўртинчи садо

Саҳар... Сабза нурлар сеҳрини сезиб  
Инсонлар уйғонар Ернинг юзинда.  
Қуёш уфқлардан қараб, бўй чўзиб,  
Севилини ахтарар Мийл дузиндан.

Энг азиз дўст атар қуёшни Севил,  
Шафақлар энг олдин шу ерга тушар.  
Ҳар кун интиқ кутар қуёшни Севил,  
Қуёш ҳам Севил-ла хурсанд кўришар.

Қуёш яқин келар,  
Келар ва деюр:

— Азизим, жон синглим,

Сабоҳинг хайр!<sup>1</sup>

Хайрихоҳ ўканинг хайрихоҳ қизи,  
сабоҳинг хайр!

Сен, эй саҳар дўсти, эй сабоҳ қизи?

сабоҳинг хайр!

Хайрихоҳ ўлканинг хайрихоҳ қизи,

сабоҳинг хайр!

Даштдан шамол эсар сариндан-сарин,  
Қуёш кулимсирар: — Қандайсан, сингил?  
— Яхшиман!

— Қизармиш шаҳло кўзларинг,

Ёки дам олмадинг тунда сан, сингил?

— Дам олмоқ доим бор, — қиз кулди, боқди,

Сасига сас берди Кур<sup>2</sup> ила Араз<sup>3</sup>.

— Биларсан, Қуёшим, йилнинг бу вақти

Дам олмоқнинг ўзи ёдга ҳам кирмас!

Гўё сас ёйилди чўлу чаманга:

---

<sup>1</sup> Сабоҳинг хайр — эртанг хайрли бўлсин дегани.

<sup>2</sup> Кур — Кура.

<sup>3</sup> Араз — Аракс.

— Соз деяр,  
Соз деяр Севил!  
Боримизни бермоқ лозим Ватанга,  
Нақадар ақлли сўз деяр Севил!

Қуёш оловланди, мисли жавоҳир  
Нурлар дастасини тупроққа солди:  
— Ўзбек диёридан келяпман ҳозир,  
Турсуной опамиз салом деб қолди.

— Соғ бўл, тонгда уни кўрсанг агар сан,  
Севилдан кўпдан-кўп салом айтарсан.

Дала ҳам сўзланди... қалқиди сўзлар:  
— Салом айтарсан!

Уфқлар тагидан қичқирди қизлар:  
— Салом айтарсан!

Чаманлар ол-алвон гул очиб деди:  
— Салом айтарсан!

Бутун Озарбайжон дил очиб деди:  
— Салом айтарсан!

Турсуной... Бир урар юракларимиз,  
Оқ-оппоқ далалар кўзга тўтиё.  
Чоғи тез фурсатда кўришармиз биз,  
Юраккинам шуни сезгандай гўё.

Сайр этиб дузларни,  
Кулди кўзлари:

— Кўришамиз биз!

Сўйлади илҳом-ла,

Имон, инъом-ла:

— Кўришамиз биз!

Орзулар сонсиздир, умрлар калта,  
Орзулар келади дилга бепоён.

Дунёда йўқ эса ишонч агарда,  
Қандай яшардийкин, ажабо, инсон?

Инсон бир денгиздир, сирли бир денгиз,  
Десанг, тўфон келар аста, инонмас.  
Десангки, тонг отар, тонг отар сенсиз,  
«Қўйсанг-чи!» — дейди-да, кулар, инонмас.

— Бас, у қоғоз надир, сўйла, эй Севил?

— Буми?

— Кўрсат қани...

— Буюм эмас, бил!

— Шеърми? Унда, ўқи, қулоқ осай ман,  
Қуёш ҳам шеърларни соғинар баъзан.  
Севилнинг қалбида — қуёшнинг ўти,  
Қуёшнинг ўзига бир шеър ўқиди:

«Тўпланайлик, дўстлар, қаторма-қатор,  
Заҳматда бирлашсин ҳам элларимиз.  
Ҳар пўлат мошинда аср кучи бор,  
Қулсин юртимизда амалларимиз.

Қўй, помбиғ тоғлари етсин то осмон,  
Ватан сўлиш билмас гул, баҳор бўлсин.  
— Далага — мошинлар, музейга — кетмон!  
Бу сўз дилимизда бир шоир бўлсин!»

Мисралар, мисоли камалак — чега,  
Чеврилиб, саҳролар устига ёйил!  
«Далага — мошинлар, кетмон — музейга!»  
Бу олтин сўзлардир, Севил, эй Севил!

Чўллар ҳам сасланди, — розимиз, — дея,  
Ҳосилга очилсин бағримиз ҳар йил.  
«Мошинлар — далага, кетмон — музейга!»  
Бу олтин сўзлардир, Севил, эй Севил!

Севил ширингина кулимсир шу дам...  
Пайкал эгат-эгат, марза — чиғирдир.  
— Меним Қуёш опам, билмайди ким ҳам,  
Помбиғ ўзи енгил, иши оғирдир.

Кулсин чаман каби бутун орзулар,  
Ҳар чечак насиби гул, чечак бўлсин.  
Биларсан, дилимда не тилагим бор?  
Помбиғ йиққан эллар помбиғдак бўлсин!

Бизнинг коммунизм қурган ватанда  
Бу ишқ ила урсин юракларимиз.  
Инсон посбон бўлиб турган ватанда,  
Камоли гўзаллик посбонимиз биз.

Халослик — мошиндан, мошиндан ёлғиз,  
Ахир бир йўл келар ҳар кас<sup>1</sup> жаҳонга.  
Ҳаттоки туғилса гўдак, ўғил-қиз  
Ярим-ёрти бўлиб келмас жаҳонга.

Бекор юрганки бор, не-не ялқов, эр,  
Сабоғин олажак замон, кезлардан.  
Уялсин чойчи<sup>2</sup>да оқизганлар тер,  
Далада тер тўккан шаддод қизлардан.  
— Соз деяр,  
— Соз деяр,  
— Соз деяр, Севил!  
Нақадар ақлли сўз деяр Севил!

Эсар водийлардан  
Эпкину эпкин.  
Дўстларнинг суҳбати  
Узанди лекин:

---

<sup>1</sup> К а с — киши.

<sup>2</sup> Ч о й ч и — чойхона.

— Фаройиб мардлик бор инсонда, Севил,  
У — ер қуёшидир жаҳонда, Севил.

Биларман, эй синглим, ўз заҳматинг-ла,  
Шимол қутбига ҳам бориб келурсан.  
Қалбингдан беражак ҳароратинг-ла  
Совиган қалбларни мафтун қилурсан.  
Сен баҳор толели она ўлкада  
Даштларга чиқарсан инсонлар учун.  
Помбиғлар йиғмассан, синглим, балки-да,  
Ҳарорат йиғарсан инсонлар учун.

— Чўлларнинг сийнаси ҳар қачон, Қуёш,  
Сенинг-ла баҳору ёзга қовушар.  
Помбиғ ўстиролмас тирик жон, Қуёш,  
Сенинг ҳароратинг бўлмаса агар.

— Учди фазогирлар,  
Кўрдим, севиндим,  
Ёндошиб саломлар  
Бердим, севиндим!  
Учди Валентина,  
Кўп баланд учди,  
Бағрига босаркан  
Кўк уни қучди.  
Кўп баланд учди...  
Не зариф парчадан киймишди либос.  
Севдим журъатини, ҳароратини.  
Сенинг билан элтди, дўстлар, то космос  
Сенинг элларингнинг ҳароратини.

Эсди водийлардан  
Эпкину эпкин.  
Дўстларнинг суҳбати  
Узанди лекин.

Яна-да шафақлар чийлайди қуёш,  
Далалар сўнгсиздир, гўзал беқиёс.  
Синглим, ҳориб қолма,— сўйлайди қуёш,—  
Машинангни бергил, мен сурай бир оз.

Машина водийга янги сас солур,  
Боқар, кулимсир қиз, кўзида севинч.  
— Оқшомга ҳозирча бир оқшом қолур,  
Ҳоримоқ! Йўқ, опам, ҳоримасман ҳеч!

Машина водийга янги сас солур,  
Тўлқинга туширур помбиғ денгизни.  
Қўллар бормай туриб, ўзлари келур  
Йиға қол, машина,— деганча,— бизни!

Заҳматнинг не яхши чоғидир, Севил,  
Мен тута билсайдим сенинг барингдан.  
Еллар толаларин ёйибдир, Севил,  
Йиғ, боғла, тут, синглим, гажакларидан.

### Бешинчи садо

Нақадар гўзалдир  
Мийл дузи, дўстлар!  
Гўзалдир оқшоми,  
кундузи, дўстлар!  
Мийл бўйи одимлаб, кезиб ҳавасманд,  
Сувдан соф бўларсан,  
чинордан баланд.  
Боқарсан... Юрагинг  
нурга бўянар,  
Тагин бир қуёшнинг  
авжида ёнар.  
Кезарсан илк дафъа  
кезганлар мисол,

Қалбин водийдан кенг

сезганлар мисол.

Муаттар шамоллар ёнингдан кечар,  
Араз ҳам жилдираб қонингдан кечар.  
Севил далалари бўйлашур бугун,  
Мийл ўзи Севил-ла сўйлашур бугун.

М и й л:

Мен бир тупроқдирман, бир тупроқдирман,  
Кечмиш-кечирмишдан тамоман ҳоли.  
Буюк бир китобдан бир вароқдирман,  
Инсон илги ҳеч на битмаган ҳали.

Қадарсиз дунё бор, мен ўзим борман,  
Борман қишлариму баҳорларим-ла.  
Бахмал ўтларим-ла ерда ётарман,  
Қўкларга қалқийман чинорларим-ла.

Қўклардек юксакдир муҳаббатим ҳам,  
Ишқим теранлиги кўкнинг қаъридай.  
Менинг бойлигим ҳам, саховатим ҳам  
Азалдан қадримни билганларида.

С е в и л:

Мен сени севаман, азиз Мийл дузи,  
Бунда хотиралар йиғин-йиғиндир.  
Сен, эй чечак дузи, сен, эй гул дузи,  
Юзингнинг оқлиги оқ помбиғингдир.

М и й л:

Қулоқ ос, сўзим бор, эй қизим Севил,  
Бизлар — уччов қардош: Ширвон, Мугон, Мийл!  
Езда чечак очиб, қишда сўлмишдик,  
Тарихнинг ўзига сирдош бўлмишдик,



Дунё туғилганда биз туғилмишдик.  
Бизлар—уччов қардош: Ширвон, Муғон, Мийл!  
Баъзан ётлар келди қўллари қонли,  
Еллар кун кечирди оҳли, фиғонли,  
Турмишдик тоғлардек бошлар туманли  
Бизлар—уччов қардош: Ширвон, Муғон, Мийл!

Асрлар ўтмишди булутлар янглиғ,  
Ишқимиз гуркираб умидлар янглиғ,  
Қалқмишдик тупроқдан кўк ўтлар янглиғ,  
Бизлар—уччов қардош: Ширвон, Муғон, Мийл!

Биз не-не кечани саҳар этмишдик,  
Сийнада доғларни заҳар этмишдик,  
Манглайдан тўкиб тер Ҳазар этмишдик  
Бизлар—уччов қардош: Ширвон, Муғон, Мийл!

Бизга Озарбайжон бир коинотдир,  
Семурғ улуғ қушдир, уфқ — ҳаётдир,  
Араз бир қанотдир, Кур бир қанотдир,  
Бизлар—уччов қардош: Ширвон, Муғон, Мийл!

С е в и л:

Меним ўз элимсан, элим, эй Мийлим,  
Нечоғ меҳрибонсан, Мийлим, эй Мийлим!

М и й л:

Илгинг-ла ҳурматим сарбаланд бўлди,  
Порлоқ ёғдуларга йўғриламан мен.  
Ой қизим, ким деяр: Мийл қариб — сўлди!  
Ҳар баҳор қайтадан туғиламан мен.

Сен эл шуҳратини бир китоб этдинг,  
Янги умр бердинг менга ҳаётда.

Сен қизим, тагин бир инқилоб этдинг,  
Байроғинг ҳилпирар юз-мингдан олдда.

Сен бир денгиз бўлиб мавжларга тўлдинг,  
Мағрур садо бердинг бутун жаҳонга.  
Сен бир юлдуз бўлиб нурдай қуйилдинг,  
Минг-минг юлдузи бор Озарбайжонга.

С е в и л:

Сенинг заҳматинг-ла кездим ватанни,  
Сенсиз ким танирди, танирди мани?

М и й л:

Ой қизим, дейманки, сўзинг тузукдир.  
Йўқ энди, Мийл дузи Севил дузидир.  
Ишинг-ла дунёни қўйганда ҳайрон,  
Зафар тилагайман барчадан олдин.  
Сен тунда мисралар шивирлаган он,  
Сени тинглагайман барчадан олдин.

С е в и л:

Сенсиз шеърү газал ёзмасман бирор,  
Бешак ўзингдирсан буюк шоир ҳам.  
Сийнангдан бир юрак олар куч-мадор,  
Илҳоминг уфқдек сўнгсиз, муҳташам.

М и й л:

Дунё китобининг саҳифасида  
Мен балки бир мисра, кичик қасида.  
Севил далалари бўйлашур бугун,  
Мийл ўзи Севил-ла сўйлашур бугун.

## Олтинчи садо

Оқшомдир... Уфқлар ёнади қизил,  
Чўлларга осуда, жим боқурман мен.  
Қуёш пичирлайди:

— Ҳозирча, Севил!

Сени Мийл дузига топширурман мен.  
Қуёш нур чийлади:

— Сабоҳ кўришайлик,

— Ҳозирча,— деди.

Севил қўл силкитди:

— Сабоҳ кўришайлик,

— Ҳозирча,— деди.

Кун ботди,

Шафағи юзларда қолди,

Мийл қуёши-чи, дузларда қолди.

Оқшом шуъласида юзар қоя, тоғ,  
Уфқлар либосга бурканган тамом,  
Оқшомлар жуда кўп дунёда, бироқ  
Бўлмагандир бундай фожели оқшом.

Не бўлди машина,

Нега қолди жим?

Не учун қошларинг

Чатилди, синглим?

Не учун қошларинг

Сен тушдинг пастга... бир он... шу заҳот...

Мотор ўчирмадинг, унутдинг, ҳайҳот!

Тургил, эй синглим,

Бўлгил, эй синглим!

Шамоллар сочингни чин ошиғидир,

Ҳушёрлик — мардликнинг ярашиғидир!

Қулоқ сол, синглим,

Ойжамол, синглим!

Эй мотор, жим бўл-да... сўзим бор ахир!

Сенга соч, зулфлар тўқинмоқдалар!

Машина, қулоқ сол, киши сўзига...  
Дунёдан 23 баҳор кетар!  
Келинлик кунига,  
Гўдак изига  
Интизор, интизор, интизор кетар...  
Сарин булоқлардан сув ичмишдир у,  
Ҳали билмасди у, муҳаббат недир.  
Ҳеч кимга қилмаган изҳори туйғу,  
Мийл унинг илк ишқи, илк севгисидир.  
Эй синглим, жим қолма, сўйлагил дардинг!  
Қандай безатарди сочларинг сени.  
Сен қайдан тушуниб, қайдан билардинг,  
Сочларинг ўлимга элтажагини!  
Ҳазабли нағмалар титратар ерни,  
Эй жўш ур, Араз, сен,

Кур, сен нетарсан?

Мийл дузи, англагил, бу фоже сирни:  
Сенда қуёш сўнар,

қандай чидарсан?

Қара, ҳеч тўймайди ўлимнинг кўзи,  
Ҳаёт наврастасин тўзғита бошлар.  
Унинг дейилажак «Севаман» сўзи  
Ҳар қайси юракни муз эта бошлар.  
Оғир қўллари-ла қоқаркан қанот,  
Ўлим нишон олди, тез нишон олди,  
Ўлим билмасдики, ўлмас бир ҳаёт,  
Нишонга олганда нишона қолди.  
Қурбони бўлдими ахир бир оннинг  
Жасорат фарзанди,

эл чевар қизи?

Онамиз қадарли Озарбайжоннинг  
Қим неча кишига баравар қизи?  
Тупроқ ўз қўйнига олади, эсиз,  
Қим дер: у ўлим-ла баришон<sup>1</sup> бўлди?

<sup>1</sup> Б а р и ш о н — тил бириктирмоқ, келишмоқ.



## Зоготала тоғлари:

Сиз ғамга ботмангиз, эй чўл, эй чаман,  
Бошланур қизимнинг тўйи, дегайман.  
Эй, менинг қўйнимда дунёга келган,  
Менинг қўйнимдадир уйинг, дегайман!

### Еттинчи садо

Саҳар...сабза нурлар сеҳрини сезиб,  
Инсонлар уйғонар Ернинг юзинда  
Қуёш уфқлардан қараб, буй чўзиб  
Севилни ахтарар Мийл дузиндан.  
Энг азиз дўст атар

Қуёшни Севил,

Ҳар куни интиқ кутар

Қуёшни Севил.

Қуёшнинг гапи бор,

Демак истаюр:

— Сабоҳинг хайр!

Сен, эй сабоҳ қизи,

Сабоҳинг хайр!

Хайрихоҳлик тупроқнинг хайрихоҳ қизи,

Сабоҳинг хайр!

Бас, бу кун, у қани?

Қани, у, қани?

Қуёшнинг нидоси

тутар дунёни.

Чақирар: қайдасан?

Севил, қайдасан?

Чаманли ердами, чўлли ердами,

Дегил, қайдасан?

Дашт, ёбон ердами, мўлли ердами,

Гажакли гўзалим, моҳдил, қайдасан?

Юраклар қайтадан баҳор-баҳордир,

Кўнгли баҳор синглим, бу кун қайдасан?

Сенинг зарраларинг ҳар ерда бордир,  
Ўзинг қайдасан?  
Сўнгсиз саҳроларга зар тизган Қуёш  
Севилни топмайди Мийл дузиндан.  
Қачонлар Севил-ла бир кезган қуёш  
Жимиб, тиниб қолди Замин юзинда.  
Тагин сўзга кирди саҳарнинг ели,

М и й л д е д и:

— Айтганинг қилмадим, Қуёш,  
Сен менга топшириб кетдинг Севилни,  
Севилни, оҳ, асрай билмадим, Қуёш!  
Гўё аламланди,  
Қуёш ўртанди,  
Ул ҳам инсон каби  
қаҳрландими?  
Гўё бир қадарли  
оташ-ла ёнди,  
Ёнди туғёнсаро  
бир юрак кими.  
Балки бир уйқудир... балки бир саҳар,  
Балки тун кечадир! Кеча яридир?<sup>1</sup>  
Йўқ, шафақ ҳам эмас, шафақларнинг зар,  
Биллурдан тўкажак кўз ёшларидир.  
Қуёшнинг кўзлари  
Тоғда, сойдадир.  
Қуёшнинг дарди ҳам  
Ўшал ойдадир.  
Ахтарар у яна, ахтарар яна,  
Суюмли бир нағма оқар қалбина,  
У нағма кимники, оҳли жон кимдир?  
Оҳли жон меҳрибон — меҳрибон кимдир?

---

<sup>1</sup> Я р и д и р — ёруғдир дегани.

## Севилнинг қўшиғи

Кўрсангиз, бир ўзи ўсар самбиттол,  
Билинг, мен ўша!  
Аразга чўкиб сув ичар самбиттол,  
Билинг, мен ўша!  
Виқорли мавжланиб жўшиб кетар Кур,  
Билинг, мен ўша!  
Қуёш юрагида қуёш кўринур,  
Билинг, мен ўша!  
Нақадар баҳор бор Озар элида,  
Билинг, мен ўша!  
Фаройиб чинор бор Озар элида,  
Билинг, мен ўша!  
Ҳаёт нағмасини чаладир Мийлим,  
Билинг, мен ўша!  
Асрдан асрга қоладир Мийлим,  
Билинг, мен ўша!  
Нағма оқар булоқ каби,  
Дилни босган ғам, оқ каби.  
Ердан кўкка нағма қалқар,  
Кўкдан ерга нағма оқар,  
Кўнгиллардан-кўнгилларга  
Нағма бирла нидо келур.  
Ердан кўкка садо кетар,  
Кўкдан ерга садо келур.  
Бу тоғларда, бу чўлларда  
Ўлмас умр изи бордир.  
Изи бордир,  
Ўзи бордир.  
Тоғларнинг-да юрагида  
Дунё қадар сўзи бордир.  
Тоғлар дейди: «Ҳаёт надир?  
У — жасорат... У заҳматдир,  
Ҳақиқат бор афсонадир,  
Афсона бор ҳақиқатдир?»



## Хотима

Тоғ сукут ичида, уммон ўй сураар,  
Сени кўрурман.  
Мийл алам илгида, Муғон ўй сураар,  
Сени кўрурман.  
Қуёш тупроқларга тўкар зарини,  
Тарар самбиттоллар гажакларини,  
Сени кўрурман.  
Ана водийларим бир афсонадир,  
Турналар қайгадир учиб борадир,  
Сени кўрурман.  
Баҳор қучиб олса чаманзорларни,  
Қалдирғоч тугатиб қайтса сафарни,  
Сени кўрурман.  
Ёшлар қурултойда тўпланса бу кун,  
Исминг дудоқларда жуфтланса бу кун,  
Сени кўрурман.  
Уйга ғарқ, мен кунлар санаб бедорман,  
Мен сенинг ёнингда бир гуноҳкорман.  
Тирик эканингда ёзмадим нечун,  
Бас, нега, сўз битиб турибман бугун?  
Ёзарман сўзим-ла, дилдан меҳрим-ла  
Мадҳ этиб шавкатинг, номус-орингни!  
Улуғласам, қани, мисра, шеърим-ла  
Мен сенинг яримчиғ мисраларингни!  
Наҳот айрилсак биз?  
Эй қалам, ҳаргиз  
Алвидо демакка тилим бормайди,  
Журъат йўқдир менда тарк этмакка миз<sup>1</sup>,  
Сўнг нуқта қўймоққа қўлим бормайди...

Тонгда Мийл дузидан  
Утганимда мен,

---

<sup>1</sup> М и з — хонтахта, стол: муаллиф ижод столидан тургим келмайди демоқчи.

У она чўлларга  
Етганим маҳал,  
Қошимга энг аввал  
Чиқажаксан сен!..

Эндидан кўрурман сенинг ҳайкалинг,  
Сабоҳ гул, чечакка ўранажақдир.  
Бешак мен кўрурман:

Сенинг ҳайкалинг  
Бутун Шарқ элидан кўринажақдир.  
Насллар келажак...

Қалбида истак...

Келажак насллар орзуси ҳақдир!

Сочларин қуёшнинг шафақларидек

Мийл шамолида тараяжақдир!

Меҳрибон қуёш ҳам чиқар чоғинда

Сенга боқажакдир дилида армон.

Мен ҳам қайтарман-да иш ўтоғимга,

Охирги нуқтани шунда қўярман,

## ИККИ ХАЗАР

*Дўстим Кара Кариевга*

Яна дунё узра  
Абри найсонлар,  
Кўзларимни очдим навбаҳор фасли.  
Эшитинг,  
Эшитинг  
Мени, инсонлар!  
Хазарнинг тубидан сўзлайман, асли!  
Кетган бўлсам ҳамки йигит ёшимда,  
Мен ҳам мангуликка қовушган жонман.  
Тўфонли оқшомда, қорли оқшомда  
Денгизнинг тубида  
Қолган инсонман!  
Эшитинг, инсонлар,  
Қалбимда тошқин!  
Сув узра ёйилган синмас қанотим.  
Сизнинг қалбингизни ёндирсин букун,  
Қўшиқ бўлиб қолган  
Қисқа ҳаётим.

### **Нефть дошларининг қўшиғи**

Мен шундай шаҳарманки,  
Шаҳарларнинг шаҳари,  
Сувлар нағмакоримдир,  
Инсонлар виқоримдир.  
Қўшилганман денгизга  
Ҳаво каби, ҳаёт каби.

Сирилганман бу сувга  
Қанот каби,  
Қанот каби.  
Ўз севгим-ла, ўз отим-ла  
Боғландим шу диёрга.  
Ҳазар метин қанотим-ла  
Ейилар уфқларга.

Оғир меҳнат садосини  
Келажакнинг йўлларига  
Кенгликлардан кўчиргайман.  
Мағрур Боку жамолини  
Улкан метин қўлларим-ла  
Денгиз узра учиргайман.

Қўшиқ дер дудоқларим,  
Қалбимдан нурлар тошмиш.  
Шафақ бўлиб сочилмоқчун.  
Менинг пўлат оёқларим  
Ерга меҳкам таянмишдир  
Ой, қуёшга етмак учун.

Келур дўстлар қатор-қатор,  
Миннатдорман,  
Инсон ўғли!  
Мен ҳамиша борлигингда  
Яшагайман,  
Инсон ўғли!  
Тарихда ҳам ҳеч бўлмаган  
Бундай шаҳар,  
Инсон ўғли!  
Бошим узра шамол ўйнар,  
У сасингдир,  
Инсон ўғли!  
Еноқларга ёпишган ел —  
Нафасингдир,  
Инсон ўғли!

Бу дунёда ҳеч бўлмаган —  
Бундай шаҳар,  
Инсон ўғли!

### Севгилимнинг қўшиғи

Ҳар баҳорда эриб  
Кетган тумандир,  
Йўқса туш, уйқудир у хушбахт замон.  
Балки бир асрдир,  
Балки бир ондир  
Бизнинг орамизда ётган бу ҳижрон.  
Тинглагин,  
Тинглагин  
Эй, азиз Инсон!  
Сенсан ҳаётимнинг қувончи, дарди.  
...Ҳар дафъа денгиздан қайтганинг замон  
Сендан бўронларнинг ҳиди келарди.  
Сен энди қайдасан?  
Кимлар айтар, ким?!  
Мен сени излайман  
Кундузим, туним.  
Эй, денгиз бўйлигим,  
Тўфон бўйлигим,  
Энди бўйинг келар денгиздан сенинг!  
Тинар ғамли денгиз,  
Тинар шўх денгиз,  
Беором соҳилга кўп сирлар сингган.  
Эй, менга саодат бергувчи денгиз,  
Не учун фалокат юбординг менга?!  
Юлдузлар,  
Ол алвон чечакларимиз,  
Кўришдик илк дафъа бу соҳилда биз...

С е н:

Мовий сув хаёлим ёяр қумларга,  
Денгиз кўпирар.

М е н:

Майли, кўпирсин!

С е н:

Марварид қумларга,  
Қизил қумларга  
Инжу сепилар!

М е н:

Майли, сепилсин!

С е н:

Бор бўл, қояларга  
Бош урган Хазар!

М е н:

Инграган,  
Оҳ ўрган,  
қутурган Хазар!

С е н:

Шоядки севгимиз бахт ато қилса:  
Исми Хазар бўлур, ўғил туғилса!

Энди тақдиримда икки Хазар бор,  
Сендан ёдигордир, сендан ёдигор.  
Бириси чайқалиб турар пойимда,  
Бириси яшайди энди уйимда.

Хазар сенинг ўғлинг,

Бизнинг ўғлимиз,

Уша кеч...

Уша кеч...

Келди дунёга...

Уйқусиз қишлоқда сўнганда юлдуз,

Уша кеч...

Уша кеч...

Келди дунёга...

Таниш инга-инга...

Қадрдон садо

Етсин қулоғингга шу оппоқ саҳар.

Биздан Хазар сени юлиб олса-да,

Сени олиб келди

Фарзандинг Хазар.

### Ҳалок бўлган бурғу қўшиғи

Қуёшдан баҳраманд

Бўлган бурғуман,

Қалбимда гувиллаб қайнар қора қон.

Ҳаётга, қудратга тўлган бурғуман,

Мен ҳам яшаганман

Бамисли инсон!

Денгиз узра шомлар

Қуйилган маҳал

Белаб турар эдим борлиқни нурга.

Пўлат сийнамдаги кичкина машъал

Олис оролдан ҳам

Кўриниб турган.

Чироғим нур сочиб

Турарди ҳар он,

Унга қўшиқ битган шоир бир замон:

Зим-зиё тун, денгизда

Бир чироқ очиқ ёнар.

Шамол ҳам зулумотга

Аччиқма-аччиқ ёнар.

Денгизда чироқ ёнар.

Нур сочар юлдуз мисол,

У ёнар, йироқ ёнар.

Кичкина шуъласидан

Гўёки зулмат ёнар,

Денгизда чироқ ёнар.

Матонат ярашур  
Инсонга бунда,  
Ярашгай орзулар, ҳислар ёлқини.  
Осмонга сапчиган бу сув ичинда  
Таҳлика ва ўлим  
Қуршагай уни.  
Тўфон босиб келар,  
Келар ҳайқириб...  
Зарбадан қийшайган бурғу бемалол  
Тўфонга басма-бас, сийнасин кериб  
Мағрур ҳалок бўлур  
Денгизчи мисол.  
Бунда шамол кезар,  
Чайқалар тўлқин.  
Таҳлика домида иш қайнар тенгсиз.  
Бурғулар тикланар,  
Зўраяр шовқин,  
Пешона терига ўхшайди денгиз.  
Шамоллар тўлғонар метин оролда,  
Долғалар!..  
Долғалар сийнасида ўч.  
Долғалар келиши унутилар, ҳа,  
Долғалар кетиши унутилмас ҳеч...

Эрта тонг...  
Сукунат...  
Уфқ соф ва кенг...  
Сув узра сирғалар денгиз шамоли.  
Йироқ-йироқларда чўзилган қирғоқ  
Жимирлаб ётибди  
Сароб мисоли.  
Денгизга қапишган оппоқ булутда  
Ваҳший жалаларнинг қудрати пинҳон.  
Билсангиз, беғубор, маъсум сукутда  
Яшриниб ётади даҳшатли сурон.  
Хазарнинг ангори бўзарди бирдан,



Биз боқдик...  
Тўфонга юзма-юз ва жим.  
Ўзимни инсондан айирмадим мен,  
Инсон-ла туғилдим,  
Инсон-ла ўлдим.

Долғалар қалқир шитоб,  
Ҳар долға бир аждаҳо,  
Қатта очиб оғзини,  
Наъра тортар:  
Хо... Хо... Хо...

Бўкирар ваҳший шамол,  
Човут солар денгизга,  
Зулмат ичра қалдироқ  
Хўмрайиб турар бизга.  
Ҳар долға бир аждаҳо:  
Хо... Хо... Хо...

Долғалар мендан баланд,  
Ҳайқирар қўша-қўша.  
Долға юз долға бўлур  
Устимдан оша-оша.  
Долғалар келар шитоб:  
Хо... Хо... Хо...

Долғалар уюр-уюр,  
Каттакон долға деюр:  
Сизни ҳозир ютгайман,  
Кейин тинчиб ётгайман,  
Ҳар долға бир аждаҳо:  
Хо... Хо... Хо...

Оқшом... Тўфон ҳам чарх ураётир,  
Соҳилда қишлоқлар олар хавотир.  
Олдинда — хатарли, уйқусиз кеча,  
Сўнги йўқ кеча...  
Долғалар қутуриб



Энди мен ётурман  
Денгиз остида.  
Ҳар юксалган бурғу  
Баланд чўққидир.  
Устида йўл олган абри навбаҳор.  
Одамзот ҳаёти  
Отилган ўқдир,  
Яқинми, узоқми, ўз манзили бор.  
Одамзот туғилар,  
Одамзот ўлар,  
Бириси келади, бириси кетгай.  
Ҳар кимса узоқроқ яшамоқ бўлар  
Ва лекин дунёга  
Тўймасдан ўтгай.  
Буркар зирваларни  
Оғир бир туман,  
Қайноқ шамоллардан сўлар гулчечак.  
Ўлимдан ҳеч қачон қўрқмайди инсон,  
Чунки билмас ўлим  
Қачон келажак...  
Инсон қанот қоқар  
Орзуси бўлса,  
Инсон-ла узаяр жаҳоннинг умри.  
Кечалар ортидан кундузлар келса,  
Келур инсонлардан  
Инсоннинг умри.  
...Бизлар ўлим билан  
Беллашган онда  
Салқин ва мусаффо саҳар туғилди.  
Тўфонлар бўкирган у машъум тунда,  
Хазар соҳилида  
Хазар туғилди.  
Акс этди денгизда гўдакнинг саси,  
Безовта тўлқинлар тингладилар жим.  
Борлиқда янгради ҳаёт нафаси,  
Гўёки ортига чекинди ўлим.



Тошларга урилар оҳ ила долға,  
Сенмисан, дерман!  
Шивирлар, шивирлар соҳилга долға,  
Сенмисан, дерман!  
Бурғулар нур сочар йироқ-йироқда,  
Сенмисан, дерман!  
Ҳамиша чорлайди митти чироқлар,  
Сенмисан, дерман!

Кимдир, боқишлари маъноли, сирли...  
Сувларга термилган у она кимдир?  
Нега у паришон, ғамгин хотирли,  
Нега у жимдир?  
Боқар уфқларга узоқ-узоқ, жим,  
Кифтида ўн йиллик ҳижрон кўтариб.  
Оппоқ сочлари ҳам отажон, балким,  
Оппоқ долғалардан кетган оқариб.  
У менинг онамдир,  
У менинг онам,  
Сувларга боқади у сирли-сирли.  
Уфқларга боқар кўзларида ғам,  
Оҳиста қайтади  
Ғамгин хотирли.

Менинг тақдиримда чайқалар Хазар,  
Кўрмаган бўлсам-да нефть дошларини...  
Изингдан боргайман, бир ёруғ саҳар  
Мен синаб кўргайман  
Бардошларимни...  
Бир куни келарман Хазарга, ота!  
У ерга...  
У ерга...  
У ерга, ота!  
Кезса-да изингдан чўлу чаманни,  
Хазаринг  
Хазардан топажак сени.

## Менинг кўшигим

Батамом сўнди деб ўйларсиз, балким,  
Дарёда  
Дарёча  
Сўзим бор маним.  
Сувларда из қолмас дейди, қани, ким,  
Жўшқин долғаларда  
Изим бор маним.  
Кўзимда қолгандир замону макон,  
Дунё жамолига  
Ташна кўзим бор.  
Менсиз зерикмасин замин у осмон,  
Осмонга, заминга  
Айтар сўзим бор!

## Севгилимга сўзим

Тингла, шамол эсар,  
Титрар сув юзи,  
Тингла, ҳаётимнинг маъноси, тингла.  
Сен, эй толеимнинг  
Меҳрибон қизи,  
Сен, эй Хазаримнинг онаси, тингла!  
Сен юрган йўлларга  
Тўкилсин зиё,  
Сен менинг баҳорим, менинг ҳаётим,  
Севгилим, севгилим, севинсин дунё,  
Сен унинг бағрида ташлайсан одим.  
Яна сен турибсан  
Соҳилда гўзал,  
Денгиз лопиллайди, уфқ ёнаётир.  
Қимни кутаяпсан  
Соҳилда, гўзал?  
Қайтиб келолмасман ёнингга ахир.  
Мозийни хотирлаб турасан тўниб,

Асов куч чайқалиб ётар пойингда,  
Денгиздан қизганиб юрардинг мени.  
Умринг ўтаяпти  
Денгиз бўйида...  
Қалбимга қуйилар  
Ажиб бир оҳанг,  
Қўшиқдай сержаранг, ишқдай бокира.  
Бу сенинг овозинг,  
Бу сенинг сасинг,  
Қалбимга долғадай бостириб кирар.

Сирлашади саҳар билан,  
Ўша-ўша Хазар билан,  
Тўлқинлардан тинглаб ўлан  
Бизнинг соҳил!  
Бизнинг соҳил!  
Ҳижронларнинг масканидир,  
Армонларнинг масканидир,  
Шодмонларнинг масканидир,  
Бизнинг соҳил!  
Бизнинг соҳил!

Икков келар эдик  
Бу таниш ерга  
Энди Хазар билан  
Келурсан бирга.  
Келурсан  
Ўзгача, бахтиёр, дуркун,  
Шафақлар ўғлингнинг гул ёноғида,  
Хазаринг ҳамиша виқоринг бўлсин.  
Хазар ранжитмасин  
Ўз қучоғида.

Денгизни кўрганда қийқирир Хазар,  
Қийқириб кулади қувончга тўлиб.  
Қулочларин ёйиб, қуш каби учар  
Каттакон денгизни қучмоқчи бўлиб.  
Меҳрибон онасан,

Озарли она.  
Хазарли онасан,  
Хазарли она!

Саҳар-саҳар,  
Шамол эсар,  
Бир-бир босиб  
Олам кезар.  
Икки Хазар,  
Озурлар кўп,  
Чечак-чечак,  
Бир умрли  
Икки юрак —  
Икки Хазар!

Мана икки Хазар учрашар масрур,  
Аста яқинлашар одимма-одим.  
Бирида тақдирим чайқалар мағрур,  
Иккинчи Хазарда яшнар ҳаётим.  
Келурсан,  
Ўзгача, бахтиёр, дуркун,  
Шафақлар ўғлингнинг гул ёноғида.  
Хазаринг ҳамиша виқоринг бўлсин,  
Хазар инжитмасин  
Ўз қучоғида.

### Ўғлимга сўзим

Сенга ҳаёт бердим,  
Қалбимни бердим,  
Сени ўз бағрида эркалар олам.  
Мен сени хаёлан  
Минг марта кўрдим  
Ва лекин ўнгимда кўрмадим, болам!  
Гавжум кўчалардан борарсан жўшиб,  
Мактабга кирарсан —  
Кўролмасман мен.  
Турарсан кўзингни қуёшдан тўсиб,



Кўзларинг қамашар —  
Кўролмасман мен.  
Қирмизи кенгликка боқарсан тўйиб,  
Шафақлар юзингда —  
Кўролмасман мен.  
Чопасан болалик нашъасин тўйиб,  
Қапалак тутарсан —  
Кўролмасман мен.  
Жажжи қўлларингдан ушлаб бирор он  
Отадай кезмадим боғда, чаманда.  
Аммо тинглаяпман —  
Куляпсан шодмон,  
Янгроқ кулгуларим яшайди санда.  
Сен менинг қувончим,  
Кўзимнинг нури,  
Балки уйғоқдирсан, ухларсан, балким.  
Мен ҳозир Хазарнинг тубидан туриб  
Ширин тушларингга  
Қирмакдаман жим.  
Болам, тингла мени,  
Тингла шу онни,  
Ёзгин, сўзларимни хотирингга ёз.  
Маҳкам қучоқлагин Озарбайжонни,  
Бир қўлинг Кур бўлсин,  
Биттаси — Араз.  
Соҳилга урилар безовта Хазар,  
Югурик долғалар ўз қанотингдир.  
Хазар,  
Жувон Хазар,  
Ёшлигим Хазар,  
Менинг толеимдир, сенинг отингдир.  
Асрорини очсин асрлар сенга,  
Орзули дунё бўл,  
Шодмон дунё бўл!  
Қандай зарур бўлса Хазар Ватанга,  
Сен ҳам Ватанингга

Шундай зарур бўл!  
Яшагай инсонда инсонга ҳурмат,  
Ҳар инсон қалбида ўт ёнар, ўғлим!  
Ватанга муҳаббат,  
Элга муҳаббат  
Онани севмакдан бошланар, ўғлим!  
Севгин одамзотни, ерни, кўкни ҳам,  
Умрингга ҳамиша ёр бўлсин ўлан.  
Инсон юрагининг салмоғи, болам,  
Улчанур севгининг  
Салмоғи билан.  
Дўстга меҳрибон бўл  
Керак маҳали,  
Ҳар кимдан марҳамат сўрама, болам,  
Аянч кимсалар бор дунёда ҳали,  
Илжайиб боққанни  
Дўст дема, болам!  
Сўзларимни асло унутма, Хазар!  
Сўзлар  
Долға-долға оқар юракдан.  
Майин кулиб-кулиб кириб келганлар  
Йиғлата-йиғлата чиқар юракдан.  
Шундай, дўсти борлар ҳамиша гулдир,  
Дўсти йўқ одамлар аянчли қулдир.  
Дўстлик тобеликми,  
Қулликми, йўқ, йўқ?  
Яхши ният қилгин ҳар доим, болам!  
Дунёда ҳар нега боқмагин совуқ,  
Ҳад бўлсин нафратда,  
Муҳаббатда ҳам.  
Унутма, юраксиз одамлар ҳам бор,  
Сўлғин чаманлардан  
Тароват кутма!  
Бепарво одамлар бўлади ғаддор,  
Улардан ҳеч қачон  
Ҳарорат кутма!

Севганда шундай сев,  
Шундай севгин-ки...  
Десинлар: «Энг буюк самимиятдир».  
Яримта севмагин,  
Яримта севги —  
Ярим муҳаббатдир, ярим нафратдир.  
Бировга бахиллик қилмагин сира,  
Юраги пуч бўлар бахиллар,  
Ўғлим!

Чириган дарахтни қуртлар кемирар,  
Кемирар,  
Кемирар,  
Йиқарлар, ўғлим.

Катта севги билан ҳаётни қучгин,  
Сасингга сас берсин  
Келган насллар!  
Ҳамиша баландроқ,  
Баландроқ учгин,  
Зирвадан бўз бургут учди, десинлар!

Мен денгиз тубидан  
Овоз берарман,  
Сен дерсан: — борарман;  
Йўлдадир кўзларим,  
Кўзларман,  
Кўзларман!  
Дунёда Хазар бор,  
Мен борман,  
Мен борман!  
Жўшарман, чорлайман,  
Мен борман!

Уфқда кун чиқар,  
Порлайди —  
Саҳардир.  
Айрилиқ — сабоҳни  
Кўришга қадардир!

## Мангулик қўшиғи

Ҳар юракда яшар  
Ишқим, ҳавасим,  
Суронли қўшиғим тизим-тизимдир.  
Долғалар сийнамдир,  
Шамоллар сасим,  
Чайқалган тўлқинлар босган изимдир.  
Қулочим қуёшни, ойни ҳам қучар,  
Қулочим ёйилган сарҳадсиз, тенгсиз.  
Ҳаёт денгизида томчийдим кеча,  
Букун торлик қилар  
Каттакон денгиз.  
Тепамдан сирғалиб кечмакда йиллар,  
Шунчалар қадрдон  
Озарим каби,  
Агар қарисам ҳам Хазарим қадар,  
Мангу ёш қолгайман  
Хазарим каби!

# СЕВСАНГ, СЕВГИЛИМ

---

Уч пардали драма



Қ а т н а ш у в ч и л а р :

Е н а р — академик, 48 ёшда  
Д у р д о н а — 53 ёшда  
С а д о я — Унинг қизи, 30 ёшда  
И м о н — Унинг ўғли, 29 ёшда  
Э л д о р — Садоянинг эри, врач, 35 ёшда  
Т а н з и л а — Имоннинг хотини, 28 ёшда  
М а д а д — аспирант  
С о ҳ и л а — Танзиланинг қизи.

## БИРИНЧИ ПАРДА

### Биринчи кўриниш

Денгиз соҳили. Қоялар. Ёнар тош устида ўтириб  
денгиз шовқинига қулоқ солади. Навқирон овоз  
эшитилиб туради.

#### О в о з

Осмон хомуш...  
Денгиз нотинч...  
Шамол...  
Эҳтимол  
Чўққиларга қўнмиш  
Оқшом—қуш...  
Мен севган тоғларга —  
Йироқларга  
Қарайсан менсиз,  
Мен ҳам сенсиз  
Денгизга боқаман,  
Қалбимни ёқаман.

#### Ёнар

*(давом этади)*

Қўнглимда минг ўй  
Туман тушгандай...  
Соҳиллардан куй  
Тоққа учгандай...  
Денгиздай тўлқин  
Отар ирмоқлар,

Денгизга шовқин  
Солгандай тоғлар.

*У ўтириб хаёл суради ва денгиз тўлқинлари-  
даги оқ кўпикларга тикилади.*

Са до я киради. Ёнарга халақит беришга журъат  
қилмайди, Ёнар уни пайқаб қайрилиб қарайди.

Са до я (*ҳансираб*). Салом алайкум, Ёнар  
муаллим!

Ё нар. Ваалайкум ассалом, Садояхоним!

Са до я. Мен сизга халақит бермадимми?

Ё нар. Асло! Келганингиз жуда яхши бўл-  
ди. Хуш, шаҳарда, институтда нима гап?

Са до я. Сизнинг аспирантингиз Мададни  
учратган эдим. У менга сизнинг бир оз мазан-  
гиз бўлмаганлигини айтди. Элдордан сизни  
кўриб кетишни илтимос қилдим. Ҳозир у опе-  
рация билан банд, кечроқ келиб қолади.

Ё нар. Эрингиз врач эканлигини биламан.  
Аммо врачлар билан жиним чиқишмайди. Бе-  
кор уни безовта қилибсиз... Қайфиятим ёмон  
эмас... Онда-сонда юрак ҳазиллашиб туради.

Са до я. Мадад менга айтдики...

Ё нар. Ҳа, бизнинг аспирант шунақа, паш-  
шадан фил ясайди. Мададнинг гапларига  
эътибор берманг! Яхшиси, атрофга қаранг,  
қандай гўзал осмон, қандай денгиз... Бари мо-  
вий либосда. Билмадим сиру асрорини, бил-  
мадим. (*Шеър айтади.*)

Бугун борлиқ мовий:  
Осмон ҳам, ер ҳам.  
Тоғу тош самовий,  
Денгиз кўк гилам.  
Бугун ҳар кунгидан



Япроқлар кўм-кўк.  
Қучоқ очгандай кўклам  
Тупроқлар кўм-кўк.  
Қоядаги туманлар —  
Кўм-кўк йироқдан.  
Бўй сочади чаманлар  
Кўм-кўк ўтлоқдан.  
Шабада сочади  
Мовий дурдона.  
Ер сирин очади,  
Янграр тарона,  
Эртакдаги янглиғ  
Табнат жўшқин.  
Тинглайди борлиқ,  
Куйлайди тўлқин.

Садо я. Ажойиб шеър... Буни ким ёзган?

Ёнар. Бир ёш шоир, афсуски, дунёдан ўтган. (*Унга тикилади.*) Сиз кўзимга, эгнингиздаги мовий кўйлақда бир қултум денгиз сувидай кўриниб кетдингиз. Биласизми, мовийлик энг ёш ранг?

Садо я. Наҳотки, рангнинг ҳам ёш-қариси бўлса?!

Ёнар. Бўлмаса-чи! Шундай ранглар борки, уларнинг умри минг йилга тенг. Бошқа бирлари эса ҳали жуда ёш... Жумладан, қадимги юнонлар мовий ранг нималигини билмай, ўтганлар... Осмонни биринчи бор мовий атаган киши ё шоир бўлган, ёки рассом.

Садо я. Башариятга номаълум даҳолардан бири, демоқчимисиз?

Ёнар. Сиз билан биз оёқ босиб турган бу соҳил жаҳонга номаълум анча-мунча даҳоларга бошпана бўлган. Мен бутун Озарбайжонни айланиб, Боқудан беш қадам нарида Абшерон

қояларидан аждодларимизнинг сирли мақонини топдим. (*Қўли билан қоя манзараларига ишора қилиб.*) Кўрдингизми, бу ерда улар истиқомат қилганлар, бир-бирларига муҳаббат изҳор этганлар, азоб чекканлар...

**С а д о я.** Сиз аллақандай номаълум даҳолар тоғлар тошига халқимиз тарихини ёзиб кетганлигини айтдингиз.

**Ё н а р.** Бу лавҳаларни ўқий билиш, англай олиш керак. Қарабсизки, овчилар қўл ушлашиб, ялли-ялли рақсига тушадилар. Бир текис шаҳдам, хушчақчақ... Асрларни қоралаб, гулхан ёлқинлари кўзга ташланади. Ноғоранинг така-туми эшитилади... Олис-олисларда, базми жамшид суронидан йироқда, севгилиси билан ўтирган бир замонги аждодимни кўраман. Қўли бўйнида... Аланга улар юзида ялт-ялт ўйнайди. Йигитнинг омади келган, қиз ҳам бахтиёр қайта топишганидан. Зотан йигит бўронларни, довулларни енгиб, бебаҳо ўлжа олиб келган... Қиз эса тоғлар этагида, денгиз соҳилида уни кутарди.

Узоқдан аёл овози эшитилади.

**А ё л о в о з и.** Сени олқишлайман, азизим, севгимим... Сенинг келишингдан бениҳоя хурсандман. Сенинг қайтишингга ишончим комил эди. Сен, денгиздан зўр, бўрондан кучлисан..

**Э р к а к о в о з и.** Мен тўлқинлар қўйнида сенга ошиқдим...

**А ё л о в о з и.** Сен ҳоридингми, толиқдингми?

**Э р к а к о в о з и.** Мен сени кўрганимда чарчоқлардан холи бўламан. Сен меннинг мадоримсан...

Ёнар. Қулоқларим улар овозини эшитаётибди...

Садоя (*ҳайрат билан Ёнарга қарайди*). Қимнинг овозини, Ёнар муаллим?

Ёнар. Аждодларимиз овозини. Сиз-чи? Сиз эшитмаётибсизми?

Садоя. Асло, Ёнар муаллим! Бу ерда, сиз билан мендан бўлак, ҳеч ким йўқ.

Ёнар. Қуёш тоғ ва тўлқинларга нур пуркайди. У биздан юксакликда... Қанча баланд кўтарилса, шунча ёрқин кўринади. Қадим замонларда одамлар ўзларини қуёш фарзандлари деб билганлар. Тонгда туриб уни қутлаганлар. Улганларида, уларнинг бошларини кунчиқарга қаратиб қўйиб кўмганлар. Одам у дунёда қуёшга сингиб кетади, деб ўйлаганлар... Қояларга қараган киши кўп нарсани англаши мумкин. Лавҳалар халқимиз, унинг меҳру муҳаббати, назокати, сахийлиги, умид-орзулари қадим ва мангу эканлигидан далолат беради...

Садоя. Ёнар муаллим, сиз кўпдан бери институт остонасига қадам қўйганингиз йўқ. Келгуси ҳафтага сизнинг илмий ишингиз муҳокамаси тайинланган...

Ёнар. Улар менинг ишимни эмас, ўзимни муҳокама қилмоқчилар... (*Кулади*.) Кўплар, бу ишга кетган вақтни бефойда, натижасиз деб ўйлайдилар, шунинг учун ҳам сўнгги кўринмаётибди деган фикрдалар. Ҳатто, давом эттиришга маблағ ҳам бермай қўйдилар. Йўқ, институтга бормайман. Яқунловчи сўзни илмий совет эмас, мана шу қоялар айтади.

Садоянинг эри Элдор киради.

Элдор. Тарихчиларга оташни саломлар!

Енар. Салом алайкум, Элдор, сизни кўрганимдан хурсандман. Мабодо, сиз мени даволаш мақсадида келган бўлсангиз, вақтингиз беҳуда кетади. Мен соғ-саломатман. Менинг аспирантим Мадад ҳам ёшини яшаб, ошини ошасину лекин бекордан-бекорга ваҳима қилиб, ҳаммани ташвишга солиб қўйибди-да...

Элдор. Касалхона узоқ эмас, ҳаммаси бўлиб йигирма минут кетади. У ерда касални аниқлаймиз, диагноз қўямиз... Мен ўз машинида олиб бораман... Михдай!

Енар. Доктор, мана бу денгиз, мана бу қоялар, мана бу мусаффо ҳаво менинг дардимга энг яхши дору дармонлигига ишонавринг, маъқулласангиз-чи, Садояхоним!

Элдор (*Енар билан Садояга шубҳа билан қарайди*). Ихтиёр ўзингизда, Енар муаллим. Айтгандай, сизга телеграмма бор. Аспирантингиз Мадад бериб юборди. Бугун институтга келган экан.

Енар (*телеграммани олади*). Ташаккур. (*Уқийди.*)

Садоя (*ҳаяжонланиб*). Ишқилиб, нохуш хабар эмасми?...

Енар. Аксинча, хушxabар! Яна йўл, яна сафар. Бу гал Ҳиндистонга, археологлар анжуманига. (*Хўрсинади.*) Лекин мен ҳеч қаёққа бормайман. Телеграмма жўнатаман, кечирим сўрайман. Ҳали, ишимиз якунланмагунча, бу ердан бир қадам ҳам жилмайман.

Элдор. Ҳатто, бизнинг уйга ҳам-а?! Сиз Садоянинг ойсига, менга қайнана бўлмиш Дурдонахонимга эртанги оилавий маросимга бораман, деб ваъда бергансиз. У киши кутаётибди.

Енар. Мен ҳам одамовиман, шу туфайли

ҳам бундай оилавий маросимларга ярамайман.  
Афв этгайсиз!

Э л д о р. Ҳеч иложи йўқ! Дурдонахоним сизни олиб келиш ҳақида қатъий амру фармон қилганлар. Мабодо бормай қолсангиз, хафа бўладилар. Дурдонахоним иккимизни ҳам кечирмайдилар...

Ё н а р. Мен ҳеч кимни хафа қилмоқчи эмасман, аммо...

Э л д о р. Садоя, ўзинг айтсанг-чи?!

С а д о я. Ёнар муаллим, бутун оиламиз бениҳоя хурсанд бўлади. Илтимос қиламан.

Ё н а р. Хўп, яхши!

Э л д о р. Жуда соз! Сизни ўзим олиб бораман.

Ё н а р. Овора бўлманг!

Э л д о р. Сизни олиб бориш менга бахт!

Ё н а р. Ташаккур! Эртагача хайр! (*Аввал Садоянинг, сўнг Элдорнинг қўлини қисади ва жўнайди*).

Э л д о р (*Садояга*). Сен уни қаттиқ бетоб деб айтган эдинг-ку? Унчалик эмас шекилли... Уйга кетдик! (*Кетадилар*).

Ёнар денгиз бўйидаги тош устига ўтириб, яна мусиқа тинглайди.

### У з о қ д а н о в о з

Денгизда қайнар тўлқин —

Шамол кезар суронкор...

Чўққиларда нур-чақин,

Эригудай қор...

Сен чўққи бўлсанг агар

Мен — денгиз...

Томчилар, илк томчилар

Сенда тугилган ҳаргиз.

## Иккинчи кўриниш

Денгиз соҳилидаги ҳовли. Садо я столдаги қўлёмани тузатиш билан банд. Танзила уй ишлари билан овора, дераза олдидаги кўзага гулдаста келтириб қўяди.

Танзила. Бас, етар Садо я, ишингни йиғиштир! Қара, қандай ажойиб кун, тоғлар рўпарангда тургандай. Бундай аснода ер юзида шодликдан бўлак ҳеч нарса бўлмаслиги керак.

Садо я (*кўзини қоғоздан узади*). Танзила, менга айт-чи, ҳозир, ҳақиқатан ҳам борлиқ мовий тусдами ёки менга шундай кўринаётибдими... Осмон, денгиз, чангалзорлар...

Танзила

Билолмадим, нечун  
Ҳамма нарса мовий...  
Мовий кўринар бугун  
Осмон, ер, ҳаво...  
Боқсам, олам ўзгача,  
Мовий кўринар ҳар ёқ,  
Елда ўйнаган япроқ,  
Ҳатто дала-тузгача.

Садо я

(*давом эттиради.*)

Мовий кенглик кўринар  
Қучоғини очгудай,  
Мовий туман уринар  
Тоққа меҳр сочгудай...

Танзила (*ҳангу манг*). Сен бу шеърни қаёқдан биласан?

С а д о я. Кеча менга профессор Ёнар ўқиб берди. Сен ўзинг қаёқдан биласан?

Т а н з и л а. Менга бошқа биров ўқиб берган. Бу шеърни ёзган одамнинг ўзи... (Шеър айтади.)

Мовий шамол зарбидан  
Сувлар чайқалар, сувлар...  
Ернинг буюк қалбида  
Ҳамон сирли орзулар...  
Табиат дудоғида  
Жаранглар мовий куйлар...  
Тўлқинлар қучоғида  
Эртақдагидай сўйлар...

С а д о я. Бу қандай сиру асрор, Танзила?  
Т а н з и л а. Кейин кези келганда бу сирни сенга айтиб бераман.

С а д о я. Буни мен ўзим Ёнар муаллимдан сўраб олишим мумкин, ҳадемай бу ерга келиб қолади.

Т а н з и л а. Бу сирни билгандан билмаган яхшироқ.

Танзиланинг қизи С о ҳ и л а югургилаб келади.

С о ҳ и л а. Ойижон! Аммажон! Дадам жуда кўп балиқ тутдилар... Мен ёрдамлашдим. Дадам қармоқ ташлаб олавердилар, мен, мен эса санаб турдим...

Т а н з и л а. Саноғингда қанча бўлди?

С о ҳ и л а. Иккита, кейин яна иккита, кейин яна учта...

С а д о я. Ҳаммаси бўлиб қанча?

С о ҳ и л а. Юзта. Чунки балиқ жуда кўп. Биласанми, дадам менга нима деди? Дадам

бориб ойнингни ўп ва туғилган куним билан табриклайман, дегин, дедилар.

Садоянинг онаси Дурдона кирди. У фартуқ тутган, елкасига сочиқ ташлаб олган ҳолда серташвиш кўринади, Соҳиланинг сўзига қулоқ солади.

Дурдона. У, бувингни ҳам ўпиб, табрик-лаб қўй, демадими?

Соҳила. Йўқ, буви, сиз ҳақда ҳеч нарса демади. Лекин, барибир сизни ҳам табриклайман, бувижон... (Ўпади.)

Дурдона. Эҳ, менинг дўндиққинам! Ширин-шакарим! Ёлғизим, яккаю ягона дилбандим...

Танзила. Нечун яккаю ягона дейсиз, Дурдонахоним? Наҳотки, фарзандларингиз иккита эмас? Садоя билан Имон-чи?

Дурдона. Сўзимдан ишқал қидираверма. Мен ўғлим ҳақида, ёлғиз ўғлим тўғрисида гапираётиман.

Соҳила. Демак, мен ўғил бола бўлганимда, мени кўпроқ яхши кўрардингиз, бувижон, шундайми?

Дурдона. Бошингга бундай фикр қаёқдан келди, дўмбоғим, юлдузим! Сен менга не-вара бўласан. Сени ҳаммадан яхши кўраман.

Имон киради. Қўлида балиқ тўла челақ.

Имон (ойисини ўпади). Салом ойижон!

Танзила. Эҳ-ҳэ! Бирталай балиқ! Катталигини қаранг!

Дурдона. Меҳмон ўз ризқи билан. Элдор қани?

Садоя. Ёнар муаллимни олиб келгани кетди.

Дурдона. Жуда соз! Бугун бизнинг уйи-



мизда қўш байрам — бири неварамнинг ту-  
тилган куни бўлса, иккинчиси машҳур архео-  
лог, Садоянинг илмий консультанти, про-  
фессор, академик Ёнар муаллимнинг бизнинг  
хонадонимизга биринчи марта ташриф бую-  
ришлари! Қани, қоғозларингни йиғиштир, Са-  
доя, бор, балиқларни тозала! Мазали таом  
тайёрлаш ҳам баъзан илмга ажойиб бир док-  
ладдан кўра фойдалироқ ҳисса бўлиб қўши-  
лади. Қани ишга, болаларим! Дастурхон  
ёзинглар, музыка жарангласин! Сен неварани-  
нам, ёрдамлаш, уй бекаси қандай меҳмон ку-  
тишини ўрган...

С а д о я, Т а н з и л а ва С о ҳ и л а чиқиб кетади.  
Дурдона билан Имон қолади.

Бизнинг хонадонимизга ана шундай мўъта-  
бар кишилар қадам ранжида қилганларида  
ич-ичимдан гурурланаман. Сенинг марҳум да-  
данг, ҳамма билади, таниқли олим эди. Лекин  
мен ёнида бўлмаганимда, машҳур олимлик  
унга йўл бўлсин! Мен уни олим қилганман.  
Биз у вақтлара жуда ёш эдик, баъзан оч қо-  
лардик, қийналардик... Лекин мен унга: «Бў-  
шашма, ишлайвер, сенинг ҳам давринг ке-  
лади!» деб айтардим. Биз жуда аҳил умр ке-  
чирганмиз. Уйимизга қанча-қанча муҳтарам  
меҳмонлар келиб кетишган...

И м о н. Ойи, наҳотки «меҳмон» ва «муҳ-  
тарам» сўзлари бир маънони англатмаса? На-  
ҳотки меҳмон бўлсаю муҳтарам бўлмаса?

Д у р д о н а. Меҳмонлар ҳам ҳар хил бўла-  
ди. Бири хонадонингга файз олиб келади,  
бошқа бирови барака. Шундайлари ҳам бор-  
ки, қадамн етиши билан уйнинг бир поғона  
пастлайди, бошқа бир меҳмон ўша уйни ўзи

келиши билан ўзи турган қоя бўйи кўтаради.  
(*Кўз ёшини артади.*) Сенинг раҳматли отанг...

И м о н. Яна, ойижон!

Дурдона (*ўзини тутиб.*) Мен бўлган гапни айтаётиман, холос. Меҳмоннинг ҳурматини келтир, аммо нимага арзишини ҳам билиб қўй. У ҳам ўз қадрни қимматини билиши шарт. Қизимнинг илмий ишига дўстона кўз билан қарасин. Ўшанда фазилати кўпдай, камчилиги жиндай бўлиб кўринадн... Ёмон кўздан алҳазар!..

И м о н. Бу жуда, жуда эски фалсафа...

Дурдона. Борди-ю, бу гап эскидан қолган бўлса ҳам, яна қайта ҳозир расму русм бўлиб қолди.

Т а н з и л а киради.

Т а н з и л а. Биз балиқларни тозалаб, дастурхон ҳам ёзиб қўйдик.

Дурдона. Мен Танзилани энг яхши келин деб бекорга айтмаганман. Соҳибжамолим, жавондаги ҳамма биллур идишларни олиб, столга қўй...

Т а н з и л а. Сиз бу идишларни уйимизнинг безаги деб атаган эдингиз-ку?

Дурдона. У, ҳар ҳолда академик. Спидирмаса керак деб ўйлайман. Имонжон, болагинам, кабоб масаласида ўзинг жавобгарсан.

И м о н. Хўп бўлади! Геолог кабобни куйдирмайди.

Дурдона. Сен эса, Танзила, узум узиб биллур вазаларга солиб қўй. Шундай қилсанг, узум ширасига шира қўшилади. Паловни Садоя сузади. Қоньякни қудуққа тушириб қўйиш керак, муздай бўлиб турсин.

И м о н (*кулади*). Ойим худди режиссёрнинг ўзгинаси. Ҳар бир артистга саҳнадан жой топиб бераётибди.

Д у р д о н а. Мендан кулмаглар!

И м о н. Биз кулаётганимиз йўқ, сизга мафтун бўлиб турибмиз, ойижон!

Д у р д о н а. Мен ҳам ҳамма хотинлар каби мақтовни ёқтираман, ҳолбуки, раҳбарларни камдан-кам мақтайдилар. Аммо раҳбар бўлмаса, иш ҳам жўнашмайди.

И м о н (*уни қучоқлаб*). Сен биз учун энг зўр раҳбарсан, онажон!

Д у р д о н а. Бас қил! Инглаб юбораман, меҳмонлар ҳам қолиб кетади. Қани, ишга! (*Чиқиб кетади*)

Т а н з и л а (*жилмайиб*). Баъзан ойим билан шундай гаплашасанки, гўё ўн йил кўрмагандай бирданига учрашиб қолгандай.

И м о н. Ойимга бўлган меҳр-муҳаббатим сенга ғалати кўринаётибдими?

Т а н з и л а. Меҳру муҳаббат ҳеч қачон ғалати кўринмайди. Менимча, ҳатто онага бўлган меҳру муҳаббат ҳам шовқин-суронсиз, ифтихор ҳисларига тўла бўлиши керак...

И м о н. Балки, сен ҳақдирсан. Лекин онанзор ҳаминша меҳру муҳаббат тўйғуларидан баҳраманд бўлиб туришни хоҳлайди. Бизнинг хонадон унинг елкасида. У оиламизнинг боши... (*Танзилани қучоқлаб.*) Ойим сени шунчалик яхши кўрадики. Сен-чи... Сен унга хушмуомала, иззат-икромли бўл!

Т а н з и л а. Наҳотки, мен шундай бўлмасам?..

И м о н. Сен ажойиб келин, жуда яхши хотинсан. Баъзан ўйланиб қоламан, азизам, сенсиз нима қилардим...

Т а н з и л а. Нима қилардинг? Бошқа бир хотиннинг қўлидан мана бундай ушлаб, унга айтардингки, «азизам, сенсиз нима қилардим».

И м о н. Агар ўша хотин сенга ўхшаганда, албатта!

Т а н з и л а. Афт-ангорими?

И м о н. Афт-ангори ҳам, қалби ҳам. (Танзилани йпмоқчи бўлади, ичкаридан овоз эшитилади: «Имон, Имон!») Ҳозир, ойи! (Кетади.)

Т а н з и л а  
(Ўз-ўзига, оҳиста)

Тумандай йиғилар  
Бошимда ўйларим,  
Соҳилдан йўрғалар  
Чўққига куйларим...  
Дарёлар тўлқини  
Денгиздан қолишмас,  
Денгизлар уни  
Тоғларга алишмас.

С а д о я киради.

С а д о я. Нималарни ўйлаб ўтирибсан, синглим?

Т а н з и л а. Менга эътибор қилма, Садоя!

С а д о я. Бевозта кўринасан... Албатта, бу гун қизинг туғилган кун!

Т а н з и л а. Ҳа, шундай...

С а д о я. Гапнинг очигини айтганда, ойим бошлаган бу иш ҳеч ҳам таъбимга ёқмаётибди.

Т а н з и л а. Бари сен учун-ку.

С а д о я. Ҳамма гап шунда... Мени деб, у ёнарни таклиф этди, мени деб Элдор уни олиб

келгани кетди, бу базми жамшид, буфетда йиллаб чанг босиб ётган биллур идишларнинг дастурхонга қўйилиши ҳам мен учун... Наҳотки, институтни, аспирантурани тамомлаб, кандидатлик диссертациясини ҳам ёзиб, яна бир йўл қидириш, маросим, зиёфат... Танзила, мени тушунадиган биттаю битта одамсан. Бу ҳаммаси сохталикдан, риёкорликдан, ясамаликдан бўлак нарса эмас-ку! Қим учун, нима учун? «Эҳ, бизнинг Садоя яқин орада фан кандидати бўлади! Кўз-қулоқ бўлинг, йўлдаги тўсиқларни бартараф этинг! Онт ичинг!» Дурдона ойим фан кандидати бўлганимни кўрмоқчи, сўнг доктор бўлганимни, сўнгра академик бўлганимни!.. У ҳаммамизнинг олим бўлишимизни истайди. Халақит берманг унга, у буюк кишиларни яратаётибди.

**Танзила. (кулиб).** Мени уй бекалигига тайёрламоқчи.

**Садоя.** Сабр қил! Ҳали сенга ҳам навбат келиб қолади, сен билан ҳам шуғулланади. Бундан ташқари, яна врачнинг хотини бўлишлигимни ҳам ўзича ҳал этиб қўйган. Мен Элдорни севаманми, йўқми, бу уни ҳатто қизиқтирмайди.

**Танзила.** Ҳамма гап ўзингда... Қандай қилиб сен бунга рози бўлдинг?

**Садоя.** Мендан сўраб ўтиришгани ҳам йўқ. Мен бўлса ойимнинг гапини рад этолмадим. «Ҳа» дедим. Ўйлайдиларки, мендан бахтли киши йўқ, менга ҳавас билан қарашади.

**Танзила.** Сизнинг оилангизни ҳавас қилмаган камдан-кам...

**Садоя.** Муҳаббатсиз турмуш бамисоли сувсиз қовжираб ётган бир сайёра. Поёнсиз бўшлиқ...

Танзила. Бундай бўлмагур хаёлларни қаердан олдинг, опагинам?

Садо я. Менинг ҳаётим ана ўша сайёранинг худди ўзгинаси. Бирданига бир кун... Мен диссертация ёздим. Институтда менга академик Ёнарни илмий консультантликка илтимос қилишимни маслаҳат беришди. Мен унга ўз диссертациямни кўрсатдим, танишдик, бир неча бор учрашдик... Эҳ, Танзила, сени ишонтироламанми — йўқми, жуда ажойиб одам!

Танзила. Шубҳасиз! У, дарҳақиқат, машҳур олим.

Садо я. Ҳа, албатта, шундай, жуда таниқли... Айниқса олижаноб киши — ақлли, зукко. Аммо қалбининг тубида мусибат. У бу мусибатни ҳаммадан сир тутади...

Танзила. Ҳа-да, унинг яккаю ягона ўғли бўлган...

Садо я. У денгизда чўкиб кетган. Унинг номи Соҳил.

Танзила унга тикилади. Соҳила югургилаб келади.

Соҳила. Ойи, ойижон! Меҳмонлар келишаётибди...

Кўчадан Ёнар ва Элдор кириб келади. Уларга Дурдона ва Имон пешвоз чиқади.

Дурдона (*тантанавор*). Марҳабо уйимизга, қадамларига ҳасанот, Ёнар муаллим!

Ёнар. Салом алайкум, Дурдонахоним. Мен оилангиз билан ғойибона танишман. Адашмасам сиз Имон бўлсангиз керак?

Имон. Худди шундай!

Садо я. Менинг укам. Бу эса унинг умр йўлдоши — Танзила.

Ёнар (*унга назар ташлайди*). Танзила?...  
Чиройли ном...

Дурдона. Сизнинг уйимизга буюрган ташрифингиз, Ёнар муаллим, бириччи марта бўлса ҳам, аммо охирги марта бўлмасин!

Элдор. Қуллуқ! Дурдонахоним ҳаммамизнинг онамиз. Шу уйнинг нуруний бекаси.

Дурдона. Ие, буни қаранг, мени бирпасда ёшини яшаган, ошини ошаган кампир қилиб қўйди-ку.

Элдор. Борди-ю, мунажжимларнинг тили билан айтганда, у киши қуёшу биз қуёш атрофидаги сайёралармиз. Созандалар тили билан айтганда, у киши дирижёр. Археологлар тили билан айтганда, у киши қоя, бизлар соямиз, холос...

Дурдона. Мен қоя эмишман! Унинг гапига қулоқ солманг, Ёнар муаллим. Мен содагина, жуда сода аёлман, ўз фарзанларимнинг хизматкориман. Уйга марҳамат!

Ёнар. Ижозатингиз билан, Дурдонахоним, бунда бир оз дам олсак, очиқ хавода.

Дурдона. Маъқул! Садоя, меҳмонларга аччиқ чой дамла!

Садоя (*таъзим билан*). Хўп, ойижон. (*Кетади.*)

Имон. Садоя менга опа бўлади. Жуда меҳрибон. Роялни яхши, чалади, ашула ҳам айтади... Мана энди археолог. Сизнинг, Ёнар муаллим, ҳамма китобларингизни ўқиган, ҳаммиша уни қадимги тарих қизиқтирарди.

Дурдона (*шошилиб*). Энди унинг тақдирини сизнинг қўлингизда.

Ёнар. Мен тезда тақриз ёзиб бераман.

Элдор. Қуллуқ! Гап шундаки, тарих фа-

ини аёллар олдинга сураётганлигини буюк Геродот эшитганда нима дерди, таажжуб!

Енар. Эҳтимол қувонарди.

Элдор. Наҳотки! Аёллар — бизнинг умрдошларимиз, оналаримиз, бекаларимиз. Улар гўзаллик, меҳр-муҳаббат рамзи. Уларни илмуфан билан банд қилишга на ҳожат?..

Имон. Уддалаётибдилар-ку. Ўзинг ўйла, қанчадан-қанча фан кандидати, доктор, профессор...

Танзила (*Садоя билан пиёлаларни дастурхонга қўяди*). Улар шунчалик кўпки, фақат сен хотинингни уй бекалигидан нарига олиб ўтмадинг.

Енар ва Элдор куладилар.

Элдор. Қим билсин, балки ҳақдир. Аёллардан доктор ва профессорлар шунчалик кўпки, ҳадемай туғишга аёл топилмайди.

Дурдона. Бизнинг Садоя ёмон беками? Сен нима деяпсан, Элдор!

Элдор. Хонадонга энг яхши бека, билмадим, тарихга қалай бека бўларкин?

Енар. Тарихга хўжайин йўқ. Қимда-ким тарихга хўжайинлик қила бошласа, ўша кундан тарих сохталашади. Уни ўргана билиш, қалбига қулоқ солиш, дардини тўғри англаш керак, бошқаришга ҳожат йўқ!

Дурдона (*хурсанд*). Олтин калималар, Енар муаллим! Кумушдан, гавҳардан зиёда! Эшитинг! Эсингизда тутинг, фарзандларим, аллома сўзини!

Садоя (*онасининг сўзларидан хижолат бўлгандай меҳмонларни бақриб чақиради*). Азизлар, Енар муаллим, бу ерда шунча ўтирганимиз етар энди, қани дастурхонга!



И м о н. Соҳила қани?

Е н а р. Ким у — Соҳила?

Д у р д о н а. Менинг неварам, Имон билан Танзиланинг қизи. У меҳмонларга гул тераётибди. Ўзи ҳам гулдай!

Е н а р (*ўзига ўзи*). Чиройли номлар... Соҳила... Танзила... Наҳотки, тасодиф?

С о ҳ и л а бир даста гул кўтариб келади ва тортиниб Енарга узатади.

С о ҳ и л а. Бу сизга тоға муаллим...

### Учинчи кўришиш

Уша жойда. С а д о я ва унинг ортидан И м о н зинага чиқадилар.

И м о н. Нега жўнаб қолдинг?

С а д о я. Ойимнинг юзтубан кетиб, тилёгламалик қилишига чидаб туrolмадим.

И м о н. Мен ҳам. Ойим ҳаддан ошириб юборади.

С а д о я. Элдор ҳам чакки эмас. Бунақанги айтишувдан ўзингни қўйгани жой тополмайсан. Профессор нодон эмас-ку. Уларни эшитаверса...

И м о н. Мақтов ҳаммага ҳам ёқади, ҳатто академикларга ҳам.

С а д о я. Адашасан, бу академик мақтовни ёқтирмайдн, унга муҳтож ҳам эмас.

Д у р д о н а ва Е н а р киради.

Е н а р. Боғингиз жуда кўркам. Уйингиз серфайз.

Д у р д о н а. Бизнинг уйимиз — сизнинг уйингиз, Енар муаллим! Бизнинг боғимиз — сизнинг боғингиз. Мана бу чинорларни Имон-

нинг марҳум отаси экиб кетган. Чинорлар бўй қўйиб, барглари шилдираб, соя-салқин ташлаб турибди... Икки чинор — икки фарзандим Са-  
доя ва Имон билан тенгдош.

Ёнара. Фарзандларни оёққа қўйиш ўзи мардлик, Дурдонахоним.

Дурдона. Ҳа, шундай. Мардлик деса арзигулик, аммо ҳеч ким қадрламайди, мукофот ҳам бермайди.

Ёнара. Фарзандларнинг ўзи мукофот, Дурдонахоним!

Садоя ва Имон дарахт панасига ўтадилар.

Дурдона. Садоядан энди хотиржамман, Имондан ҳали...

Ёнара. Имонга нима бўпти?

Дурдона. Тоғма-тоғ юради! Геолог! Топган касбини қаранг! Йўқ! У Бокуга қайтиши, илмий иш қилиши керак. Унга ҳам сизнинг кўмагингиз лозим, Ёнар муаллим!

Ёнара. Олим бўлиш учун унда қобилият, талант борми? Ёрдам талантли кишиларга берилади. Талантсизлик ўзи ўзига йўл топади.

Дурдона. Жуда тўғри айтасиз, Ёнар муаллим! Менинг Имоним жуда талантли, ҳали у шундай ишлар қиладикки, озгина туртки бўлса бўлди...

Имон. *(чидолмасдан Дурдонага яқин бориб)* Ойи, илтимос қиламан, бас!

Дурдона. Халақит берма, ўғлим! Сенинг тақдиринг ҳақида бош қотираётимиз.

Садоя. Ёнар муаллим, юринг, сизга боғимизни кўрсатаман!

Ёнара. Бажону дил.

Ёнара ва Садоя кетадилар.

Дурдона (қизидан даргазаб). Нега у бундай қилди?

Имон (силлиқлик билан). Келган киши ҳали бир бурда нон емасдан, илтимос, илтимос...

Дурдона. Ўз фарзандларини олим қилмоқчи бўлган онанинг орзу-ниятларини камситиш мумкинми?

Имон. Эҳтимол, мен олим бўлишни хоҳламасман. Менга тоғма-тоғ юриб, табиат сирларини очувчи оддий бир геолог бўлишнинг ўзи маъқулдир...

Дурдона. Сиру асрорнинг на ҳожати бор? Яхши фарзанд, яхши хотин, яхши мансаб ўзи сенга табиатнинг сиру асрори эмасми?..

Имон. Танзила ҳам онламининг бир аъзоси-ку. Нега сен унинг ўз касби корига қайтишини истамайсан?

Дурдона. Болагинангга ким қарайди? Мен чарчадим, ҳаммаларингга қарайвериб.

Имон. Соҳила катта бўлиб қолди, ҳадемай мактабга боради...

Дурдона. Сенинг хотининг профессорми, президентми, ким бўлса бўлаверсин, лекин бизнинг олдимиздаги бурчини ўтагандан сўнг.

Имон (ҳайрат билан). Яна қандай бурч?

Дурдона. Сенга ўғил, менга неvara туғиб бериши керак. Ушандан кейин унинг мансаби, келажаги ҳақида ўйлаб кўрармиз. Менинг қарорим шундай.

Имон. Қарор билан ўғил туғиш мумкинми?

Дурдона. Ҳа-да. Чин кўнгилдан йингласа, сўқир кўздан ёш чиқади. Онанинг орзуси хотининг учун ҳеч нарса эмас экан-да!

Имон. Биламан, сен Танзилани ёқтирмайсан. Лоақал менинг ҳурматим...

Дурдона. Эҳ, ҳали сенинг олдингда қарздорман шекилли? Мен сизлар учун бутун умримни қурбон қилганман. Лекин маълум бўлишича, яна қарзим борга ўхшайди. Овора бўласиз, мен сизларга эмас, сизлар менга қарздорсиз. Сизлар деб, озмунча ташвиш тортдимми. Озмунча ғалвали кунларни, уйқусиз тунларни бошдан кечирдимми... *(Уй ичидан Танзиланинг овози эшитилади. «Имон! Бу ёққа кел! Дастурхонни йиғиштиришга қарашиб юбор!»)* Бор, ўғлим, унга ёрдам бер! Мен ҳеч қачон ўз эримни шундай чақирмаганман, Ўз ишимни ўзим билиб қилганман.

И м о н чиқиб кетади.

Фарзандларни ана шундай ўстирамыз. Уларни катта қиламыз деб очин-тўқин қоламыз, тўйиб ухлолмаймыз, аммо улар бир куни бегона хотинга қалб тўридан жой берадилар. Ва яна сенга ўша бегона хотинни нега севмайсан деб, таъна қиладилар. Нега шундай яралган экан бу дунё.

Дарахт тагида диққат бўлиб туради. Бошқа томондан Ёнар билан Садоё гаплашиб кириб келадилар. Дурдона уларнинг суҳбатига қулоқ тутаяди.

Садоё. Жуда ажойиб шеър ўқиб бердингиз. Хотирангизга қойил қолса арзийди, Ёнар муаллим!

Ёнар. Эвоҳ! Йиллар ўтиши билан хотира ҳам ўз кучини йўқотаётибди.

Садоё. Кексалик ҳақида оғиз очиш сиз учун эрта бўлса керак, Ёнар муаллим!

Ёнар. Ярим асрлик умримни яшаяпман.

Садоё. Дейдиларки, Фузулий энг яхши ғазалларини ёши элликдан ошганида ёзган

эмиш. Сиз менга ўқиб берган мовийлик ҳақидаги шеърнинг муаллифи ким? (*Шеър айтади.*)

«Ернинг буюк қалбида  
Ҳамон сирли орзулар...  
Табиат дудоғида  
Жаранглар мовий куйлар...  
Тўлқинлар қучоғида  
Эртакдагидай сўйлар...»

Ё н а р

(*давом этади*)

Балки ўшандан  
Тўрт томон кўм-кўк —  
Ер-осмон кўм-кўк  
Кўм-кўк гулшандан...  
Сен кўм-кўк либос  
Қийибсан, эркам.  
Майли, қадам бос,  
Йўлингда кўклам.

Дурдона. Бу қандай гап? Бир-бирларига муҳаббат изҳор этишаётибди шекилли? Яна шеър билан! Ер ютсин! (*Дарахт панасига яширинади.*)

Ё н а р

Оламнинг ўзи  
Сен севган рангда,  
Осмон, ер юзи —  
Ранги танангда...  
Эҳтимол, шу кун  
Мен каби жаҳон —  
Қалбида тўлқин,  
Бахтли, беармон...

Балки мовий ранг  
Бахтга ҳамоҳанг?!

С а д о я. Сиз бахт-саодат ҳақида шеър ўқияпсиз, аммо овозингиз синиқ, кўзларингиз ғамгин.

Ё н а р. Бахт ва қувонч — ҳар иккиси бир гап эмас. Ҳаётда ҳар ким бахтни ўзича тушунади.

С а д о я. Сиз уни қандай тушунасиз?

Ё н а р. Мен учун бахт эндиликда севикли ишни адо этиш...

С а д о я. Демак, сиз энг бахтли кишисиз. Сизнинг меҳнатингиздан бутун дунё воқиф. Сизни қадрлайдилар, севадилар...

Ё н а р. Қим?

С а д о я. Ҳамма.

Ё н а р. Эй, азизам! Жуда янглишяпсиз. Кўпчилик мени ёқтирмайди. Шундай одамлар борки, ҳатто ёмон кўрадилар. Мен ўзимнинг арзимаган ишимни қилиш учун ҳақиқатни айтишим керак. Ҳамма ҳам ҳақиқатни ёқтираверадими?

С а д о я. Нодон ва қабиҳ кишилар уни севмайди.

Ё н а р. Бахтга қарши, шундай эмас. Уни баъзан жуда яхши, жуда ақлли одамлар ҳам ёқтирмайди. Мана, олайлик, Садояхоним, мен сизга диссертацияннгиз мени қаноатлантирмайдиган десам, нима килардингиз?

С а д о я. Ҳақиқатан, шундай бўлса...

Ё н а р. Сиз бунга ишонмайсиз. Ҳаётимизда шундай ажойиботлар ҳам бўлади: юксак мансабни олатуриб сен уни ўз борўйинг билан янада мустаҳкамлашинг керак. Бунинг учун

олим бўлишинг лозим. Мансабдан ажрадингми, олимлигингга суяниб қоласан. Олимлик даражанг борми, яна янги мансаб эгаси бўлишинг мумкин.

С а д о я. Аммо бунга фаннинг нима алоқаси бор?

Ё н а р. Бахтга қарши, биз баъзан нима дейилаётганига қулоқ солмаймиз, ким айтаётганига эътибор берамиз. Борди-ю, бор ҳақиқатни оддийгина бир киши айтса, унга лоқайд қараймиз. Уша гапни мансабдор одам такрорласа, доноликка йўямиз.

С а д о я. Ҳа, шунақаси ҳам бўлади.

Ё н а р. Агар эртага опера ва балет театрига бориб, энг яхши операдан менга биринчи партияни беришни талаб қилсам, кулгига қолмасмиканман?

С а д о я. Эҳтимол, кулгига қолишингиз мумкин.

Ё н а р. Ашулачи ёки раққоса бўлиш учун қобилият, талант бўлиши керакми?

С а д о я. Шубҳасиз!

Ё н а р. Олимлик — бу ҳам талант! Бунга ҳам қобилият бўлиши керак, бир замонлар айтганларидек, худо берса, бўлади. Бусиз на фан, на санъат, на адабиёт бор... Лекин талантсиз бўш келмайди. Олим бўлолмаса, созанда, адиб, шоир бўлишга уринади. Виждонини ютиб, жиғилдонига зўр беради.

С а д о я. Даҳшат!

Ё н а р. Билсангиз, ўрмонда шундай қўзиқоринлар бўлади — ерда ўсмайди, тупроққа илдиз қўймайди. Улар дарахт шарбатидан баҳраманд бўлиб, унинг таналарида, шохларида ўсадилар.

С а д о я. Сиз баъзи бир олимлар ана шун-

дай қўзиқоринларга ўхшайдилар, демоқчимисиз?

Енар. Улар ҳам олимми? Улар қурвақасаллалар. Қурвақасаллалар қаерда ўсади, нима билан кун кўради — барибир, фақат яхши бўлса бўлди. Бир кун келиб, сўраб ҳам қолинади: «Мана, фан кандидати, фан доктори бўлдинг. Сенинг шаънингга баландпарвоз сўзлар айтилди, сенинг соғлиғингга, гуллаб-яшнашингга қадаҳлар кўтарилди. Хўш, у ёғи нима бўлади?»

Садо я. Нега сиз бу ҳақда мендан сўраётибсиз? Сўрагани бошқа одам йўқми?

Енар. Жавоб беришдан бош тортадилар. Нечун сиз жавоб бермайсиз?

Садо я. Жавоб беришдан бош тортадилар. Нечун сиз жавоб бермайсиз?! (*Унғайсизланиб.*) Билмадим — қутилмаган саволлар...

Енар. Мана, кўрдингизми, Садо яхоним, сиз ҳам саволларимга жавоб беролмайсиз.

Садо я. Енар муаллим, сиз айтаётган гапларнинг менинг диссертациямга алоқаси борми? Ростини айтинг...

Енар. Йўқ! Мен ҳали сизнинг диссертациянгни ўқиб чиққанам йўқ. Агарда ўқиганимда бемалол гапирган бўлардим. Мен риёкорликни ёмон кўраман. Риёкорлик товушсиз тўппончадан отгандай гап: қаерга ўқ тегишини билмайсан, мен бундай қуролни ишлатмайман.

Танзила ва Соҳила қўл ушлашиб кирдилар.

Соҳила. Тоға муаллим! Биз балиқ овлагани бораётимиз. Биз билан бирга бормайсизми?



Ёнар. Денгизни жуда яхши кўрадиганга ўхшайсиз, Танзилахоним?

Танзила. Йўқ, мен денгизни ёқтирмайман!

Ёнар. Денгиз кишиларга бахт ва қувонч бағишлайди-ку.

Танзила. Денгиз баъзан кишиларнинг бахт ва қувончини ўғирлайди.

Соҳила. Биз сизни кутамиз тоға муаллим.

Соҳила Танзила билан кетади. Ёнар диққат билан улар ортидан кузатади. Сўнг Садояга қайрилиб қарайди.

Ёнар. Нималарни ўйлаётибсиз, Садояхоним?

Садоя. Сизнинг гапларингизни, Ёнар муаллим. Эҳтимол, ҳали бу ҳақда жуда кўп ўйларман.

Ёнар. Сиз Танзилани кўпдан бери биласизми?

Садоя. Имон билан танишганидан буён. Саккиз йилдан ошиқроқ.

Ёнар. Саккиз йил... Сиз Танзилани жуда яхши кўрасизми?

Садоя. Биз у билан опа-сингилдай.

Ёнар. Танзила... Соҳила... Бу номлар менга нақадар азиз... Сиз буни билмайсиз...

Садоя. Биламан, Ёнар муаллим!

Элдор киради. Қўлида рўмол.

Элдор. Фан заҳматкашларига шон-шарафлар!

Ёнар. Бугун денгиз қандай, Элдор?

Элдор. Худди ҳаммомга ўхшайди. Иссиқ. Хаво салқин. Мен сенга рўмолингни олиб кел-

дим, Садоя. Хоҳишингиз қалай, Енар муаллим, ёмғирпўш ёки пиджагимни елкангизга ташлаб олмайсизми?

Енар. Раҳмат, совуққотганим йўқ. Соҳила бораман. У ерда мени Соҳила отли жажжи қиз кутиб турибди. *(Кетади.)*

Элдор. Эй, афсонавий Тўмариснинг невараси! Сеннинг йўлинг тарих фанига улкан одимлар билан кириб боради деб, умид қиламан!

Садоя. Бас қил, киноянгни, Элдор!

Элдор. Сиз академик билан Озарбайжоннинг қадимий қояларига чизилган расмлар бўйлаб саёҳат қилдингиз шекилли? Қайси саҳифага келиб тўхтадингиз?

Садоя. Самимийлик, ор-номус, адолат саҳифасига...

Элдор. Навбатдаги саҳифа — муҳаббатми?

Садоя. Йўқ, навбатдаги саҳифа — аҳмоқона ва асоссиз рашк. Ҳеч кимга кераги йўқ саҳифа. *(Уйга кетади.)*

Элдор. Қуллуқ! Хотини ҳаддан зиёд доно бўлса, эр подон кўриниши турган гап!

П а р л а.

## ИККИНЧИ ПАРДА

### Тўртинчи кўриниш

Соҳил қоялари. Уйга яқин жой. Т а н з и л а қоя тошида ўтириб, кун ботишини кузатади.

#### Т а н з и л а

Осмон хомуш...  
Денгизда гулу...  
Шамол.  
Кўнгилда ташвиш,  
Теварак сулув...  
Овозим учар,  
Чўққини қучар,  
Тоғларда тўлқин  
Сачратар учқун...

Ё н а р киради. Танзилага кўзи тушади. Тўхтайдди.  
Танзила Ёнарни кўриб жим қолади.

Ё н а р. Денгиз билан гаплашаётганмиди-  
гиз?

Т а н з и л а. Соҳил билан, тўлқинлар би-  
лан, ўзим ўзим билан дардлашаётган эдим...

Ё н а р. Бу шеърни сиз қаердан биласиз?  
Садояхонимдан эшитганмисиз?

Т а н з и л а. Йўқ.

Ё н а р. (ҳаяжонланиб). Бўлмаса, ким?

Т а н з и л а. Бу шеърни ёзган киши ўзи  
ўқиб берган.

Ё н а р. Ҳали, бу сизмисиз! Танзила!!

Т а н з и л а. Ҳа, Ёнар муаллим. Уша, мен!

Ёнар. Гапингизда давом этаверинг, ўти-наман... Сиз ўша, менинг ўғлим севган қизми-сиз?..

Танзила. Бу гаплар бўлиб ўтганига кўп бўлди...

Ёнар. Менинг наздимда худди кечаги-дек... Ҳолбуки, ўн йил ўтиб кетибди... Фақат бир марта, бир хатидагина Соҳил ўзи севган қизнинг исми Танзила эканини ёзган эди. Ҳар гал шундай исми қизни учратганимда бу ўша қиз эмасмикин, деб ўйланиб қолардим... Мана энди қўққисдан... Энди, сизга тикилиб туриб, худди ўғлимни кўраётгандай... Сиз соҳилда гўё уни кутиб турибсиз-ку, у ҳозир денгиздан қайтиб келиши керакдай... Бамисоли ҳеч нарса бўлмагандай...

Танзила. У билан биз институтда бир йил ўқидик холос. У ўзининг камтарлиги, қунту саботи ва ўз сўзлилиги билан мени қойил қолдирган эди... Ушандан бери ўн йил ўтди, ҳамон унинг ҳалокатига мен ўзимни айбдордай ҳис этаман.

Ёнар. Нега бундай дейсиз, Танзила?

Танзила. Бир кун у менинг олдимга ўзи-да йўқ хурсанд келди... Қўлида отасидан келган хат...

Ёнар. Демак, мендан...

Танзила. Сиз аллақерда, чет элда, командировкада бўлгансиз. Сиз унинг хатига жавоб ёзиб, тез кунда қайтишингизни ва унинг сўзларига ишонишингизни айтгансиз.

Ёнар. Мен ўша хатни минг марта ўқидим, такрор-такрор ўқидим, ёд бўлиб кетди.

Пигит овози эшитилади. «Сен менинг ёнимда бўлишингни нақадар истардим, дадажон... Мен уни

қалбимдан севаман... Агар сен ёнимда бўлганингда тан олиш қийин бўларди. Лекин сен мендан бир неча юз чақирим узоқда бўлганинг учун ҳам бу ҳақда гапириш осон. Дадажон, мен бахтлиман. Тезроқ уйга қайт, сенга Танзилани кўрсатаман, таништираман...

**Т а н з и л а.** У, дадам келган куни сен ҳам бизнинг уйга келасан, деди. Мен унга, энди ўн саккизга кирдик, биринчи курсдагина ўқиётимиз, ҳаётга эндигина илк қадам қўйдик десак, бўлади, қаёққа шошиламиз, дедим... Мен бу сўзларни унга секингина айтдим, хафа қилиб қўймаслик учун... У тутоқиб кетди, «мени севмайсан» деб таъна қилиб, жўнаб қолди... Мен уни йўлдан тўхтатолмадим. Ёнар муаллим, у, албатта, ноҳақ эди. Мен уни севардим. Қалбдан севардим. У мени тушунишни истамасди... Имтиҳон кунлари эди, мен ҳар куни Соҳилни кўриш умидида институтга борардим. Бир кун машъум хабар яшиндай қалбимни тилка-пора қилди...

**Ё н а р.** Гапир, қизим, гапиравер, сен менга бўлган синоатнинг ҳаммасини айтиб беришинг керак!

**Т а н з и л а.** У дўст, биродарлари билан чўмилиш учун денгизга борган. Қирғоқда пионерлар лагерни бор экан. Бирдан денгиздан қичқириқ эшитилиб қолади. Қараса, икки бола сувга чўкиб кетаётибди, Соҳил дарҳол сувга ўзини ташлайди, ёрдам бермоқчи бўлади. Болалар гирдобга тўғри келиб қоладилар. Соҳил бир болани қутқариб олиб чиқади, сўнг иккинчисини олиб чиқиш учун яна сувга шўнғийди... Лекин гирдоб бу гал ҳар иккисини ютади...

**Ё н а р.** Соҳил денгизга шўнғиб, демак, ўзи ҳам денгиз бўлиб қолибди-да...

Танзила. Мен ўзимни қанча койидим... қийналдим... Икки йилдан кейин Имон билан учрашдик.

Ёнар. «Имон» деган сўз ишонч дегани. Сизнинг эрингиз исмига муносиб, менинг назаримда, ажойиб йигит.

Танзила. У худди шундай! Меҳрибон, хушфеъл. Мен унга кўнглимдаги бор гапларни айтганман. У ҳам ҳаммасини тушунган... Биз эндигина турмуш қурган кезларимиздаёқ, ўғил кўрсак, исмини «Соҳил» қўямиз деб гаплашиб қўйган эдик. Лекин қиз туғилди. Биз уни Соҳила деб атадик. Сиз уни бугун кўрдигиз, Ёнар муаллим. Бугун унинг туғилган куни.

Ёнар. Сизни, Соҳилани ва Имонни учратиб қолганимдан жуда бахтиёрман. Бугун сизнинг хонадонингизга келганимдан бошим кўкка етди. Мен гўё тўйда бўлмаган бўлсам ҳам, тўй кунлари чалинган мусиқа садоларини эшитаётгандай бўлиб турибман... Хаёлимда, тўй, тўйда мен ўйнаётгандай — қани, Танзила, менга бир қара, кулиб боқ, келиним, ўз қайинотангга!

Танзила. Қуллуқ сизга, Ёнар муаллим! Ёнар унинг манглайдан ўпади, Садо я кириб келади.

Ёнар. Садо я, мен Танзилани топдим, ўн йил қидирганим беҳуда кетмади.

Садо я. Сизга нима бўлди, Ёнар муаллим, рангингиз ўчиб турибди...

Ёнар. Ҳечқиси йўқ, эътибор қилманг...

Садо я. Элдорни чақирайми?

Ёнар. Ҳожати йўқ. Ҳозир ҳаммаси ўтади-кетди... (кулимсирашга уринади). Мана, бояги-боягидай, ҳаммаси жойида. Энди уйга ки-

риб, неварам билан ўтираман... Мени кузатманглар... (Собит қадам билан уйга кириб кетади. Садоя ва Танзила унинг ортидан қараб қоладилар).

С а д о я. Танзила, азизим, кўзларингга ёш олма, ўзингни бос! Ҳадеб ўтгани эслайвериш ярамайди. Сен ҳаминша Соҳилни эслайсан. Ахир, менинг укамни — Имонни севасан-ку?

Т а н з и л а. Ҳа, шундай, Садоя, мен уни севаман... Аммо Соҳилни ҳам севаман... Гапнинг ростини, у қолдирган хотирани севаман. Мени, сен ўз укамга хиёнатда айбламоқчи бўласанми?

С а д о я. Йўқ, Танзила, буни кўнглингга ҳам олма, сени айбламоқчи ҳам эмасман. Аллақаерда ўқиганим бор: бундай пинҳоний муҳаббат сув ости кемасининг йўлига ўхшаш хатарли бўлармиш. Денгиз тўлқини урганда атрофини зулмат босиб, кема дарғаси йўлни ақлу идрок туфайли топиб олишга мажбур бўлар экан. Ҳар бир дарғанинг ўзи билган йўл бор. Шу ерда бир нафас ўтир. Баъзан кишига ёлғиз қолиш фойдали. Мен Ёнар муаллимнинг ёнига бораман. Унинг саломатлигини мени ташвишга солиб турибди. (Кетади.)

Т а н з и л а (ёлғиз). «Кўнгилда ташвиш... овозим учар, чўққини қучар... Тоғларда тўлқин сачратар учқун... У ерда кимнингдир қалби уради, чўққидан бир овоз келиб туради...»

Узоқдан, денгиз томондан Имоннинг товуши эшитилади: «Танзила! Танзила!..»

Т а н з и л а (баралла). Мен бундаман, Имон!

И м о н қўлида қармоқ билан киради.

Имон. Мени чақиргандай бўлдинг.

Танзила. Мен сени ҳамisha чақираман.  
Имон. Ҳатто жим турганимда ҳам. Ҳозир эса сени ниҳоятда кўргим келди, Имон. Азизим Имон!

Имон. Сенга нима бўлди, Танзила?

Танзила. Мен сени жонимдан севаман, Имон.

Имон. Нега сен бу гапларни ҳозир айтаётибсан? Қулоқ сол, Танзила, сенга нима бўлди деяпман!?

Танзила. Ҳеч нима, соғ-саломатман. Ақлу гидроким, эс-ҳушим ўзимда. Гапларимга ишон, Имон, мен сени севаман!

Имон. Сен бунди энди англадингми?

Танзила (*унга суянади, бошини кўксига қўйиб, юрак уришига қулоқ солади*). Ҳа... Энди, ҳозиргина...

## Бешинчи кўриниш

Иккинчи кўринишдаги манзара.

Элдор (*бир ўзи*). Жуда соз! Мен учун илгари рақиб бўлса энди бемор.

Садоя (*киради*). Ёнар муаллимнинг аҳволи, руҳи қалай?

Элдор. Мен унга укол қилдим, бир оз мизгняпти. Бундай буюк археологга менга ўхшаган буюк врач рўбарў келгандан кейин тузалмасдан ҳам кўрсин-чи...

Садоя. Балки, уни касалхонага ётқизишга тўғри келар?

Элдор. Бу масалани суриштириб кўрдим, бўлмади, ўзи истамаётибди.

Садоя. Сен ўзинг қандай ўйлайсан?



Элдор. Менми? Менга қолса, менинг хотиним атрофидаги ошиқларнинг ҳамма-ҳаммасини касалхоналарга жўнатган бўлардим.

Садо я. Бундай бемаъни гапларингни қачон қўясан, Элдор?

Элдор. Қачон менинг хотиним ўз эрига лоқайдликдан воз кечганда, илиқ-иссиқ боққанда, совуқ қояларни унутганда...

Садо я. Сен илму фандан воз кечиб, барча таниш-билишларни тарк этиб, фақат сен билан оворан сарсон бўлишимни хоҳлайсанми? Сен бўлсанг, район касалхонасига яхшилаб жойлашиб олиб, бошқа ҳеч нарсани ўйламай қўйдинг, ўйлашни ҳам истамайсан. Мутахассис, кўричак устаси!

Элдор. Кўричак ҳам, айтгандай, мутахассисликни талаб қилади. Суяк суриб келган кўричак орқасидан кун кўраётганлар озми? Шу жумладан, сен ҳам.

Садо я. Менга буни нима дахли бор?

Элдор. Дахли бўлганда қандай? Бу хоналардаги, антиқа қўлингиздаги қўша-қўша бриллиант кўзли узуклар, қулоқларингиздаги олтин исирғалар наҳотки, сенинг археологиянг туфайли жилваланиб турган бўлса?! Йўқ, азизам, булар ҳаммаси кўричак эвазига келган. Ота-боболаримиздан суяк суриб келган кўричак эвазига!

Садо я. Сиз айтган биллуру жавоҳирларимизни кўргани кўзим йўқ!

Элдор. Демак, оламда гўзал нарсаларни ёқтирмайдиган хотин бор бўлса, ўша хотин сен экансан-да! Кечирасан, жонгинам, бу гапларингни ҳазм қилолмайман.

Садо я. Сенга ачинаман, Элдор!

Элдор. Ачинаман?

С а д о я. Ижодиёт гултожи, табиат подшо-  
си — инсон, наҳотки, қулликни бўйнига олса...

Э л д о р. Хафа бўлма, ҳазиллашдим. Жин-  
даккина лирик чекиниш, холос... Бир воқеа  
эсимга тушиб кетди. Аллақайси бир Африка  
давлатининг шаҳзодаси Бокуга учиб келибди.  
Аммо самолётдан чиқаётганда қорни чунон  
оғриб қолибдики, зўрға ерга тушиб олибди.  
Мен уни ўша ерда операция қилдим, беш кун  
ўтар-ўтмас тумба-мумбага ўйинга тушиб кет-  
ди. Жаноби олийлари ўзлари билан ҳамма хо-  
типларини олиб келган эканлар. Ўша пари-  
вашларнинг бари касалхона остонасини кечаю  
кундуз тарк этмасдан ўз амри соҳибларига  
илҳақ бўлиб, кўз тутдилар. Жаноби олийлари  
моҳирлик билан қилинган операция учун мен-  
га таҳсин ўқидилар...

С а д о я. Ва ниҳоят сароӣ врачл лавозимн-  
га таклиф этдилар?

Э л д о р. Сен ҳазиллашаётибсан-ку, аммо  
аслида шундай ҳам бўлди.

С а д о я. Бекор рад этгансан. Африка шаҳ-  
зодаси билан кетганинда мукофотига ҳарам-  
ли бўлиб қолармидинг!

Э л д о р. Ҳарамни бошимга урамани! Бир  
ҳарамда қанча хотин бўларди. Қирқдан ош-  
майди албатта. Менинг суюкли, яккаю ягона  
хотиним юз бир соҳибжамолдан ортиқ. Нақа  
дар гўзал!

С а д о я. Биз сен билан бирга турмуш қу-  
ганимизда, ҳамма сени атоқли врач, машҳу  
олим бўлади деб ўйлаганди. Аслида бунда  
бўлиб чиқмади, лўттибозликдан нарига ўтм-  
динг.

Э л д о р. Айниқса, Ёнар муаллим олди  
шундайми?

С а д о я. Шундай! Ёнар муаллим олдида, айниқса... Унинг қаршисида кўплар йўқ бўлиб қолади...

Э л д о р. У аравани қуруқ олиб қочишга уста. Бўйи бастининг ўзи кишини довдиратади, гўё фуқародан бир бош баланд, авлиё ёки пайғамбар... Ҳали бу пайғамбар ҳам менинг операция столимга келиб тушади!

Д у р д о н а киради.

Д у р д о н а. Қуйиб-ёниб, нималарни гапирётибсан, Элдор?

Э л д о р. Ўз хотинимга, сиздай Дурдонахоним, волидаи муҳтарамга фарзанд бўлмоқлик ўзи улуғ бахт эканлигини айтаётибман, мабодо сиз бўлмаганингизда бизнинг онламиниз аллақачон инқирозга юз тутган бўларди.

Д у р д о н а. Сен шундай деб ўйлайсанми?

С а д о я киради ва тек қотиб туради.

Элдор, чиқиб кет, мен қизим билан гаплашмоқчиман!

Э л д о р чиқиб кетади.

«Ёр қалбида бор бир сиру асрор...» Сенда ўз онангдан, ўз эрингдан яширинган қандай сир бўлиши мумкин?

С а д о я (*сабрсизлик билан*). Бу шеър-ку, ойижон! Ёнар муаллим менга ўқиб берди.

Д у р д о н а. Эрлик хотинга ҳеч ким шеър ўқишга ҳаққи йўқ! Бу аллома сенга нималар деб бошингни қотирганини эшитдим: «Бугун сен кийибсан мовий усти бош». Сен қандай либос кийганинг билан унинг нима иши бор, ер ютсин!

С а д о я. Сен қулоқ солиб турганмидинг?

Д у р д о н а. Оиламга офат юзланганда, қулоқ солиш айб эмас! Мен унга нима дейишимни ўзим биламан...

С а д о я. Сен унга бир сўз деб кўргин-чи...

Д у р д о н а. Бир сўз эмиш, юз сўз айтаман. Менинг истагим нима? Хонадонимизда тартиб-интизом бўлиши керак. Хотинлар фақат эрларини севсинлар, бир ёстиққа бош қўйдиларми, қўша қарисинлар. (*Кескин*). Шундай қилмасалар, қарғишимга қоладилар. Берган оқ сутимга рози бўлмайман.

С а д о я. Мен ҳамиша измингда бўлганман.

Д у р д о н а. Наҳотки мен сенга бахт тиламаган бўлсам?.. Мен сенга озмунча яхшилик қилдимми?!

С а д о я. Ойи, мен ҳам энди ёш эмасман. Менинг ҳам ўз қарашим бор. Нега сен бизларнинг ҳаммамизни ўзингга итоаткор қуллардай кўришни истайсан?

Д у р д о н а. Она деган сўз фарзанд учун муқаддас сўз.

С а д о я. Фарзанд рози бўлса...

Д у р д о н а. Нега сен рози бўлмас экансан, мен сизлар учун керак эканлигимни сендан яхши биламан. Сенинг амакивачча синглингни эрга узатган мен эмасманми? Қара, улар қандай бахтли яшаяптилар. Ўн тўртинчи қаватдан квартира ҳам олдилар...

С а д о я. Агар инсон бахти қаватлар билан ўлчанганда эди, энг бахтли кишилар Нью-Йоркдаги бир юз қирқинчи қаватда турганлар бўларди.

Е н а р киради.

Қаёққа бормоқчисиз, Енар муаллим?

Ёнар. Қош қорайди, уйга боришим керак.

Танзила, унинг кетидан Соҳила қўлида чилвир ўйнаб киради.

Соҳила. Сиз кетаётибсизми тоға муаллим? Мен билан чилвирдан сакраб ўйнамоқчи эдингиз-ку!..

Ёнар (*бошини силайди*). Бошқа гал, неварам. Энди сен билан биз кўп кўришамиз.

У Соҳилани бағрига босади. Узоқдан йнгит овози эшитилади.

### О в о з

Денгиз тоғдан, наҳотки олис?  
Денгиз суви оқар беканда...  
Сен чўққисан, мен — денгиз,  
Илк томчилар яралган санда,  
Оқ, оқавер бағримга тенгсиз...

### Олтинчи кўриниш

Ғор, Ёнар ва Мадад.

Ёнар. Ниҳоят, мана бу қоялар ҳам тилга кирди. Тупроқ, қум ва губорлардан тозаландию, ўз сиру асрорини оча қолди.

Мадад. Мана бу расмни ким чизган, Ёнар муаллим? Ёшми ёки кексами?

Ёнар. Уйлайманки, бу расмлар рассом қўли билан бунёдга келган. У ёшидан қатъий назар буюк рассом бўлган албатта. Ун минг йил ўтса ҳам аждодларимиз қалби биз билан дардлашаётгандай...

Мадад. Бир қаранг, устод, мана бу хўкизга! Гавдаси тўла куч, бўйни қайрилмайди.

Шаталоқ отгудай турибди. Бир сакраса учиб кетади.

Ёнар. У ярадор, кўрмаётибсанми, кўксига ўқ қадалган. Ҳозир қулайдию тамом-вассалом, бош кўтармайди. Сайёд майиб қилган...

Мадад. Инсон ўз кучи, ўз гавдасининг зўрлиги билан ҳар қандай йиртқични енгади...

Ёнар. Шундай. Бу ҳақда қоялар далолат беради. Жумладан, аёллар эрларининг овдан қайтишини кутадилар. Бу ажойиб сурат, унда хотин кишининг вужуди мевали дарахтга ўхшатиб тасвирланган. Демак, бизнинг ота-боболаримиз бу ерда деҳқончилик билан шуғулланганлар, мана уй-рўзгор асбоблари, мана овчилар. Уларнинг елкаларида ёй ва ўқлар... Қўлларида гувран...

Мадад. Ёнар муаллим, мана бу олти эркакка назар ташланг!

Ёнар. Сен улар эркак эканлигини қайдан билдинг?

Мадад. Белларида белбоғлари бор. Беллари ингичка, оёқлари катта...

Ёнар. Тўғри! Уларга ўлжа топиш учун югуриб-елишга тўғри келган.

Мадад. Улар ўйинга ҳам тушганлар!

Ёнар. Ҳа, шундай. Қадимги ўйинимиз — ялла ўйнаганлар, овга жўнаш олдидан қўлни қўлга бериб, овдан омон қайтиб келиш учун ялписига ўйинга тушганлар...

Мадад. Бундай ўйинларга фақат бизнинг кишлоқда ҳамон тушадилар, тўй-томошаларда, байрам-маъракаларда...

Ёнар. Адашяпсан, Мадад. Бу ўйин республикамизнинг ҳамма жойида машҳур. Сен ўзинг қаердансан?

Мадад. Менинг ватаним — Шахдаг чўққи-

си. Юксак тоғ жилгалари малла ранг қоялар, кўкўпар чўққилар устида сузиб юрган оқ булутлар макониданман.

Ёнар. Демак, сен Хандалиғ қишлоғидан экансан-да? Бу, хақиқатан дунёда антиқа жой, Мен у ерда бўлганман, урф-одат, туриш-турмуш ва шевасини ўрганганман.

Мадад. Мен Хандалиғдан чиққан биричи археолог бўламан. Мен сизни, Ёнар муаллим, қишлоғимизга, тоғимиз бағрига олиб бораман. У ерда ҳам ҳали ечилмаган жумбоқлар кўп.

Ёнар. Бу жумбоқларни сен ечасан, Шагдаг ўғли! Мен албатта меҳмон бўлиб бораман. Қани расмларга қайтайлик.

Мадад. Уйинчи хотинлар даврасидаман, Ёнар муаллим. Улар борган сайин кўпайиб кетаётибди. Мен ҳозир улар билан ўйинга, ялага тушаман, ашула айтаман. Сизга нима бўлди, Ёнар муаллим?

Ёнар (букчайиб ўтиради). Яна лаънати...

Мадад. Врач чақириб келайми?

Ёнар. Ҳожати йўқ! Камзулимда, тепа чўнтагида... дори бор... Ушани олиб берсанг, бас!..

Мадад дори келтиради.

Ичишим билан... енгил тортаман... (Ичади). Ҳозир... ҳозир ҳаммаси ўтиб кетади... ташвишланма, Мадад, диққат бўлаверма, ишингни қилавер... мана, ўтди-кетди... оғриқ тўхтади...

Мадад ўз устозига ҳаяжонли қараб, сўнг унинг буйруғи билан фор ичкарисига кириб кетди. Ёнар кўтарилади ва ўз ишида давом этади.

Мен бу ердан ҳеч ёққа жилмайман... Мўлжалдаги ишимни яқунламасдан туриб...

Кимдир ғор ичига тушаётган нурни тўсади, к ў л а н к а  
пайдо бўлади. Э л д о р киради.

Э л д о р. Замонамиз Фарҳодига шон-шарафлар! Салом алайкум, Ёнар муаллим!

Ё н а р. Қадамингизга ҳасанот, Элдор!

Э л д о р. Сиз, ҳақиқатан, Ёнар муаллим, тоғ тошини йўниб, йўл очган афсонавий Фарҳоднинг худди ўзисиз!

Ё н а р. Дарвоқе, шундай матал бор: «Фарҳод дунёдан ўтган бўлса ҳам аммо, ҳамон янгар пар тешасидан чиққан садо...»

Э л д о р. Қойил, Ёнар муаллим!

Ё н а р. Утиринг, Элдор, кечирасиз, бу ерда бизда ўтириш учун қулай кресло ёки диван йўқ.

Э л д о р (*аланглаб*). Бу ер ўзи муҳташам сарой! Олимлар уйи...

Ё н а р. Менга бу мерос аждодларимиздан, ҳаммаси бўлиб бундан ўн минг йил муқаддам бу ерда яшаб ўтган ота-боболаримиздан қолган. Қалай, аччиқ чойга хоҳишингиз борми?

Э л д о р. Қуллуқ, шошиб турибман. Сиз билан бир муҳим масала устида гаплашиб олмақчи эдим.

Ё н а р. Демак, хатим қўлингизга бориб теккан?

Э л д о р. Қанақа хат?

Ё н а р. Садояхоним номига ёзилган хат?

Э л д о р. Йўқ, ҳеч қандай хат олганимиз йўқ. Анчадан буён шаҳар ҳовлида бўлганимиз ҳам йўқ. Кечқурун албатта кириб ўтаман.

Ё н а р. Бу хатни бир кун кеч олса ҳам, Садояхоним мендан ранжиши мумкин.

Э л д о р. Бу хатни, кишини хафа қиладиган бўлса, нега ёздингиз?

Ё н а р. Ҳеч кимни хафа қилиш кўнглимда



йўқ. Мен фақат фан кандидати бўлишни ният қилган аспирантнинг иши ҳақида ёздим, холос. Ростини айтсам, Элдор, мен бу ишни маъқулламадим.

Элдор (*қувончини пинҳон тутиб*). Чинданми?

Ёнар. Мендан хафа бўлишингиз мумкин. Лекин мен бошқа йўл тополмадим.

Элдор. Гапнинг очиги, Ёнар муаллим, ўз қулоқларимга ўзим ишонгим келмайди. Жуда соз.

Ёнар. Мен бу хатим туфайли ўзимга яна бир қанча душман орттирганимни биламан.

Элдор. Ва шунингдек дўстлар ҳам...

Ёнар. Ҳали шундайми? Бу янги орттирган дўстларим кимлар экан? Билиш мумкинми.

Элдор. Биринчиси ўзим!

Ёнар. Хотинингиз ишида юз берган муваффақиятсизликдан хурсандмисиз?

Элдор. Шак-шубҳасиз! Мен ўйлардимки, сиз ва менинг қайнанам албатта ундан бир арбоб чиқазасиз... ҳар қандай шароитда бўлса ҳам!.. Ҳатто унинг ўзига, оиласига, илму маърифатга зиён етса ҳам...

Ёнар. Ким сизга бундай деб айтди?

Элдор (*қувониб*). Унда олим бўлишлик учун ҳеч қандай асос йўқ-ку! Ҳеч қандай! Мана ўзингиз ҳам тасдиқлаб турибсиз, мен эса хурсандман!

Ёнар. Мен нонвой эмаски, ҳар қандай хамирдан нон ясайверсам!..

Элдор. Демак, бу ҳаммаси Дурдонахонимнинг иши бўлиб чиқди. Шухратпарастлик бир кунмас-бир кун унинг бошини ейди, мен бўлсам, Садоясиз бир кун ҳам яшаёлмайман...

Сизнинг лаънати археологиянгиз мени жонимдан севган хотинимдан жудо қилмоқчи.

Ёна р. Севасизми? Садояхоним севгига муносиб! У ажойиб хотин!.. Нега, археологияни таҳқирлаш керак? Фанни ҳақоратлаш, нечук? Ҳа, сизнинг Садоянгиз ёзган диссертация муваффақиятсиз чиқди. Ҳозирча шундай! Унда масалани умумлаштириш учун куч, илмий тажриба етмади. Ишни камол топтириш учун ёрдам бериш керак, нуқсонлар бартараф бўлади, бошланган иш кўнгилдагидай яқунланди... Сиз бўлсангиз у учраган муваффақиятсизликдан хурсандсиз.

Элдор. Наҳотки, мен қувонган бўлсам? Мен фақат сизнинг талабчанлигингиздан, ўз сўзлигингиздан хурсандман. Мен ҳам бировнинг бахтсизлигидан қувонадиган кишиларни ёқтирмайман.

Ёна р. Мана энди дилингиздаги қолиб, тилингиздагини айтаётибсиз.

Элдор. Мен ҳақгўйлик билан машҳурман. Ҳар қанча аччиқ бўлса ҳам тилимни тиймайман!

Ёна р. Кўпинча бировларни алдайдиган кишиларга дуч келасан. Аммо киши ўзини ўзи алдаса бундан ёмони йўқ!

Элдор. Ёнар муаллим, сизнинг гапларингизга қанчалик қулоқ тутсам, шунчалик сизга меҳрим ортиб бораётибди. Сизнинг фикрингизга қўшиламан. Жуда соз! Аммо сиз ўзингизнинг саломатлигингиз ҳақида ҳеч нарса деганингиз йўқ. Ижозат беринг, қон босимингизни ўлчаб, томир уришингизга қулоқ тутиб кўрай?..

Ёна р. Ташаккур, ҳожати йўқ, мен отдайман!..

Э л д о р. Эртага кириб ўтаман. Хайр, Ёнар-муаллим, эртагача!

Ёнарнинг қўлини қисади, Ёнар бир ўзи қолади ва кафтига қарайди. Худди бир парча музни ушлагандай бўлдим... эриди-кетди... М а д а д шошилиб киради.

М а д а д. Кечирасиз, Ёнар муаллим! Қани, бу ёққа юринг-чи, илтимос қиламан, ўйин тушаётган хотинлар гуруҳини кўздан кечирамиз ва расмини оламиз.

Ё н а р. Қояда сен қандай янгилик кўрдинг?

М а д а д. Мен кўрган аёллар қўлида аллақандай мусиқий асбоб, бизга номаълум... Бир кўринг-чи...

Ё н а р ғор ичига кириб кетади. Дурдона пайдо бўлади.

Дурдона. Бу ерда тирик жон борми? (*Акс-садо эшитилади. «ми...»*) Эй, худованди карим, қаерга келиб қолдим! Ер ости салтанатининг худди ўзгинаси! Шофер тоза айлан-тириб, айлан-тириб... Эҳ, бу шоферларни худо олсин! Аслида яқин кўринганди... Балки, бошқа ёқдан чиқиб қолдими-а. Айиқ уясига ўхшайди-ку бу ер... Ана у машина бўлса, йўл бўйида турибди-ку... ичидаги одам Элдорга ўхшайди... У бу ерда нима қилди экан? (*Ҳорга назар ташлайди.*) Ҳа, шундай! Бу ерда ҳар ким ҳам Одам Ато замонасидаги кишига айлан-тириб қолиши ҳеч гапмас! Ҳой!

М а д а д қайтади ва Дурдонага кўзи тушади, саломлашади.

Дурдона. Сен бу ерда нима қилиб юрибсан, болам?

М а д а д. Ота-боболаримиз изини қидириб юрибман. Сизга ким керак эди, хоним?

Дурдона. Ёнар муаллим шу ерда эмасми?

Мадад. Ана у ғорда, бемалол...

Дурдона. Бу ёққа чақириб юбор! Тагин у ерда мени икки ямлаб, бир ютманглар... Сиз археологларни ким билсин, бунда одамхўр бўлиб қолганмисиз...

Ёнар (ичкаридан чиқади. Ҳайратда). Қайси шамол учирди, Дурдонахоним?

Дурдона. Қидирган Маккани топади, деганлар қадим машойиҳлар...

Ёнар. Бугун менинг ҳузуримга энг яхши дўстларим ташриф буюрдилар. Жумладан, сизнинг куёвингиз Элдор келиб кетди.

Дурдона (чўчиб). У бу ерда нима қилиб юрибди?

Ёнар (кулиб). Ўз беморидан хабар олгани келган экан. Утиринг, Дурдонахоним. Сиз ҳам, эҳтимол, менинг соғлигимдан ташвишланиб келгандирсиз?

Дурдона. Ёнар муаллим, азизим, жигарим! Мен сиз билан бир нарсани очиқ-ойдин гаплашиб олиш учун келдим. Ёшга келганда, эҳтимол, менинг ёшим улуғдир, аммо мен сизни ўз оғам деб биламан. Қарши эмасмисиз?

Ёнар. Қулоғим сизда, Дурдонахоним!

Мадад фотоаппаратини кўтариб ғор ичига кириб кетади.

Дурдона. Мен онаман, менинг фарзандларим чизган чизигимдан чиқмаган. Мен қизим Садоя ҳақида гапираётибман. Менга ҳаммаси аён, ҳамма нарсани тушуниб турибман. Илтимос сиздан, ундан узоқлашинг!

Ёнар. Узоқлашинг?

Дурдона. Ўзингиз кўриб турибсиз —

ойламиз тинч, бахти бутун, еганимиз олдимизда, емаганимиз ортимизда...

Ёнар. Ҳа, шундай! Онлангиз жуда жойида!..

Дурдона. Ана шундай оила бузилиб кетса, наҳотки, сизнинг жонингиз ачимайди?

Ёнар. Наҳотки, ачиганда қандоқ!

Дурдона. Модомки, шундай экан, айтадиган сўзингизни айтиб, берадиган баҳоингизни бериб қўя қолинг, Ёнар муаллим, у ҳам қуриб кетгур диссертациясини ёзиб, қуриб кетгур кандидат бўлса бўла қолсину тезроқ сиздан узоқлашиб, гумдон бўлсин!..

Ёнар. Қаёққа?

Дурдона. Қаёққа бўлса ҳам майли, ишқилиб, сиздан узоққа. Сиз ўйлайсизки, мен ҳамма нарсани тушунмайман-а, нега сиз икки энлик хатингизни бунчалик чўзиб, судраб юрганингизни билмайман? Йўқ, мен сиз айтган гўл эмасман, Ёнар муаллим! Сиз буни шунинг учун қилаётибсизки, Садоя сиз қўйган қопқонга туша қолса, кечирасиз, кечирасиз...

Ёнар. Сиз мени ҳақоратлаётибсиз, Дурдонахоним!

Дурдона. Сиз-чи? Сиз мени ҳақоратламадингизми? Сиз бизнинг оилага доғ туширмадингизми?

Ёнар. Сиз мени нима қилмоқчисиз, билолмасдан қолдим?

Дурдона. Сиз менинг ўғлим Имоннинг қалбига кирдингиз, уни ўзингизга ром этдингиз, хотини Танзилани ҳам, қизи Соҳилани ҳам, менинг қизим Садояни ҳам... Лекин мени мафтун этолмадингиз, Ёнар муаллим! Мен сизни жуда яхши биламан!

Ёнар. Бас! Етар!



## УЧИНЧИ ПАРДА

### Еттинчи кўриниш

Яна Дурдонанинг уйи. Ойнаванд айвон, денгиз кўриниб туради. Стол атрофида Дурдона ва Имон.  
Соҳила югуриб киради.

Соҳила. Буви, бувижон! Қаранг, қанақа чиройли капалак тутдим. Қанотлари кўм-кўк, атрофи сап-сарик...

Дурдона. Қани, кўрсат-чи, неварам!

Соҳила. Учиб кетди, мен йиғладим. Ойим айтдиларки, учиб кетгани яхши бўлибди... Гуллардан гулларга қўнади, капалаклар билан учрашади... Нега меҳмонларимиз келмаётди, бувижон? Ёнар амаки ҳам келадиларми?

Дурдона (*неварасини эркалаб*). Ухлайдиган вақтинг бўлиб қолди, оппогим.

Соҳила. Меҳмонлар келишганда уйғотиб қўясизми?

Имон. Албатта.

Садоя ва Танзила кирадилар.

Соҳила. Ойижон, аммажон. Мен Ёнар амаким билан капалакни тутгани бораман, хўпми?

Танзила. Хўп бўлади, қизалоғим... (*Соҳилани йнади.*)

Дурдона Соҳилани олиб чиқиб кетади. Дераза  
ортида машина овози эшитилади. Садоя ва Имон  
дераза ёнига бордилар.

Имон. Қелдингларми?

Садоя. Элдор машинадан бир ўзи тушаёт-  
тибди-ку.

Танзила. Нега, нега бир ўзи?

Аста-секин, ҳорғин қадамлар билан Элдор айвонга  
кўтарилади.

Садоя. Ёнар муаллим қаёқда қолди? Сен  
нега уни олиб келмадинг?

Элдор (*пешанасини дастрўмоли билан  
артиб, ўтиради*). Ёнар муаллим касалхонада.

Танзила. Нима деддинг?

Элдор. Ҳа, шундай. Менинг касалхонамда.

Садоя. Унга нима бўлди?

Элдор. Сабр қилинг, айтиб бераман. Мен  
навбатчилигимни тугаллаб энди Ёнар муал-  
лимни олиб кетиш учун отланиб турганимда  
телефон жиринглаб қолди. «Тез ёрдам» маши-  
насида касалхонага Ёнарни олиб келишди.  
Дарҳақиқат, бизнинг касалхона ғорга энг  
яқин касалхона.

Дурдона (*қўйтиб келиб, эшик ёнида  
гапга қулоқ солади*). Гапиравер!

Элдор. Қаттиқ оғриқ тутган. Уни ўлим-  
дан сақлаб қолиш учун ҳамма чораларни кўр-  
дик.

Садоя. Аҳволи шунчалик оғирми?

Элдор. Жуда оғир. У оғриқни енгиш ни-  
ятида ғорда бир неча кун бир ўзи қолиб, ҳеч  
кимга ҳеч нарса демаган, аммо ухлолмаган...  
Ўзи айбдор. Айтишича, кафедрада Апшерон  
қояларидаги тасвирий ёдгорликлар ҳақида



доклад қилиши керак экан, шунинг учун шошилган. Бу масала ўн минг йилдан буён муҳокама қилинмай келади, яна икки-уч ҳафта тура турса нима қиларди... Биз ўз соғлигимиз билан сира ҳисоблашмаймиз. Шундай, Садоя! Йўл-йўлакай касалхонадан қайтишда шаҳар ҳовлимизга кириб чиқдим. У ерда сенга хат бор экан.

С а д о я. Қимдан?

Э л д о р. Ўша Ёнар муаллимдан, мана, бемалол ўқишинг мумкин. (*Хатни узатади.*)

С а д о я. Нима ҳақда?

Э л д о р. Мен бировнинг хатини ўқимайман. Уйлайманки, сенинг диссертациянг ҳақида бўлса керак.

Садоя конвертни очади.

Д у р д о н а. Овозингни чиқариб ўқи, қизим! Бу масала ҳаммамизни қизиқтиради.

С а д о я. (*хатни ойисига узатади*). Ўзингиз ўқинг!

Д у р д о н а. Кўзойнагим қаерда? (*Баланд овоз билан ўқийди.*) «Сизнинг диссертациянгиз ҳақидаги ўз расмий мулоҳазамни кафедрага жўнатишдан олдин ўзингизга ҳавола қилишни лозим кўрдим. Уйлайманки, сиз менинг ниятларимни тўғри тушунасиз. (*Дарғазаб.*) Нима гап ўзи? (*Ўқийди.*) «Тарихни бузиб кўрсатиш мумкин эмас, аммо унга лоқайд қараш, бефарқ муносабатда бўлиш, туйғусиз ёндошиш ярамайди... Сизнинг асарингиз шундай ёзилган...» Ер ютсин, бу юмронқозиқни, оғзига келганини қайтармай ёзибди! «Сизнинг асарингизни қайтадан ишлаш керак, ишлаганда ҳам жиддий ва чуқур мулоҳаза билан... Кишиларга янги гап айтишингиз лозим, бировлар-

нинг фикрини эмас, бу ҳақда ўзингиз билган, ўзингиз ишонган илмий далилларни...» Бу нима гап, қизим, у сени ичочқисиз тилка-пора қилибди, бўғизлабди! Балчиққа қориштириб ташлабди. Меҳнатингни йўққа чиқарибди! Оила миз ҳешу ақрабоси! Қандай шармандалик!

Элдор. Жуда соз!

Дурдона. Асаринг ҳақида яхши фикр айтса осмон узилиб ерга тушармиди. Ўзи туз ичган жойга тупиришини қаранг!

Элдор. Менга у аввал бошидан маъқул келмаган.

Дурдона. Қара, қандай усталик билан ниқобланган. Кўринишдан пайғамбарнинг ўзгинаси!

Садо я (ўрнидан туриб). Бўлди, бас қилинг! Менга энди сизларнинг гапларингиз бормиди?! Эшитишни ҳам истамайман!

Дурдона. Хафа бўлма, қизим. Археолог дунёда биргина Ёнарми, бошқаси қуриб қолибдими? Ундан зўр, ундан ҳам ҳамиятлилари бор. Энди мен нима қилишимни биламан.

Садо я. Менга ҳеч кимнинг ёрдами керак эмас, эшитдингми?! Менинг ишимга аралашиларингга йўл қўймайман. Ёнар муаллим нимаки ёзган бўлса, бари ҳақ! Дўстнинг адолатли гапи шундай бўлади!

Элдор. Бу ҳали ҳақгўйликми? Юзга тушган тарсаки эмасми!

Дурдона. Унинг кўзи кўр, қулоғи қар бўлиб қолди, азизларим. Уни ҳам касалхонага ётқизиш керак.

Садо я. Сиз ҳақсиз, ойнажон. Аллақачон кўр бўлиб қолган эдим, энди кўзим очилаётибди. Мана, сизни кўраётиман, сени ҳам Элдор, қандай бўлсанг, ўшандай ҳолда.

Элдор. Шак-шубҳасиз, сен илмга шунчалик берилиб жетганингда, профессор Енар кўзларингни кўр қилиб қўйганидан бизни пайқамасдан қолганинг рост.

Дурдона (дағдаға билан). Уттиз йил аввал сени туғдим, ўттиз йил сен билан банд бўлдим, бутун умримни сенга бағишладим. Энди эшитганим шу бўлдими! Бу дунёни ер ютсин! Улар бўлсам ўлдим. (Йиғлайди.)

Элдор. Ойижон, ўтинаман, ўзингизни босинг!

Садоя. Қуни кеча бу уйда Енарни кўкларга кўтардинг, ҳозиргина унга қуллуқ қилдинг, уни ўтқазгани жой топмадинг, нима билан хурсанд қилишни билмадинг. Мана, энди у менинг диссертациям ҳақида, сен эса уни на ўқигансан, на бирор тушунчага эгасан, шунга қарамасдан, яхши фикр айтмагани учун уни айблай бошладинг. Бу ҳаммаси у ҳақиқатни ёзгани учунми! Эҳ, сиз мунофиқлар!

Танзила. Ўзингизни босинг, ойижон!

Танзила ва Имон йиғлаётган Дурдонани олиб кетадилар.

Элдор. Тоғ деб ўйлаган нарсанг, пастак тепалик бўлиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас экан...

Садоя. Сен бу уйга келибсанки, Элдор, шундай сен билан бу хонадонга ёлғон-яшиқ ҳам кириб келди...

Элдор. Жуда соз! Мен касаллар қабулхонасига кирганимда сенинг ўша кишинг Енар менинг рўпарамда, стол устида ҳушсиз ётарди. Мен унинг қорнини ёрмаганимга жуда ачинаман. Кўричак! Модомики, шундай оқан, дарров қесиб ташлаш керак! Мен бўл-

сам касалхонада жүричак буйича яккаю ягона врачман...

С а д о я (Ғазаб билан унга қарайди). Бу гаплар доктор оғзидан, инсонпарвар касб эгаси оғзидан чиқаётибдими? Бундай гапни фақат қотил, жаллод айтиши мумкин...

Э л д о р. Мен бу ишни қилганим йўқу!..

С а д о я. Сен бу ҳақда ҳар ҳолда ўйлагансан, бошингга шу фикрнинг келиши ўзи жиноят, демак сенинг хатти-ҳаракатинг ҳам жиноят! Сен кеча ғорда унинг ёнида бўлгансан, ҳол-аҳволидан хабардорсан, нега ўша замон уни олиб кетмадинг? Қасалхонага олиб бормадинг?

Э л д о р. Мен таклиф қилдим, у хоҳламади.

С а д о я. У ҳамманинг ташвишини тортади, лекин ўзи ҳақида ўйламайди...

Э л д о р. Унинг ўрнида мен бўлганимда сен нима қилардинг? У бу ерда менинг ўрнимда, шундай эмасми? Бундан ташқари, кеча ғорда, унинг ёнида биргина мен эмас, Дурдонахоним ҳам бўлганлар.

С а д о я. Сен билан биргами?

Э л д о р. Мендан кейин.

С а д о я. Нечун?

Э л д о р. Билмадим.

С а д о я. У Ёнар муаллимдан менинг диссертациям ҳақида ижобий фикр ёзиб беришни илтимос қилган бўлса керак. Сен бўлсанг, ҳаммасидан беҳабарсан.

Э л д о р. Онт ичаман, йўқ!

С а д о я. Мен сенинг қасамингга ишонмайман, Элдор. Ойи... Ойижон! Элдор!..

Э л д о р. Бу масалани ойингиз билан ўзин-

гиз ҳал қилинг, мен аралашмайман. Мени ўз  
ҳолимга қўйинг! (*Чиқиб кетмоқчи бўлади.*)

С а д о я. Тўхта!

Эшик олдида безовталанган Дурдона пайдо  
бўлади.

Дурдона. Бу ерда нега шовқин солаётиб-  
сиз?

С а д о я. Ойи, нега сен Ёнар муаллим ҳу-  
зурига бординг?

Дурдона. Сенга ким айтди?

С а д о я. Элдор.

Дурдона (*Элдорга нафрат билан*). Сен  
айтдингми?

Элдор. Сўради, айтдим. Рост гапдан то-  
нолмайман.

С а д о я. Нега сен бундай қиласан, ойи?  
Ўзингни ҳам, мени ҳам таҳқирлайсан?

Дурдона. Чунки, мен волидаи муҳтарам-  
маман.

С а д о я. Она деган сўз бу мағрур янграй-  
ди. Онадан азиз ва муҳтарам ҳеч ким йўқ.  
Сиз-чи... сиз нима қилаётибсиз? Сиз қилган  
иш онага муносибми?.. Сиз учун мен ер ёрил-  
мади, ерга кирмадим!.. (*Чиқиб кетади*).

Дурдона. Нега сен айтиб қўйдинг, куёв-  
вачча? Биз келишиб олган эдик-ку, бу ҳақда  
оғиз очмаймиз деб...

Элдор. Барибир эшитарди.

Дурдона. Кимдан?

Элдор. Ёнардан.

Дурдона. Сен ўзинг айтдинг-ку, у ҳуш-  
сиз ётибди деб... Тилинг бир қарич...

Элдор. Сиз менга ишонмайсизми, Дурдо-  
нахоним?

Дурдона. Энди мен ҳеч кимга ишонмайман, қизимга ишонардим, сенга ишонардим, ўша Ёнар деганингга ҳам ишонардим, нима бўлди. Энди ҳеч кимга ишонмайман. Эшитдингизми — ҳеч кимга! (*Чиқиб кетади.*)

Садоя қўлида сумка билан тез-тез юриб, айвондан ўтиб кетади.

Элдор (*ҳаяжонланиб*). Йўл бўлсин?

Садоя. Қасалхонага.

Элдор (*йўлини тўсиб*). Ҳеч қасққа!

Садоя. Барибир бораман.

Элдор. Илтимос қиламан, энди бу ўйинни тугаллашингни...

Садоя. Йўқ, Элдор, ўйини тугаган: (*Кетади.*)

Танзила ва Имон уйдан чиқиб, хотини ортидан бақириб турган Элдорга қарайдилар.

Элдор. Қайт йўлингдан, Садоя, қайт!..

### Саккизинчи кўриниш

Қасалхона. Узун йўлак. Навбатчи ҳамшира столи.  
Телефон. Садоя телефон қила бошлайди.

Садоя. Ҳуртоқ бош врач! Зудлик билан консилиум чақиришингизни сўрайман. Ҳа, мен шу ердан, ўз касалхонангиздан гапираётиман. Кечирасиз, сизни безовта қилдим, аммо масала жуда муҳим, кечиктириб бўлмайди. Сизга ҳеч қандай хавф-хатар йўқ деб айтганлар, шундайми? Бу нотўғри, сизни чалғитганлар. Гап ҳаёт-мамот ҳақида кетаётибди, буюк кишининг ҳаёт-мамоти ҳақида. Борди-ю бирор кўнгилсиз ҳодиса юз бергудай бўлса, сиз жавоб берасиз. (*Трубкини қўяди ва яна бошқа*

ёққа телефон қоқади.) Бу профессор Жамилзоданинг квартирасими? Кечирасиз, профессор, сизни бевақт безовта қилаётибман. Гап профессор Ёнар ҳақида бораётибди. У шу ердаги район касалхонасида. Мен бош врачга телефон қилдим, у бугун ҳордиқ олаётганлигини, ҳеч қандай беморга ёрдам беролмаслигини, ҳафтада бир кун дам олишга қонуний ҳаққи борлигини айтди... Ҳозир ҳар минут ганимат... Нима дедингиз? Етиб келасизми? Ташаккур, миннатдорман! (*Трубкани илиб қўяди*).

Э л д о р киради.

Э л д о р (*Садояга қарамасдан, бўғиқ овоз билан*). Сен мени шарманда қилдинг.

С а д о я. Нима қилиб? Севикли устозим ҳақида ғамхўрлик қилганим учунми?..

Э л д о р. Сен бутун шаҳарни оёққа турғаздинг. Энди ҳамма сенинг Ёнарга бўлган муҳаббатинг ҳақида биледи. Жуда соз!

С а д о я. Наҳотки, профессор Ёнар менинг дўстим, менинг устозим эканлигини ҳаммага айтиб чиқиш шарт?! Наҳотки, аёл киши эркак ҳақида ташвиш тортса, албатта, шубҳаланиш керак!

Э л д о р. Менинг сенга ҳеч шак-шубҳам йўқ. Аммо одамлар!.. Менинг эрлик обрўйим, врачлик мартабам!

С а д о я. Агар Ёнар муаллим соғайиб кетса, сенинг обрўйингга обрў қўшилади, холос.

Э л д о р. Нечун сен бош врачга телефон қилдинг? Нечун бу ерга профессорни чақириб келдинг? Биз ўзимиз уддалай олмасмидик?!

С а д о я. Сен, Элдор, жарроҳсан-ку! Инсон қалбини қаердан биласан. Жамилзода улкан профессор, миришкор.

Э л д о р. Назаримда Ёнарни гўёки нотўғри даволаётибди деб мендан шубҳанг бор, мен унинг ўлимни истаётгандай..

С а д о я. Бугун боғимизда айтган гапингни бир эсла: «Рўпарамда, стол устида ҳушсиз, ҳолдан кетиб ётарди. Мен унинг қорини ёрмаганимга жуда ачинаман».

Э л д о р. Бу гаплар ҳазил эди-ку!

С а д о я. Жуда яхши ҳазил экан. Унинг касаллигини билганинга бир ҳафта бўлса ҳам, ҳеч қандай чора кўрмадинг.

Э л д о р. Мен у билан маслаҳатлашдим. Аммо у менинг гапларимга қулоқ солмади.

С а д о я. Бемор билан маслаҳатлашилади-ми?

Э л д о р. Сен худди прокурорга ўхшаб гапирётибсан! Мени судга бериш кўнглингда йўқми?..

С а д о я. Афсуски, кодексда мунофиқлик ва лоқайдлик учун суд қилинсин деган модда йўқ.

Э л д о р. Ана шундай модда бўлишини истаб, таклиф киритмайсанми Жуда соз!

С а д о я. Нафратимнинг ўзи сенинг устингдан чиқарилган ҳукм! (*Кетади.*)

Э л д о р (*ёлғиз*). Дейдиларки, муҳаббатдан нафратгача бўлган масофа бир қадам, холос. Аммо нафратдан муҳаббатгача бўлган йўл—жаҳаннам! Ана ўша жаҳаннам тубида эса менинг уйим вайронаси, бутун топган-тутган давлатим! Наҳотки, бу туш бўлса? Нотўғри эшитдимми? Йўқ, у шундай деди: «Менинг нафратим ўзи сенинг устингдан чиқарилган ҳукм!..» Наҳотки, ўз хотинини севган, ўз муҳаббатини ҳимоя қилган кишилар устидан ҳукм ўқилса? Жуда... Йўқ, лаънат! Жуда, жуда ёмон! Даҳшат! Хунук!



## Тўққизинчи кўриниш

Яна Дурдонанинг уйи. Зинапоя. Танзила ва  
Имон.

Танзила. Ҳозиргина Садоя телефон қилди, Ёнар муаллимнинг аҳволи ёмон эмас, ўзига келибди.

Имон. Сендан илтимос қиламан, Садоянинг номини тилингга олма, энди менинг бундай опам йўқ!

Танзила. Бу уйдагиларнинг ҳаммаси эсини йўқотганми?

Имон. Мен билиб турибман, сен кимни айблаётибсан, Танзила!

Танзила. Ҳаммангизни.

Имон. Биринчи галда ойимларни бўлса керак?

Танзила. Уларни ҳам.

Имон. Биламан, биринчи кундан бошлаб сен ойимни ёқтирмасдан қолгансан.

Танзила. Бу гапинг ёлгон, Имон. Худо ўзи шоҳид, мен Дурдонахонимни ўз онамдай кўришни, севишни истаганман. Менга ҳам у киши шундай муносабатда бўлиб кўринган... Билсам, фақат шундай бўлиб кўринган экан, холос. Кун сайин менга қаттиққўл бўла борди, самимийлик йўқолди... Турсам ўпоқ, ўтирсам сўпоқ дейдиган бўлиб қолди.

Имон. Танзила, тилингни тий, илтимос қиламан, тилингни тий!

Танзила. Сен умрингда кузни кузатганмисан? Япроқлар аста-секин, бирин-кетин тўкила бошлайди, ҳатто киши сезмасдан қолади... Бир вақт қарасанг, дарахт устида япроқлар

саноқли, сийраклашган, озгина шамол эсса ҳам қалтирайди, худди бўрон турганда... Эрта-лаб уйқудан кўз очганигда дов-дарахтда бирорта япроқ қолмаганигини кўрасан... Инсон ҳам ўз ишончини ана шундай йўқотади. Авваламбор, аста-секин, билинар-билинемас, бирин-кетин тўкилган япроқдай... Сўнгра бир йўла — қарабсанки, ҳеч нима йўқ! Худди бу дарахтда ҳеч қачон, ҳеч қандай япроқ бўлмагандай... Имон, инсонга бўлган ишончини сақла, япроқсиз, сўққабош қалтираб турган дарахтдай уни ғариб қолдирма! Сендан ёлбориб илтимос қиламан. Сен шундай қилгин-ки, Имон, мен ҳеч қачон сенга, сенинг меҳру муҳаббатингга, ҳақгўйлигингга ишончимни йўқотмай...

**И м о н.** Мен сени жуда қадрлайман, Танзила!

**Т а н з и л а.** Сен Ёнарни жуда яхши одам эканлиги, бизнинг қалбимизга яқинлиги ҳақида гапирмаганмидинг?

**И м о н.** Гапирганман, ҳозир ҳам шундай деб ўйлайман.

**Т а н з и л а.** У хонадонимизда пайдо бўлдию ҳаммамиз ўзимизни билиб олгандай бўлдик. Ошиқларнинг бир-бирларига ишқлари кучайди, ишқсизлар юраклари бўшлигини сездилар... Хонадонимизда у бамисоли ҳалок бўлган ўғлини топди. Қизимизга, сенга ўганиб қолди... Ишқилиб, ҳаммамизга гап топиб, кўнглимизни кўтариб турарди...

**И м о н.** Мен Ёнар муаллимни ёмонлаб бирор нарса дедимми?

**Т а н з и л а.** Одамлар ҳаётнинг қадрига дурўстроқ етиб, чуқурроқ севишлари учун Ёнарлар бўлиб туриши зарурга ўхшайди...

И м о н. Мен Ёнар муаллимнинг олдига бо-  
раман. Садоя бўлса...

Т а н з и л а. Садоянинг укаси бўлсанг ҳам  
уни сираям билмас экансан... У хонадонимиз-  
даги энг покиза одам. Унинг Ёнар муаллимга  
муносабатига таъма, ёхуд тубан ҳавас, эҳтирос  
аралашганига наҳотки ишонсанг?.. Онанг би-  
лан Элдорнинг гапига кирдингми?.. Амалпа-  
растлик, шуҳратпарастлик уларнинг кўзини  
тиндириб қўйганидан ростгўйларни ёмон кў-  
ришади. Ҳозироқ касалхонага борамиз. Садоя  
ҳам, Ёнар ҳам ўша ерда... Юра қол, жоним!

И м о н (*бир оз иккиланиб туради*). Хўп!

Улар эшикка юришади. Олдиларидан Дурдона  
чиқади.

Дурдона. Йўл бўлсин? Бемаҳалда-я?

И м о н (*жуда мулойим қилиб*). Ойи, ка-  
салхонага кетяпмиз. Ёнар муаллимнинг аҳво-  
ли оғир...

Дурдона. Менинг аҳволим-чи? Оғирмас-  
ми? Қизим ўша ерда, куёвим ҳам. Энди ўғлим  
билан келиним ҳам ўша ёққа чопишяпти. Ме-  
ни ёлғиз ташлаб-а. Қон босимим баландлиги-  
ни билатуриб-а!

И м о н. Тезда қайтамиз, ойн. Бормасак си-  
раям бўлмайди!

Т а н з и л а билан И м о н кетишади.

Дурдона. Боравернинг, мен эса бу ерда  
қаққайиб қолавераман. Болаларимни деб  
шамдай адо бўлдим. Улар ҳозир қани? Қочиб  
қолишди! Хонадонимиз бошига қаттол ёвдан  
ҳам баттар савдо солган қандайдир Ёнарнинг  
олдига кетишди. Менинг нима айбим бор?

Эҳтимол, ўша Ёнар ҳақдир, яхшилик билан ёмонлик, оқ билан қора, севинч билан гамнинг фарқига боролмай қолгандирман? Дурдонахоним, сенда эс деган нарса қолмабди-ку...

## Унинчи кўриниш

Касалхона палатаси. Ёнар креслода ётибди. Ёнида Садо я.

Ёнар (*ҳарсиллаб, оҳиста гапиради*). Садояхоним, сизмисиз? Раҳмат сизга!

Садо я. Нимага, муаллим?

Ёнар. Жаҳл қилмаганингиз, келганингиз, тушунганингиз учун.

Садо я. Ҳақ гапгаям жаҳл чиқадими муаллим? Қўзғолманг, сира қимирламанг, мумкин эмас... Бзовталанманг!..

Ёнар. Тирик одам бзовталанмай бўларканми? Фақат ўлик тинч ёта олади. Мен бўлсам яшасам дейман. Шундай яшагим келяпти-ки, асти қўяверасиз, Садояхоним... Баланд тоғларга қадам босганимдан бери шу кўйга тушдим... Сўзлагим, ишлагим келяпти. Бизнинг қоядаги тасвирлардан фарқимиз ҳам шунда бўлса керак ўзи. Улар кечмишдаги ҳаётнинг излари, холос, биз эса... (*Кўзларини юмади.*)

Садо я. Толиқтириб қўймадимми, Ёнар муаллим?

Ёнар. Сира ҳам... Мабодо менга эртага: «Боніқа одамнинг юрагини ўрнатишга ижозат этсангиз яна юз йил яшайсиз», дейишгудай бўлса уларга ўзимнинг юрагим маъқул, дейман. Унга ўрганиб қолганман. Ўзга юрак билан юз йил умр кўришни истамасдим... Юраги

бошқа бўлган одамлар эса учраб туради. Улардан ўзингизни четга олинг, Садояхоним... Уларга яқинлашманг. Ундайлар севги ҳақида кўп гапирришадю, аммо севги нималигини билишмайди. Халқ деб оғиз тўлдирришадю аммо одамларни унутишадю. Дўстлик, дўстлик, деб ҳайқирришса ҳам дўстларни кулфатда қолдирришадю. Ўз юрагимиз, ўз виждонимиз билан яшаймиз, тўғримиз?

С а д о я. Тўғри, Ёнар муаллим, фақат...

Ё н а р. Садояхоним, деразадан бир парча осмонни кўриб турибман. Осмон тагида менадан пинҳон бўлган денгиз бор. Шунда ҳам унинг мовий эканлигини биламан. Осмонга унинг акси тушяпти-да. Денгизнинг соҳили бор. Соҳилда эса қоялар... Қояларда — аждодларимизнинг тасвирлари. Ўтмишни нечун ўрганишимизни биласизми, Садояхоним? Келажак ёрқинроқ кўринсин деб ўрганамиз. Бу нарса диссертациянгизда йўқ, ҳолбуки бўлиши керак, зарур. Акс ҳолда ўтмишни ўрганиб нима қиламиз?

С а д о я. Мен сизга хушxabар олиб келдим, Ёнар муаллим!

Ё н а р. Хушxabарни яхши кўраман.

С а д о я. Кеча илмий кенгашнинг мажлиси бўлди. Қаттиқ тортишув кетди. Сиз дўстларим оз дегадингиз. Кашфиётнингизни эса дўстларингиз тугул душманларингиз ҳам қувватлаб чиқишди. Апишерон қояларидаги тасвирлар маданиятимиз тарихининг янги саҳифалари, дейишадю.

Ё н а р (*жилмаяди*). Ахири тушунишибди! Озарбайжон — энг қадимий маданият диёри! Бу замин башарият маънавий гўзаллигининг энг нодир ёдгорликларини сақлаб қолган...

Озарбайжон — олов мамлакати, оташ қалблар юрти! Халқ тақдири оташ юраклардан яралади...

Садо я. Қашфиётингизга бўлган қизиқиш жуда катта. Газеталар бу хусусда мақолалар тайёрлашяпти. Фанлар академиясидан делегация келиши кутиляпти.

Ёнар (*палата эшигида Танзила, Имон ва Соҳила турганини сезади*). Келдингларми? Менга-я... Раҳмат сизларга... (*Соҳилага имо қилади.*) Берироқ кел, Соҳила!

Соҳила чопқиллаб келади.

Келганинг жуда яхши бўлди-да, неварагинам. Барака топ!.. Қўлларинг жуда муздак-а... Худди денгиз тўлқинидай. Сочларинг кабутар қанотидай майин.

Дурдона юлқиниб киради.

Дурдона. Шу ерда! Мендан бўлак ҳаммаси шу ерда!..

Ёнар. Сиз ҳам шу ердасиз-ку, нега бундай дейсиз, Дурдонахоним?

Дурдона. Сизни ҳамма оғир касал дейди, Ёнар муаллим. Очигини айтганда оғир касал менман!

Ёнар. Сизга нима бўлди, Дурдонахоним?

Дурдона. Юрак ўйноғи!

*Ёнар ўрнидан қўзғалмоқчи бўлганида Дурдона унинг елкасига қўлини қўяди.*

Ўзингизни қийнаманг, Ёнар жигарим! Сиз учун мен тураман, югураман, безовта бўлман. Менга ишонаверинг!

Эшикнинг нарёғидан ҳамширанинг «Мумкин эмас! Мумкин эмас! Бош врач таъқиқлаган! Ичкарида одам жуда кўп!» деган овози эшитилди.

Мададнинг овози. «Мен бир минутга! Фақат бир минутга! Ёнар муаллим меми чақиртирган».

Ёнар. Уни киритинг, ҳамшира! Фақат бир минутга.

Мадад (*палатага кириб, ҳаммага салом беради*). Мени йўқловдингизми, Ёнар муаллим?

Ёнар. Ҳа, Мадад, йўқловдим. Академиянинг комиссияси келдимми?

Мадад. Ҳозирча йўқ. Қўнғироқ қилдик, бугун учиб келаркан.

Ёнар. Қойил! Қоялар тилга кирди. Энди илмий кенгашдагиларнинг нима дейишларини эшитса бўлади. Кафедрадагиларга бориб айт, менинг докладим эртага бўлади. Тегишли одамларга хабар қилишсин.

Мадад. Бу қанақаси, Ёнар муаллим? Сизга мумкинмас-ку...

Ёнар. Докладни мен қилмайман. Сенга топшираман.

Мадад. Менга?

Ёнар. Ҳа, Мадад, сенга. Сен билан бирга ишладик, кашфиёт ҳам икковимизники. Буни олимларга менчалик баён қилоласан. Мен эса мажлисга гойибона қатнашиб, докладингни тинглаб, юрагимни ҳовучлаб ўтираман.

Мадад. Мен бунақанги зўр даврада сира ҳам гапирмагандим.

Ёнар. Энди гапирасан... Ҳаёт бир зум ҳам тинмаслиги керак. Биз одамларга элтаётган машъал ҳам доимо ёнмоғи лозим. Мабодо





## МУНДАРИЖА

Тўлқинларга тўш уриб... Раамз Бобожон . . . . . 3

### Шеърлар

Қўшалок қанот. <i>Миртемир</i> таржимаси . . . . .	7
Мовий. <i>Миртемир</i> таржимаси . . . . .	8
Сокит сатрлар. <i>Миртемир</i> таржимаси . . . . .	10
Ўзга соҳилларнинг айни тўлқини. <i>Миртемир</i> таржи- маси . . . . .	12
Чўққи булути. <i>Миртемир</i> таржимаси . . . . .	14
«Кун чиқар, ёмғир ёғар...» <i>Шавкат Раҳмон</i> таржи- маси . . . . .	15
Қуёш қўшнилигида. <i>Миртемир</i> таржимаси . . . . .	16
Элбрусга ёндошиб. <i>Шавкат Раҳмон</i> таржимаси . . . . .	17
Болалик кўйлагим. <i>Миртемир</i> таржимаси . . . . .	18
Парвоз истаги. <i>Муҳаммад Али</i> таржимаси . . . . .	19
Мўғул тупроғида. <i>Шавкат Раҳмон</i> таржимаси . . . . .	20
Юксаклик ишқи. <i>Миртемир</i> таржимаси . . . . .	21
Чинор. <i>Муҳаммад Али</i> таржимаси . . . . .	22
Гул бандидан узмасак гулни...» <i>Шавкат Раҳмон</i> таржимаси . . . . .	23
Ер ҳам, кўк ҳам. <i>Миртемир</i> таржимаси . . . . .	24
Агар... <i>Муҳаммад Али</i> таржимаси . . . . .	25
Чулгар лол фикрлар. <i>Миртемир</i> таржимаси . . . . .	27
Тоғлар ҳам. <i>Миртемир</i> таржимаси . . . . .	28
Хотиралар сўқмоғида. <i>Миртемир</i> таржимаси . . . . .	29
Даралар. <i>Миртемир</i> таржимаси . . . . .	31
Денгиз, само, муҳаббат. <i>Миртемир</i> таржимаси . . . . .	33
Рассом дўстимга. <i>Миртемир</i> таржимаси . . . . .	36
Балиқчи. <i>Азим Суюн</i> таржимаси . . . . .	38
Тазодлар. <i>Миртемир</i> таржимаси . . . . .	42
Одим-одим. <i>Миртемир</i> таржимаси . . . . .	44
Бероҳат. <i>Азим Суюн</i> таржимаси . . . . .	46
«Омон бўл!» ва «Хайрбод». <i>Шавкат Раҳмон</i> таржи- маси . . . . .	48

## Япония дафтарида

Поезда мудраган қиз. <i>Миртемир</i> таржимаси . . . . .	50
Мароллар шаҳри. <i>Миртемир</i> таржимаси . . . . .	53
Хиросима фожияси. <i>Миртемир</i> таржимаси . . . . .	55
Рихард Зорге қабри қаршисида. <i>Миртемир</i> таржи- маси . . . . .	58
Гурбат уйқусизлиги. <i>Миртемир</i> таржимаси . . . . .	60
Чолнинг дегани. <i>Миртемир</i> таржимаси . . . . .	62
Алвидо, Япония! <i>Миртемир</i> таржимаси . . . . .	63

## Франция дафтарида

Хушxabарлар хиёбони. <i>Шавкат Раҳмон</i> таржимаси	65
Табассум ва кўз ёшлари. <i>Шавкат Раҳмон</i> таржи- маси . . . . .	67
Парижда оқшом... <i>Шавкат Раҳмон</i> таржимаси . . . . .	70

## Достонлар

Она. <i>Раззоқ Абдурашид</i> таржимаси . . . . .	73
Қуёшнинг синглиси. <i>Муҳаммад Али</i> таржимаси . . . . .	86
Икки Хазар. <i>Шавкат Раҳмон</i> таржимаси . . . . .	107

## Драма

Севсанг, севгилим. <i>Рамз Бобожон</i> таржимаси . . . . .	125
--	-----

*На узбекеком языке*

Наби Хазри

ПОЛЕТ

Стихи, поэмы, драма

Редактор Ш. Раҳмон  
Расмлар редактори А. Бобров  
Рассом Г. Редкина  
Техн. редактор Т. Смирнова  
Корректор М. Абдусаломова

ИБ № 90

Босмахонага берилди 23/III-1977 й. Босишга рухсат этилди 24/XI-1977 й. Формати 70×90<sup>1/32</sup>. Босма л. 6,125. Шартли ёсма л. 7,17. Нашр л. 7,0. Тиражи 5000. Р 09724. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент. Навоий кўчаси, 30. Шартнома 162-76.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича Давлат комитетининг 2-босмахонасида № 1 қоғозга босилди. Янгийул, Самарқанд кўчаси, 44, 1977 йил. Заказ 264. Баҳоси 1с. 10 т.

**Хазрий Наби.**

Парвоз. Шеърлар, дostonлар, драма. Сўз боши: Р. Бобожон. Т., Адабиёт ва санъат, 1977.

196 б.

Таниқли озарбайжон шоири, СССР Давлат мукофоти лауреати Наби Хазрийнинг ўзбек тилида ilk бор нашр этилаётган бу китобига унинг машҳур лирик шеърлари билан бирга «Она», «Кўёшнинг синглиси», «Икки Хазар» дostonлари ва «Севсанг, севгилим» драмаси киритилди.

**Хазрий Наби.** Полет. Стихи, поэмы, драма.

С(Аз)